

O‘zbekiston Respublikasi
Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta’lim

ilmiy–uslubiy jurnal

Samarqand

2(67)/ 2018

**Ministry of Higher and Secondary Special
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal

Samarkand

:

Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим.
№2 (67), 2018.

Уч ойда бир марта чиқадиган илмий-услубий
журнал

Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар
институту

Таҳрир хайъати:

ТУХТАСИНОВ Илҳомжон (раис)
САФАРОВ Шаҳриёр (бош муҳаррир)
АШУРОВА Дилором
АШУРОВ Шаҳобиддин
ТУРНИЁЗОВ Неъмат
РИЗАЕВ Баҳодир
(муҳаррир ўринбосари)
ХОЛБЕКОВ Муҳаммаджон
ИСМОИЛОВ Салоҳиддин
КИСЕЛЁВ Дмитрий
ЭШҚОБИЛОВ Абдували
ЯХШИЕВ Ашур (масъул котиб)

Жамоатчилик кенгаши:

БУШУЙ Татьяна
ГИЙОМ Оливье (Франция)
КИДА Цуйоши (Япония)
СИГМИЛЛЕР Стив (АҚШ)
УСМОНОВ Ўрол
ЖИАНГ Фенг (Хитой)
РАҲИМОВ Ғанишер
МИРЗАЕВ Ибодулло
КАРАСИК Владимир (Россия)

Журнал Олий Аттестация комиссиясининг
филология фанлари бўйича эксперт кенгаши (2014
йил 10 мартдаги 2-сонли баённома) тавсияси билан
зарурий наشرлар рўйхатига киритилган.

Таҳририят манзили:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93, СамДЧТИ.
Телефонлар: (998-662)233-78-43;
(998-662)231-13-42
Факс: (998-662) 210-00-18.
Email: ssifl_info@mail.ru

Журнал Самарқанд вилоят матбуот ва
ахборот бошқармаси томонидан № 09-12 рақам
билан рўйхатга олинган.

ISSN: 2181-743X; Индекс 1266.

Журнал 2001 йилдан чиқа бошлаган.

© Самарқанд давлат чет тиллар институти,
2018 йил.

Foreign Philology: Language, Literature, Education.
№2 (67), 2018.

Scientific-methodical journal

Founder: Samarkand State Institute of Foreign
Languages

Editorial Board:

TUKHTASINOV Ilhomjon (chairman)
SAFAROV Shahriyor (editor-in-chief)
ASHUROVA Dilorom
ASHUROV Shahobiddin
TURNIYOZOV Nemat
RIZAYEV Bakhodir
(vice editor)
KHOLBEKOV Mukhammadjon
ISMAILOV Salohiddin
KISELYOV Dmitriy
ESHKOBILOV Abduvali
YAKHSHIEV Ashur (executive secretary)

Public Council:

BUSHUY Tatyana
GUILLAUME Olivier (France)
KIDA Tsuyoshi (Japan)
SEEGMILLER Steev (USA)
USMONOV Ural
JIANG Feng (China)
RAKHIMOV Ganisher
MIRZAEV Ibodullo
KARASIK Vladimir (Russia)

The journal is included in the list of required
publications according to the recommendation of the
expert council in filological sciences of Higher Attestation
Committee (Proceeding #2 from March 10, 2014).

Address:

Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.
Phone: (998-662) 233-78-43;
(998-662)231-13-42
Fax: (998-662) 210-00-18
Email: ssifl_info@mail.ru

The journal is registered under No 09-12 by
Samarkand Regional Department of press and
information.

ISSN: 2181-743X; Index 1266.

The journal has been published since 2001.

© Samarkand State Institute of Foreign
Languages, 2018.



МУНДАРИЖА

МАҚОЛАЛАР

Холбеков М., Мамарасулова Г. Инглиз адабиётида тасаввурларнинг пайдо бўлиши...5	
Ашуров Ш. Хорижий тилларни ўрганишда маданиятнинг таъсири..... 10	
Маджидова Р. Человек как субъект лингвистических исследований..... 15	
Қаршибаева У. Жермена де Сталь француз романтизми асосчиси.....20	
Насруллаева Н. Отражение семейного статуса мужчины в английской и узбекской фразеологии. 25	
Шомуродова Ш. Таълим жараёни кенг кўламли ислоҳ этишда инновацион ёндашувларнинг аҳамияти 30	
Айжун У. О препятствиях при переводе невербальных средств в художественной литературе..... 34	
Ткачёва А. Изображение смертных грехов в «Книге о благой любви» Хуана Руиса 42	
Журакулов Р. Об особенностях фразеологии узбекских народных сказок. 47	
Нормуродова Н. Когнитивно пропозициональная структура дуального концепта как вербализатор языковой личности автора..... 52	

ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР

Хонхужаева А. Традиционные особенности свадебных торжеств таджиков Самарканда..... 59	
Расулов Н. Образнинг бадиий таржимада талқини (В.Л.Войничнинг “Сўна” романининг рус ва ўзбек тиллари таржимаси мисолида)..... 63	
Хуррамова З. Мумтоз анъаналар давомчиси..... 66	
Шодиев С. Фразеологик иборалар синтактик деривацияси..... 71	
Насирдинова Ё. Ўрта осий халқ эртақ ва афсоналари Реми Дор талқинида..... 76	
Мирзохидова Л. Исломгача бўлган туркий адабиётда мажозийлик.....80	
Хурсанов Д. Лирик ва эпик турда хронотопнинг ўзига хосликлари 84	
Axmedova D. Shatranjy Samarqandiy qit'alarida mavzular xilma-xilligi va mazmun boyligi..... 88	
Муминов Н. Прагматический лингвистический поворот в современной философии... 92	
Ўлмасов Ш. ОАВ тили омма онгига таъсир этишнинг асосий воситаси сифатида.... 96	
Собиров А. Сўз тартибининг прагматик хусусиятлари..... 101	
Sarayeva S. Cognitive theory of metaphor..... 106	
Пардаева И. Анушервон адолат тимсоли..... 109	

ЁШЛАР МИНБАРИ

Ismatova Yu. Asarni boshqa milliy zaminga ko'chirishda tarjimon shaxsining roli..... 113	
---	--



C O N T E N T S**REPORTS**

Xolbekov M., Mamarasulova G. The formation of imagination in the English literature	5
Ashurov Sh. The role of culture in foreign language teaching.....	10
Madjidova R. Human as a subject of linguistics researches	15
Karchibaeva U. Germain de Stael as the founder of French romanticism.....	20
Nasrullaeva N. Indication of man's marital status in the English and Uzbek phraseology	25
Shomurodova Sh. The role of innovational devices in the reformation of educational process.....	30
Ayjun U. About the obstacles in translation of nonverbal means in literature	34
Tkachyova A. Demonstration of mortal sins in the "A good love book" by Khouan Ruisse	42
Jurakulov R. On peculiarities of phraseology in the Uzbek folk tales	47
Normurodova N. Cognitive propositional structure of dual concept as a verbalizer of author's linguistic. personality.....	52

SCIENTIFIC INFORMATIONS

Xonxujayeva A. Traditional peculiarities of wedding-parties of Tadjiks living in Samarkand.....	59
Rasulov N. The interpretation of the image in literary translation (on the example of the translation of the novel "The Gadfly" by E. L. Voynich into Russian and Uzbek).....	63
Xurramova Z. Follower of classic traditions.....	66
Shodiyev S. Syntactic derivation of phraseological units.....	71
Nasirdinova Yo. Folk tales and legends of Middle Asia in Remi Dor's interpretation... ..	76
Mirzohidova L. Allegoricalness in pre-Islam Turkic literature	80
Khusanov D. Specifics of the chronotope in the lyrical and epic genus.....	84
Axmedova D. The diversity and multiplicity of the content of the "qit'a" (sonnet) of Shatrang Samarkandi.....	88
Muminov N. The pragmatic linguistic turnover in modern philosophy.....	92
Ulmasov Sh. Mass media as a main means of influence on people's mind.....	96
Sobirov A. Pragmatic peculiarities of word order.....	101
Сапаева С. Метафораларнинг когнитив назарияси.....	106
Pardayeva I. Anushervon symbol of justice.	109

YOUTH TRIBUNE

Ismatova Yu. The role of translator's personality in transferring a literary work into another national sphere.....	113
--	-----



ИНГЛИЗ АДАБИЁТИДА ТАСАВВУРЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

*Холбеков Муҳаммаджон, СамДЧТИ профессори
Мамарасулова Гулноз, ЖизДПИ мустақил тадқиқотчиси*

Калит сўзлар: романтизм, уйғониш даври, романтик давр, маърузалар, манифестлар, альбатрос, классицизм.

XVIII асрнинг 70-йилларида шакллана бошлаган адабиёт тарихида ва етакчи ҳаракатлардан бири ҳисобланган романтизм кўплаб соҳаларда, айниқса адабиёт, санъат ва рангасвирда ўз кўринишини яққол намоён этди. Бу давр ижодкорлари асарларида ўзига хос бадиий услублар шаклланди.

Романтизм белгилари илк бора Буюк Британия, Франция ва Германияда кузатилган бўлса-да, аммо Италия, Испания ва қатор бошқа давлатларни ҳам ўз таъсир доирасига қамраб олди.

Кўплаб манбаларда, 1783-1830 йиллар оралиғида бадиий ижодда етакчи ўрин тутган романтизм ҳаракатлари ва бундан аввалги Уйғониш даври билан айрим жиҳатларини ўзаро қиёсловчи тадқиқотларда Романтик даврнинг фарқли томонлари намоён бўлиб, унда рух, қалб ва ҳис-туйғулар туғени етакчи роль ўйнайди, бу даврнинг мазмун-моҳиятида инсоният интилишлари ва муаммоларига урғу берилиши таъкидланади. Қисқа қилиб айтганда, адабиётда романтизм қатор йирик оқимларни уйғониш даври ва “Илмий инқилоб” концепцияларини ҳам рад этади.

Романтизм ривожига инглиз шоирлари Кольриж, Вордсворт, Блейк, Китс, Байрон, Шелли ва бошқалар улкан ҳисса қўшди. Маълумки, адабиётда энг муҳим восита бу сўз ва ифодавийлик. Романтик шоирлар биринчи навбатда ўз асарларига ҳаяжонли, хаёлий ва ғайриихтиёрий тасаввурларини сингдиришга интиладилар. Ижодкорларнинг хис-туйғулари ва идроки шеърга кўчиб, илмий ҳақиқатни тадқиқ этишдан кўра, “хаёлий ҳақиқат” (“truth of the imagination”)ни излашга бағишланган эди.

Орадан кўп вақт ўтмай, романтизмнинг фалсафий ва ҳиссий

хусусиятлари бутун Европа бўйлаб тарқалиб, натижада у нафақат санъат ва гуманитар фанларга, балки кишилиқ жамиятидаги турли жараёнларга ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади. Романтизм шеъриятида инсон ҳиссиётлари, муносабатлари ва бошқа жиҳатлари ўрганилди, тадқиқ этилди. Адабиётшунос олимлар Блум ва Триллинлар фикрига кўра, йиллар ўтса-да, романтик даврнинг энг олий мақсадлари ҳамон ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ. Аксинча, “Романтизм-абдий ва такрорланиб турадиган ҳодисага айланди”.

Европада Уйғониш даври XV-XVII асрларга тўғри келиб, унинг асосий хусусиятларини кўздан кечириш асносида, романтизм ҳаракати пайдо бўлишининг баъзи омиллари ва икки оқим ўртасидаги кескин фарқларни англаш мумкин бўлади. Уйғониш даври адабиётида бошқа унсурларга қараганда айнан, мантиқ ва ақл-идрок муҳим аҳамият касб этиб, романтизмга хос туйғуга асосланган қарашларга деярли урғу берилмайди. Уйғониш даври ғояларига кўра, инсон ва унинг муносабатлари, жамиятда тутган ўрни, авваламбор, илмий нуктаи назардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши лозим.

Романтик давр тарихида холислик фақат истак-хоҳиш бўлибгина қолмай, унга эришиш мумкинлигига қатъий ишонч пайдо бўлди. Бу давр вакиллари субъектив ҳиссиётлар, табиат хусусидаги мушоҳадалар ва ижодий майллардан кўра янги ресурслар, техникалар ва сармоёга эга мамлакатнинг иқтисодий инфратузилмаси ҳақида қайғуриш афзалроқдир, деган фикрлардан йироқ бўлишган. Нафсилар сиёсий ва иқтисодий мавзулар атрофидаги адабий асарлар шу замоннинг устувор масалалари ва қадриятларини ўзида акс



эттирди. Худди шу тарзда фалсафий асарлар ҳам ўз даврининг муаммо ва ташвишларини ёритиб, ижодкорларнинг шахсий ўй-фикрлари билан биргаликда инсоният тажрибасига асосланган эди.

Кейинчалик, романтизм ғайри-ихтиёрийлик, ижодийлик ва ўзига хослик етишмайдиган маданий муҳитларга қарши ижобий таъсир кўрсата бошлади. Албатта, романтик даврнинг илк ва йирик асарлари фақатгина поэзиядан иборат бўлиб қолмай, балки инсон табиати ва феъл – атвори хусусиятидаги маърузалар, манифестларни ўз ичига олган эди. Кольрижнинг “Bibliographia Literaria”, Шеллининг “Шеърийат мудофааси” (“Defence of Poetry”) ва Вордсвортнинг “Лирик балладалар” (“Lyrical Ballads”) ва “Муқаддима” (“Preface”) сани бунга мисол қилиш мумкин. Юқоридаги насрий асарларда романтик шоирларнинг дунёқарашлари нақадар кенг қамровли эканлиги яна бир бор исбот этилади. Улар ғоялари Уйғониш даври намояндалари фикр-мулоҳазаларидан тубдан фарқ қилиши яққол сезилади. Ва романтизмга хос асосий хусусиятлар ишлаб чиқилиб амалга татбиқ этилади. Бу кайфият, масалан Вордсвортнинг “Муқаддима” (“Preface”) сида қуйидагича қайд этилган: “Оддий нарсалар (ёзишга лойиқ бўлган) ғайриоддий усулда тақдим қилиниши лозим”. Худди шу тахлитда, романтиклар энг оддий кундалик воқеалар, ҳистуйғулар ва тажрибаларни кутилмаган, ноодатий ҳолларда ифода этиш назариясини илгари суришди.

Романтизмнинг яна бошқа бир сифати Шелли томонидан таъриф берилган. Унда айтилишича, ҳиссиёт ва муносабатларнинг ўзи етарли эмас, умрнинг қадр-қиммати муҳимдир. Шелли яна шуни таъкидлайдики: “Башариятнинг буюк сири севгидир... Инсон гўзаллиги эса унинг ақл-идроки, хатти-ҳаракатлари ва одамийлиги орқали белгиланади. Комил инсон чуқур мушоҳадали ва шиддатли бўлиши шарт. У ўзини бошқа одамлар ўрнига қўйиб кўра олиши, уларнинг дард-алами ва қувончларини ўзиники деб қабул қилиши лозим”.

Адабиётшунослар инглиз роман-тизмани куйидаги икки босқичга бўлиб ўрганадилар:

1. 1793-1812 йилларни ўз ичига олиб “Кўл мактаби” шоирлари ижоди дея номланади;

2. 1812-1832 йиллардаги “Лондон романтиклари” ижодий фаолиятидир.

Биринчи босқич “Кўл мактаби” номи билан машҳур бўлиб, бу давр 1793-1812 йилларда яшаб ўтган лейкистлар (инглизчада “lake” - кўл) асарларида ўз аксини топади. “Кўл мактаби” шоирларини Уильям Вордсворт (1770-1850), Сэмюэл Тейлор Кольриж (1772-1834), Роберт Саути (1774-1843) лар гуруҳи ташкил этади. Улар Англиянинг шимолида кўллар ўлкасида туғилиб, шу маконда ижод қилганликлари боис, “лейкистлар” номи билан шуҳрат қозонишди.

Бу уч шоир ёшлик чоғлариданоқ, Буюк Француз инқилобини кўллаб – қувватлашади. Аммо 1794 йилдан улар бу эътиқодидан қайтишди. 1795 йилда Вордсворт ва Кольриж илк бора учрашиб, ўзаро дўстлашади ва ҳамфикр ижод қила бошлайдилар. Уларнинг ўхшаш жиҳатлари шунда эдики, икки шоир ҳам инқилоб оқибатларидан хавотирда ва буржуа дунёсига нисбатан нафрат ҳисси билан қалblари тўлиб –тошганди. Шу аснода, улар ҳамфикр бўлиб, 1798 йилда “Лирик балладалар” (“Lyrical Ballads”) номли тўпламни нашр этишди. Ушбу асар илк инглиз романтизмнинг адабий йўналишига асос солиб, катта муваффақиятларга эришди. 1800 йили “Лирик балладалар”нинг иккинчи нашри учун Вордсворт ёзган муқаддима эса инглиз романтизмнинг манифестига айланди. Вордсворт унда муаллифлар олдига муҳим вазифаларни кўндаланг кўяди: “Демак, шеър ёзишдан мақсад – воқеликни, кундалик ҳаётимизда рўй бераётган вазиятларни ифода этиш, баён қилиш ёки имкон қадар, ўзгача усулда уларни тасвирлаб бериш эди. Шу билан бир вақтда, у хаёлий бўёқлар воситасида безатилиб, оддий нарсалар ғайриоддий тарзда пайдо қилинди. Энг муҳими, ушбу воқеа ва ҳодисалар, ниҳоят,



адолатпарварлик руҳида кизиқарли ифодаланиб, онгли равишда, бизнинг табиатимизга хос фундаментал қонуниятларни ўзида мужассам этмоғи лозимдир”.

Вордсворт XVIII аср классицизм шеърятининг анъанавий шеърый услубларига амал қилмай, ўзига хос тарзда битиклар қоралаб, инглиз шеърятига туб ўзгаришлар ясади. Вордсворт ва Кольрижнинг мутлақо янгича ҳаракатларини А.С.Пушкин шундай изоҳлайди: “Ҳали вақти келиб, инсон акли бир хилдаги танланган ва чегараланган ижод маҳсулларида зеркиб, аввалига хор қилинган янгича қарашлар ва ғалати услубларга яна мурожаат қилади”.

Вордсвортнинг ўзига хос хиссаларидан бири шу эдики, у деҳқон руҳиятини тушунишга, уни шеърга солишга интилади. Энг тоза ва соф туйғулар ҳам деҳқон болаларида намоён бўлади, дейди шоир. Унинг “Биз еттовлон” (“are Seven”) номли қиссасида саккиз ёшли қизалоқ ҳақида ҳикоя қилинади. Болаларнинг икки нафари вафот этган бўлишига қарамай, қизча оиласида етгита фарзанд борлигини таъкидлайверади. Шу йўсинда, ижодкор қаҳрамонига тасаввуфий руҳни сингдиришга интилади. Қизча калбининг туб-тубидан кўнгил адабийлигини англаб етади, гўёки унинг қондошлари ўлмаган, улар ҳануз тирикдек.

Кольриж инглиз шеърятига ўз ёзиш услуби билан муҳим ўрин тутди. Унинг шеърлари ўз даврининг нуфузли ижодкорларига бевосита чуқур таъсир кўрсатган. Унинг замондошлари шоирни ўз асарлари устида бошқа ижодкорларга қараганда янада пухтароқ ишлайдиган моҳир уста сифатида тан олишган. Шунингдек, “Кўл мактаби” гуруҳи аъзоси бўлмиш Саути ва Вордсвортлар ҳам унинг маслаҳати ва кўмагига таянишган. Шоирнинг Вордсворт ижодига таъсири ниҳоятда сезиларли бўлиб, танқидчилар Кольрижнинг “Диалогли шеърят” ғоясининг асосий мазмунини унда кўришади.

Кольрижнинг машҳур асарларидан бири “Қари денгизчи афсонаси” (“The

Rime of the Ancient Mariner”) ҳисобланиб, денгизчи байрамга шошилаётган йигитчани тўхтатиб, унга ўзининг ғалати ҳикоясини сўзлаб беради. У денгиз сафарларидан бирида, кемасига омад келтирувчи – альбатрос¹ қушини ўлдирганини айтади. Бироқ ишлар аксига олиб, барчаси барбод бўлади. Яъни денгизчининг бошига ҳисобсиз қулфатлар ёғилиб, кемада ичимлик суви қолмай, одамлари ҳалок бўлади. Фақатгина денгизчининг ёлғиз ўзи тирик қолади. Шундан сўнг у бўлиб ўтган бахтсизликларнинг асл сабаби унинг ёмон иши оқибатида рўй берганини англаб етиб, осмонга қараб тавба-тазарру қилади. Шу заҳоти шамол эсиб кемани қирғоққа йўналтиради. Чолнинг нафақат ҳаёти сақлаб қолинган, балки қалби ҳам покланган эди.

Аввалига Кольриж қаҳрамони ўз хатти-ҳаракатлари билан нақадар тошбағир инсон эканлиги эътироф қилинса, аммо кеч бўлса-да ўз айбига иқрор бўлиб, яратгандан қилмишлари учун афв этишини сўраб ёлворади. Уйғонган виждони унга энг олий маънавий қадриятлар моҳиятини очиб беради. Ушбу романтик қаҳрамон тасаввуфий безаклар билан ўқувчи онгида гавдаланади.

Шундай қилиб, “Кўл мактаби” шоирлари ижодида эстетик оҳангларга урғу берилиб, уларга борлиқдаги сиёсий ва фалсафий жараёнлар халқона ҳамда ноодатий усулларда ифода этилади.

Инглиз романтизмнинг иккинчи босқичи – 1812-1832 йиллар (Байроннинг “Чайльд Гарольднинг саргузаштлари” (“Childe Harold’s Pilgrimage”) асарининг биринчи нашри чоп этилган даврдан то Вальтер Скоттнинг ўлимигача бўлган давр)ни қамраб олади. Бу даврнинг асосий ютуқлари Байрон, Шелли, Скотт, Китс номлари билан узвий боғлиқдир. Байроннинг “Чайльд Гарольднинг саргузаштлари” (“Childe Harold’s Pilgrimage”) поэмаси барча миллатлар овозлиги мадҳ этилиб, унда мустақиллик

¹Альбатрос – узун тумшук ва кичик қанотли катта денгиз қуши.



ва эркинлик учун кураш ҳар бир халқнинг бурчи эканлиги таъкидланади. Шу боис, илк романтик типдаги образларга “Байронона қаҳрамон” (“Byronic hero”) деган таъриф берилади.

Бу даврнинг иккинчи йирик ютуғи – Вальтер Скотт томонидан асос солинган тарихий роман жанри бўлди. Унинг қаламига мансуб “Пуританлар”, “Роброй”, “Айвенго”, “Квентин Дорвард” каби романлар ғарб адабиётида тарихий роман жанрининг шаклланишида асосий туртки бўлади.

Иккинчи давр бошларида, ниҳоят, “лондонлик романтиклар” гуруҳи юзага келиб, улар илғор ислохотлар талабгорлари ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари сифатида майдонга чиқишди. Лондонлик романтиклар ичида энг нуфузли шоирларидан бири Жон Китснинг John Keats (1795-1821) шеърияти алоҳида аҳамиятга эгадир. У буюк шотландиялик шоир Роберт Бернснинг шеърий анъаналари изидан бориб, унинг тараққий этишида ўз ҳиссасини қўшди. Китс ўз шеърларига табиат ходисаларидан ҳайрат ҳиссини сингдириб бораркан “Чигиртка ва крикет” (“the Grasshopper and Cricket”) номли сонетида шундай ёзади: “Ер юзида шеърият ўлим билмайди” (The Poetry of earth is never dead).

Шоир “Эндимион” (“Endymion”, 1818) ва “Гиперион” (“Hyperion”, 1820) каби поэмаларида юнон мифологияси ва тарихига юнонча назар ташлайди. Аммо консерватив танқидчилар Китснинг новаторона асарларини қоралашга уринадилар. Таъсирчан шоир эса ватанини тарк этиб Италияга кетишга мажбур бўлади. Китс жуда қисқа умр кўрди. У 1821 йилда вафот этади. Кейинги йили эса

инглиз романтизм адабиётининг ёрқин намояндалари Шелли ва Байронлар оламдан кўз юмадилар.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, романтизм тамойиллари ўзликни ва жамиятни англашдан тортиб, инсоннинг муносабати ва ҳиссиётларини тадқиқ қилиш, ўзини ва ўзгаларни англаш кечинмаларида ўз ифодасини топди. Ҳолбуки, романтизм одамларда ғайриоддий ва кутилмаган воқеаларга бой асарлар орқали умид учқунларини ёқди. Бу давр руҳи инсониятни янгича орзу қилишга, тасаввур қилишга, хаёлот осмонида парвоз айлашга, онгли ва онгсиз орзу-ҳаваслар ўртасидаги чегарани тафтиш этишга имкон яратди.

Романтизмнинг бу юксак мақсадлари биринчилардан бўлиб инглиз шоирлари томонидан аниқ-равшан ифода этилгач, кейинчалик бошқа бадиий жанрлар, хусусан, мусиқа ва тасвирий санъатни ўз ичига камраб олди, шу тарзда европа давлатларига ёйилди. Бу борада, ҳануз классицизм ғояларида мудраб ётган мамлакатларга романтик ҳаракат ғояларини ёйиб, ўзига хос тарздаги ноёб ижодий ва хаёлий тушунчаларни олиб кирди. Натижада эса шахс, санъат ва ҳиссий ифодалар кадр-қиммати амалиётда қайта тикланиб, илмий асосга йўналтирилган Company, мантикий қарашлар ўрнини туйғулар фалсафаси эгаллади. Тадқиқотчилар Блум ва Триллингларнинг ёзишича, романтик давр намояндаларининг улкан ҳиссалари ҳозирги пайтда ҳам ўз аҳамияти ва моҳиятини йўқотгани йўқ. Зеро, улар таъкидлаганидек: “Романтизм ... инсон табиатига хос ва мос ходисадир”.

Адабиётлар:

1. Bloom, Harold and Lionel Trilling. Romantic Poetry and Prose. New York: Oxford University Press, 1973.
2. Abrams, M.H. and Stephen Greenblatt, eds. The Norton Anthology of English Literature, Seventh Edition, Volume 2. New York: W.W. Norton & Company. 2000.
3. Холбеков М.Н. Марло ва Шекспир. Тадқиқотлар, мақолалар, тақризлар. – Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2015. – 348 бет.
4. Richardson, Alan. British Romanticism and the Science of the Mind. Cambridge, England^ Cambridge University Press, 2001.



5. Аниксин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы учеб.пособие. – М.: «Высшая школа», 1982.-528 с.

Xolbekov M., Mamarasulova G. The formation of imagination in the English literature. The article is devoted to researching the role and major characteristics of Romanticism in English literature and analyzing the creative works of poets.

Холбеков М., Мамарасулова Г. Появление представлений в английской литературе. Анализируя творчество поэтов, статья посвящена исследованию роли и основным характеристикам романтизма в английской литературе.



ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА МАДАНИЯТНИНГ ТАЪСИРИ

*Ашуров Шаҳобиддин,
СамДЧТИ доценти*

Калим сўзлар: лингвистик гипотеза, индивидуал баҳолаш, интерактив вазифа, эвристик вазифа, мажозий вазифа, аудиовизуал восита.

Дунёдаги турли тилларда гаплашадиган халқлар ўзига хос турли хил маданий этник тарихга эга. Тил ва маданият бир-биридан ўзаро фарқ қиладиган икки ўзгача соҳа бўлса-да, аммо улар бир-бири билан ўзаро муштаракдир. Тил ташқи оламни англаш ва уни тушуниб етиш ҳамда инсонлар ўртасидаги ўзаро мулоқотнинг асосий воситаси ҳисобланади. Шунингдек, бошқа миллатлар маданияти билан танишиш имконини беради. Ҳар бир маҳаллий маданият ўзига хос тарихий ва табиий шароитларда шаклланиб, ўз дунё тасвирини, инсон қиёфасини ва мулоқот тилини яратади. Ҳар бир маданиятда мавжуд тил тизимининг роли ҳамда вазифаси фақатгина ўзаро мулоқот воситасигина бўлиб қолмасдан тил маданиятнинг пойдевори, унинг ички асосини ташкил этади. Чунки тил ёрдамида инсонлар турли рамзлар, меъёрлар ва анъаналарни акс эттиради, маълумотларни узатади ҳамда одоб-ахлоқ, ишонч, янгиликка интилувчанлик, ҳистуйғу, кадр-қиммат ва қатъийлик шакллари ва бу ҳақдаги илмий билимларни ифодалайди. Тил ва маданият орасидаги боғлиқликни ўрганишни илк бор 1911 йилда америка маданият антропологи Ф.Боас ва британиялик ижтимоий антрополог Б. Малиновскийлар икки маданиятни уларнинг луғат таркибини қиёсий тасвираб бериш орқали бошлаб берган.

Мисол тариқасида кўпчилик шимолий америкаликлар учун қор – об-ҳаво ҳодисаси бўлиб уларнинг сўз бойлигида фақат икки сўзни «snow» (қор) ва «slush» (ёғингарчилик), эскимослар тилида эса қорнинг турли ҳолатларини тасвирайдиган 20 дан ортиқ сўзлар

мавжудлигини ҳамда бу ҳолат ушбу маданиятларнинг ҳар бирида нима муҳимлигини кўрсатиб беради.

Тил ва маданият орасидаги муносабатни англаб етишда Сепир-Уорфнинг “Тил нафақат фикрларни ифодалаш воситаси, балки тил бизнинг фикрларимизни шакллантиради, бундан ташқари биз дунёни қандай сўз орқали ифодаласак шундай кўрамиз”, деб тасвирлаган лингвистик гипотезаси катта ҳисса қўшган. Ушбу фикрга келишда олимлар томонидан турли тиллар таркиби эмас, балки уларнинг тузилиши европа халқлари тиллари ва хопи тили (ҳинду қабилалари тили) мисолида таҳлил қилиб чиқилди.

Г.Глесоннинг таъкидлашича тиллар нафақат маданиятлар меваси, балки маданиятлар рамзидир (Г.Глесон, 1961). Ҳар қандай тилнинг ривожланиши шу тил маданияти, уни билишнинг маданий белгилари ва ушбу халқ урф-одатларининг тилда аниқ-равшан ўз аксини топиши орқали кўзга ташланади. Бундан ташқари, тил жамият томонидан шакллантириладиган ижтимоий институтдир (Э.Армор-Томас, С.Гопал-Мак Никол, 1998). Бундан англашиладики, тил мустақил тузилма эмас, балки у биз яшаб фаолият кўрсатадиган ижтимоий жамият томонидан яратилади. Албатта, тил ташқи муҳитдан холи бўла олмайди, тил ва маданият орасида доимий боғлиқлик мавжуд. Бу нарса шуни кўрсатадики, янги бир тилни ўрганиш ўша тилга алоқадор маданият белгиларини ўзлаштиришни тақозо этади. Айрим олимларнинг фикрича, маданият ҳаёт тарзи сифатида аниқланади (Э.Конден, 1973). Одамлар қаерда яшашидан қатъи назар уларнинг хулқ-атвори ва қарашлари уларнинг



маданиятига асосланади. Маданиятнинг турли ўлчов ва меъёрлари мавжуд. Булар жумласига ғоялар, урф-одатлар, маҳорат, санъат ва маълум бир даврга хос кишиларни тавсифловчи, шунингдек, ҳаётимизнинг таркибий қисми бўлган ишонч-эътиқод, моддий ва маънавий тушунчалар қиради. Маданият ҳар бир шахснинг когнитив ва ҳиссий кечинмаларидан ташкил топади. Ушбу ҳолат индивидуал баҳолаш ва муносабат ҳамда шахснинг ёқтирган машғулоти каби ҳаётнинг амалий аспектига ҳам таъсир кўрсатади.

Маданият урф-одатлар мажмуи бўлиб, улар анъанани ва бу анъаналар эса маданиятни келтириб чиқаради. Маҳаллий халқ томонидан одатий ҳаракатлар билан бошланган жараён одатдаги стереотипни яратишга олиб келади. Э.Конденнинг таъкидлашича, стереотип ҳар бир шахснинг маданиятини гуруҳ таснифидан келиб чиққан ҳолда белгилаб беради (Э.Конден, 1973). Маданий стереотиплар одамларнинг қандай фикрлаши, гапириши, ҳаракат қилиши ва ўзаро қандай муносабатда бўлишига таъсир этади. Бир сўз билан айтганда, маданият ва мулоқот ажралмасдир, яъни маданият мулоқотнинг асосидир. Зеро, маданиятсиз атрофимиздагиларнинг ҳаёти ва мотивациялари, уларнинг қизиқишлари ва қарашларидаги боғлиқликни англай олмаймиз. Маданият бизнинг мавжуд-лигимиз ва жамиятни ривожлантиришда қудратли восита сифатида ўзига хос кучга эга. Шундай экан, тилга хос муносабатлар доирасида ҳам маданият жуда нозик хусусият касб этади. Маданият чегараси тўхтовсиз ўзгаришда ҳамда у осон йўқотилиши ҳам мумкин. Маданият кадрланмаса уни йўқотиб қўйганимизни билмай қоламиз.

Тилшунослик тилни илмий тадқиқ этувчи фандир. Тил маданиятни қабул қилиш ва етказишга хизмат қиладиган имо-ишора ёки ёзма рамзлар, овозли белгилар тизимидир. Шу билан бирга, у мулоқот воситаси ҳамдир. Ҳар қандай тилни ўрганишдан асосий мақсад бошқалар билан муносабатга киришиш ёки мулоқот қилишдир. М.Ҳолледийнинг

фикрича тилнинг вазифалари етти соҳага ажратилади. Улар қуйидагилардир: 1) инструментал вазифа: бунда тил аниқ бир ҳодисалар содир бўлишига сабаб бўлиши ва атроф-муҳитни бошқаришда фойдаланилади; 2) тартибга солиш вазифаси: бунда тил воқеаларни назорат қилади, тингловчини маъқуллаш ёки маъқулламаслиги билан тўқнаш келади; 3) репрезентатив вазифа: фикрни тилда баён қилиш, фактларни етказиш ва билим бериш, изоҳлаш кабилардан фойдаланилади; 4) интерактив вазифа: тил ижтимоий қарашларни таъминлашга хизмат қилади, бунда сленг, жаргон, латифа, халқ оғзаки ижоди ва ижтимоий ўзгаришлар назарда тутилади; 5) хусусий вазифа: тил ҳиссийёт ва шахсиятни ифодалашга хизмат қилади; 6) эвристик вазифа: тил билим олиш ва ўқишда қўлланилади; 7) мажозий вазифа: бунда тил эртак, роман ва шеърлар ёзишда, тез айтиш, топишмоқ ва бошқа шу кабиларни яратишда фойдаланилади (М.Ҳоллидей, 1973).

Тил ва маданият ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирига ўз таъсирини ўтказиб туради. Тил халқнинг маданиятини намоён қилади, чунки у сўзловчилар фикридаги маданиятни кўрсатиб туради. Маданият ҳам ўз навбатида тилни ўзида акс эттиради ва мамлакатнинг иқтисодий, диний ҳамда фалсафий тузилишини ўзида мужассамлаштиради.

Тил маълум бир халқ ғоялари ва тушунчаларини ифодалашга хизмат қилади. Бу эса ҳар бир даврдаги ўзига хос устунликка эга бўлган маданий хусусиятларга боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Тилнинг ривожланишига қарабмаданият ҳам ўзгаради. Ҳар қандай тилнинг мулоқот воситаси сифатида муқаррар устунлиги шундаки, тил чексиз мослашувчанлик хусусиятига эга, яъни сўз маъноси ўзгариши мумкин ва шундан сўнг янги рамзий маъно пайдо бўлади. Мисол учун, инглиз тилидаги “*nice*” сўзи “*ёқимли, хушмуомала, ажойиб*” маъноларини англатади. Бироқ XV асрда “*nice*” сўзи “*аҳмоқ, шўх, шаҳватпараст*”



ва ҳаттоки “ёвуз” маъноларини англаган. Ушбу ҳолат тил ижтимоий ва тарихий ўзгаришларга нисбатан эволюцион ҳаракатда бўлишига яққол мисол бўла олади.

Маълумки, Америка турли маданият ва тилларга бой халқлардан ташкил топган. Ушбу ўзига хос турли маданиятлар Америка маданиятининг шаклланишига ва қайтадан аниқланишига ҳануз таъсир кўрсатиб келмоқда. Хусусан, америкаликларнинг кундалик нутқида турли янги сўзлар кириб келмоқда. Масалан, “*long time no see*” гапи хитой тилидан таржима қилинган. Бундан ташқари, Америка маданиятида “*sushi*” ва “*tofu*” каби бир қанча сўзлар ҳам пайдо бўлган. Одамлар бундай сўз ва гапларни мулоқот жараёнида қўллайди ва тушунади. Негаки, бу мослашувлар аллақачон маҳаллий маданиятнинг бир бўлагига айланиб бўлган (С.Аллисон, К.Вининг, 1999).

Маданият ҳам ўз навбатида тилга ўз таъсирини ўтказди. Маданият сўзига берилган тушунчалар 400 дан ортиқ. Маданият сўзи тор маънода маълум бир гуруҳ инсонлар орасидаги кадрятлар, ишонч ва нормаларни ташкил этувчи тизим, деб қаралса (М.Грий, 1994), кенгрок маънода у ёки бу жамиятга хос фалсафий қарашлар, илм, фан, маориф, санъат, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда ижтимоий тараққиёт даражасини акс эттирувчи омил ҳисобланади. Маданият нафақат инсонларнинг кадрят ва урф-одатларини ўзгартиришга, балки, уларнинг тили ва хулқ-атворида ҳам таъсир кўрсатади. Маданий билим лисоний етукликка эришишда муҳим ўрин тутди. Жамиятда маданият амалдаги тил элементларига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Мисол тариқасида, маданий жиҳатдан қўлланилмайдиган сўзлар ҳамон тилда учраб туради. Янги сўзлар маълум бир маданий фаолиятга кўра пайдо бўлади. Ота-боболаримиз томонидан қўлланилган жаргонлар ҳозирги кунда қўлланилаётган жаргонлардан фарқ қилади. Турли даврларда турлича “оммавий машхур

тиллар” мавжуд бўлган. Бу тиллар кундалик турмуш тарзидаги теледастурлар, сиёсат ёки мусиқа ва бошқа шу каби халқ маданиятига таъсир этувчи омиллар туфайли шундай даражага эриша олган.

Қисқа қилиб айтганда, тил жамият ва унга хос маданиятнинг бир қисми сифатида тушунилиши лозим. Шу сабабли, талаба хорижий тилни унинг маданий хусусиятини ўрганмасдан туриб, тўлиқ ўзлаштира олмайди. Маданий таълим нафақат тил ўрганувчилар, балки, хорижий тил ўқитувчилари учун ҳам жуда муҳим. Бинобарин, ўқувчига маданий асосланган, маданий бой муҳитни қамраб оладиган билимлар берилса хорижий тилни ўзлаштириш анча осон кечади. Р.Ладонинг таъкидлашича, она тили ва ўрганилаётган хорижий тил ўртасидаги фарқли ҳолатлар талаба учун қийинчилик туғдиради (Р.Ладон, 1957). Шу ўринда маданий хусусиятларни инобатга олган ҳолда хорижий тилни ўқитишда айрим тавсияларни стратегик кўрсатма сифатида баён қилиб ўтмоқчимиз.

Хорижий тилни ўқитишдаги грамматик кўникма ва мулоқот компетенцияларини ривожлантириш учун тил маҳорати ҳамда маданий кўникма каби мерос талаб этилади (Д.Тенесоулс, 2001). Хорижий тилни ўқитишда нафақат тил материаллари, балки уларни маданий омиллар билан боғлаган ҳолда ўргатиш лозим. Бунда ўқитувчи ҳақиқий маданий вазиятларни ўз ичига оладиган маълум бир материаллардан, жумладан фильмлар, янгиликлар, телешоулар, веб сайтлар, журнал, газета кабилардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Ўқитувчи ушбу материалларни ўқувчининг ёши ва тил қобилиятига қараб мослаштириши зарур. Мисол учун, бошланғич босқичдаги тил ўрганувчиларга хорижий тилдаги янгиликлар ва телешоулар орқали саломлашув ёки оддий одоб-ахлоқ меъёрларига хос маданий нормаларни ўргатиш тавсия этилади. Аудиовизуал воситалардан фойдаланиш талабада тили ўрганилаётган мамлакат маданияти ва ҳаёти ҳақидаги тасаввурни



ҳамда тилни ўрганиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Ўрганиладиган хорижий тилда кўп учрайдиган мақолларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш талабаларга ушбу мақолларнинг она тилидаги муқобилларига қанчалик ўхшаш ёки ноўхшашлигини тушунишда катта ёрдам беради. Шунингдек, бу ҳолат тили ўрганилаётган мамлакатнинг тарихи ва маданий ўтмиши ҳақида тасаввур ҳамда билимга эга бўлишга ёрдам беради. Мақоллар ёрдамида хорижий тилни ўрганишда тиллар ўртасидаги маданий ўхшашлик ва ноўхшашликларни тадқиқ қилиш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, миллий кадриятларни ифодаловчи мақолларни ҳар иккала тил киёсида ўрганиш энг самарали усул ҳисобланади.

Хорижий тилни ўрганишда ролли ўйинлар ўзига хос ижтимоий-маданий аҳамият касб этади. Бинобарин, ижтимоий-маданий ёндашув янгича замонавий усуллардан бири бўлиб, унинг асосий мақсади тил ўрганувчини маданиятлараро мулоқотга тайёрлашга хизмат қилади. Ролли ўйинлар маданий хулқ-атвор ва мулоқот намуналарини ўзлаштиришда жуда маҳсулдор ҳисобланади. Масалан, маданиятлараро тушунмовчиликни келтириб чиқарадиган бирор воқеани саҳналаштириш мумкин. Шу орқали талабаларнинг шунга ўхшаш *реал* муаммоларни енгиб ўтишга хос талабаларнинг мулоқот стратегиясини ривожлантиришга имкон яратилади. Талабаларнинг бу каби изланишлари ва маданий саҳна кўринишларини рағбатлантириш ҳам ўрганилаётган тил маданиятини ўзлаштиришга катта ёрдам беради. Хорижий тилни ўрганишдаги бу каби ролли ўйинлар Г.Тейлор ва Ж.Соренсонлар таърифига кўра “маданий капсулалар” деб аталади (Г.Тейлор, Ж.Соренсон, 1961). Бу тушунча

ўрганилаётган хорижий тилнинг баъзи аспектларини талабанинг она тилидаги маълумотлар билан қарама-қарши кўйиш орқали амалга ошириладиган усулни ифодалайди. Бундай маълумотлар одатда ўқитувчи томонидан берилади, лекин талабалар бу ҳолатларни ўзлари кўрсатиб беришларини талаб қилиш орқали самарали натижага эришиш мумкин. Бундай ҳолда талабаларнинг берилган топшириқ бўйича маълумот топишга масъуллиги ошади ва шу билан бирга, уларда тадқиқот олиб бориш ёки мустақил ўрганиш имконияти пайдо бўлади. Талаба берилган топшириқлар, яъни ўрганилаётган тил маданиятига хос тадқиқот бўйича қисқача баён ёзиши ёки тақдимот тайёрлаши мумкин. Ушбу тили ўрганилаётган мамлакат маданияти орқали талабалар маҳаллий ва маданий урф-одат ҳамда анъаналарни киёслаб ўрганиши мумкин. Замонавий компьютер технологиясидан фойдаланиш ҳам тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини ўзлаштиришда катта ёрдам беради. Компьютер ҳамда хорижий тил дастурлари ўқувчига материаллар устида мустақил ишлаш имкониятини беради. Интернет тизими орқали ўқувчи ўзига зарур бўлган ҳар қандай материалларга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари, талабалар интернет манбалари ёрдамида турли хил мавзудаги маданиятни акс эттирувчи маълумотларни олиш, хорижий тилда ўқиш ва луғат бойлигини ошириш каби тил компетенцияларини мустаҳкамлаш ёрдамида маданий билимларини оширади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, талаба хорижий тилни мукамал эгаллаши учун тил ва маданиятни узвийликда ўрганиши мақсадга мувофиқдир. Тил ўрганувчи қанчалик кўп маданий тушунчаларни ўзлаштиради, шунчалик кўп кучли билимга эга бўлган, рақобатбардош мутахассис бўлиб етишади.

Адабиётлар:

1. Allison S. R., Vining C. B. Native American culture and language. 1999, Bilingual Review, 24,193-207.



2. Armour-Thomas E., Gopaul-McNicol S. Assessing Intelligence: A Bio-Cultural Model. 1998, Sage Publications, INC.
3. Condon E. C. Introduction to Cross Cultural Communication. 1973, New Brunswick, NJ: Rogers University Press.
4. Gleason H. S. Jr. An Introduction to Descriptive Linguistics. 1961, New Delhi: Oxford and IBH Publishing Company.
5. Greey M. Honouring diversity: A cross-cultural approach to infant development for babies with special needs. 1994, Toronto: Centennial Infant and Child Centre.
6. Halliday M. Exploration in the Function of Language. 1973, London: Edward Arnold.
7. Lado R. Linguistics across Cultures. 1957, Ann Arbor: University of Michigan Press.
8. Taylor H. D., Sorenson J. L. Culture capsules. 1961, Modern Language Journal 45: 350-354.
9. Thanasoulas D. The importance of teaching culture in the foreign language classroom. Retrieved, 2001, October 12, 2006 from http://radicalpedagogy.icaap.org/content/issue3_3/7-thanasoulas.html.

Ashurov Sh. The role of culture in foreign language teaching. The purpose of this article is to discuss the inseparable relation between culture and language and the implementation of instructional strategies for teaching foreign language through culture to enhance students' linguistic comprehension. Culture must be incorporated out right as an essential component of foreign language learning and teaching. Only after cultural issues become an inherent part of the language curriculum and instruction, can students be successful in their target language learning. Foreign language teachers, therefore, should pay more attentions to the diversities of cultures, identify key cultural items in every aspect when they design a language curriculum, and apply appropriate teaching strategies to learning activities in order to help students to bridge the culture gaps.

Ашуров Ш. Роль культуры в преподавании иностранных языков. Настоящая статья посвящена изучению неразрывной связи между культурой и языком, а также разработке педагогической стратегии в рамках преподавания иностранного языка посредством культуры в целях совершенствования компетенции понимания у изучающих иностранный язык. Культуру следует рассматривать как ключевой компонент процесса изучения и преподавания иностранного языка. Успех изучения целевого языка может быть обеспечен лишь при условии включения культурологических аспектов в учебные программы. Преподавателям иностранного языка следует уделять пристальное внимание представлению культурного разнообразия, рассматривать культурологические аспекты в рамках каждого раздела учебной программы и использовать соответствующие педагогические технологии с тем, чтобы помочь изучающим иностранный язык преодолеть культурологический барьер.

**ЧЕЛОВЕК КАК СУБЪЕКТ ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ**

*Маджидова Раъно,
доцент УзГУМЯ*

Ключевые слова: антропология, антропоцентризм, антропоморфичность, пространство и время, аксиология, объективность, субъективность.

Познание мира может осуществляться только в присущих человеку формах, так как языковая картина мира – это мир, увиденный глазами человека, представленный его способами осмысления, выраженный его естественным языком. Вот поэтому языковую картину мира надо изучать непосредственной связи с сознанием, мышлением, духовно-практической деятельностью человека, который является субъектом языковой картины мира.

Раскрытие проблемы человеческого фактора в языке требует прежде всего уточнения того, какие свойства человека характерны для языка и языковой картины мира как для творений человека.

Антропологическая лингвистика изучает сущностные свойства человека, в связи с этим, нам кажется уместным привести следующее высказывание известного французского лингвиста Э.Бенвениста: “Невозможно вообразить человека без языка и изобретающего себе язык... В мире существует только человек с языком, человек, говорящий с другим человеком, и язык, таким образом, непременно принадлежит самому определению человека” [Бенвенист 1974, 293].

По справедливому замечанию Г.В.Лейбница, одного из представителей лингвистической логики: “Язык есть конститутивная характеристика человека, “зеркало разума”, “толмач разума”. Эта мысль развивается далее, как человек – это “кладезь понятий разума, ...носитель определенного национального характера” [Г.В.Лейбниц]. Впервые эта теоретическая идея была сформулирована в лингвофилософской концепции В.Гумбольдта, в которой силой, делающей человека человеком, признается язык

[Гумбольдт 1984, 55] и “человек становится человеком только через язык” [там же, 349], в котором действует весь творческий потенциал человека, его глубинные возможности.

На основе выше приведенных высказываний ученых можно констатировать, что язык является сущностной характеристикой человека, важно в аспекте исследуемой проблемы то, что именно это основное свойство, выступающее как средство, орудие, позволяет говорить о человеке как субъекте языковой картины мира, дает человеку возможность выразить “свое отношение к предметному и не предметному миру, природе ... запечатлеть себя в именах природных объектов, внеся в них утилитарную и этническую оценку” [Арутюнова 1999, 3]. Также можно сказать, что язык характеризуется явно выраженной ориентацией на самого человека.

Языковая интерпретация этого универсального свойства находит отражение, прежде всего, в антропоморфизме, в сравнении предметов, явлений живой и неживой природы человеку, наделении их человеческими качествами.

Анализируемый материал показывает, что антропоцентризм не в одинаковой мере проявляется в разных лингвокультурах.

Антропоморфные регулярные метафорические переносы человек – животный мир, человек – растительный мир, которые широко представлены в узбекской языковой картине мира, например: человек – животный мир – *бўтақўз* – (досл.: верблюжий глаз), *бўрикалла* – *сортдыни* (досл.: голова волка), *лочин* – “сокол” (о смелом, целеустремленном человеке),



мусичаибезор – зоол. “вид птицы” (о спокойном, безвредном человеке), *қалдирғоч* - ласточка (имя девушек), *хон кизи* – зоол. божья коровка (досл.: насекомое господина (хана); человек – растительный мир – *Хусайни узум* – сорт винограда “дамские пальчики” (досл.: виноград Хусейна; *Абдулла қовун* – сорт дыни (досл.: дыня Абдуллы); *нилуфар* – имя девушки к– вид цветка (досл.: нил – мовий (голубое небо), уфар – устремленный, растущий – досл.: цветок растущий к голубому небо; (ср: нерегулярный для русского языка перенос человек – растение: *дамские пальчики* для обозначения сорта винограда, “*мать-и-мачеха*” для обозначения многолетнего растения, “*анютины глазки*” для обозначения цветка).

Антропоморфичность в узбекской и русскойязыковых картинах мира наиболее ярко проявляется в пространственной модели мира в восприятии и языковой экспликации человеком окружающего его пространства. Во многих языках при номинации пространственных представлений для обозначения местоположения, направления используются наименования частей тела человека (соматизмы) – узб.: *тоғнинг тепаси* - макушка горы, *тоғнинг елкаси* – горный хребет, *ўнг қўлда* – поправую руку, *chap қўлда* – по левую руку, *тоғнинг этаги* – *подножие горы* и т.д.

Языковая трактовка пространственных реалий также осуществляется с позиций человека. Человек воспринимает пространство относительно самого себя, стремится отразить себя в названиях пространственных объектов. В формировании пространственной модели мира человек использует наименования почти всех частей своего тела. Это лексико-семантическая группа как средство номинации пространственных реалий наиболее полно представлена в узбекском языке. Например, в восприятии узбекского народа модель “верх-низ” связана с вертикальной, а модель “начало-конец” – с горизонтальной позой человека, соответственно с его головой и ногами:

бош “голова” – верх, верхняя часть – привертикальной ориентации (тоғнинг боши – “вершина головы”; досл.: голова горы) и начало, верхняя часть – при горизонтальной ориентации (*эл (юрт) боши* “начало (верхняя часть) народа. досл.: голова народа); *оёқ* “нога” – низ, нижняя часть (*сувнинг оёғи* “нижняя часть, последняя часть воды” (досл.: нога воды) и конец (сўзимнинг оёғида (диалект.) – “в завершении” (досл.: в ногах моих слов). Срединную часть пространственной ориентации символизирует бел “поясница, талия” (*тоғнинг беллида* – “в средней части горы” (досл.: в поясе горы). Представляется, что в таких метафорических номинациях, как *дарёнинг, сувнинг бўйни, бўйи* – “берег реки” (досл.: шея реки), *куннинг бети* “солнечная сторона” (лексема *бет* “лицо” использована в пространственном значении “сторона”), *горнинг оғзи* – “ротущелья” (*оғиз* “рот” – в значении “ущелье”), *у бетда, бу бетда* – “на том склоне” (досл.: на той щеке, на том лице).

Сувнинг, ариқнинг, дарёнинг лаби – русск.: губы воды, арыка, реки. На наш взгляд именно здесь проявляется активность этнического сознания, его “конструирующая”, “рассуждающая” способность при интерпретации результатов когнитивной деятельности.

Черты человеческой субъективности, извечное стремление человека сохранить, увековечить себя, свой род, племя в названиях пространственных объектов, наиболее полно отражают и топонимы.

Во временной модели мира человек отразил историю развития этнических сообществ и человечества в целом, традиции, культуру, нормы поведения, отношение к жизненным ценностям, которые особенно ярко проявляются во фразеологической модели мира, например, в узбекском языке: *кўзи очқилгида* (при жизни), *Алмисоқдан қолган* – (с давних времен), *етти авлодига етади* – (до седьмого поколения хватит); *бир умрга, ҳаёти давомида* (на всю жизнь); *туянинг думи ерга текканда* (никогда), *ўла ўлгунча* (пожизненно, навечно); *бўрини йўқласанг*



қулоғи кўринади (про волка речь, а волк навстречь) и т.д. В русском языке: во времена оны (устарел., некогда, когда-то, очень давно), время не ждет (необходимо срочно, немедленно действовать), во цвете лет (в молодые годы, в пору расцвета физических и духовных сил), при царе Горохе (в очень отдаленные незапамятные времена), детское время (не очень поздно, еще не пора ложиться спать), в самой поре (в полном расцвете сил), сколько лет, сколько зим! (Как давно! восклицание при встрече), на склоне лет (в глубокой старости), много (многие) лета (устар. пожелание долголетней жизни), мафусаиловы лета (года) прожить (очень долго, о долголетию кого-либо), с годами (с течением времени), испокон веков (издавна, с незапамятных времен).

Языковые данные также свидетельствуют о том, что как в пространственной, так и во временной модели мира человек использовал в номинациях соответствующих категорий в целом одни и те же семантические мотивировки, одни и те же принципы называния, которые обусловлены единством основных параметров и характеристик пространства и времени (начало, конец, предельность, протяженность, дальность, близость и др.).

Антропоцентризм временной модели мира обнаруживается прежде всего в том, что “время – и универсальная и коллективная, и индивидуальная ценность, качественный параметр, вносящий свой вклад в организацию всех других ценностей¹ [Рябцева 1996, 94]. Небезынтересно в этой связи отметить, что самое дорогое, ценное для себя жизнь человек определяет через понятие времени. Поскольку жизнь – это время, отпущенное человеку от рождения до смерти, то неудивительно, что индивид и социум безразличны к тому, чем оно заполнено: полезными делами или тратиться впустую.

В многочисленных пословицах, поговорках и идиоматических выражениях время, проведенное в полезном труде, в поте лица, поощряется: в узбекском языке: манглай тери билан

яшамоқ (жить своим трудом), қўли қимирлаганнинг оғзи ҳам қимирлайди (досл.: у кого руки работают, у того и рот работает, т.е. добудет себе пропитание), эрта турганнинг оти қулун туғибди (досл.: кто рано встает, у него жеребец жеребится); в русском языке: кто рано встает, тому бог дает; делу – время, потехе – час; весенний день год кормит; не тот хорош, кто лицом пригож, а тот хорош, кто для дела гош; праздное время препровождение осуждается: бекорчидан худо безор– (бездельник), ишламаган тишламас (вариант.: кто не работает, тот не ест); ўроқда йўқ, машоқда йўқ – хирмонда ҳозир (вариант.: в еде – волк, в работе – мертвец); кто зевает, тот воду хлебает; труд человека кормит, а лень – портит; с лодырем повидаться – горя наберешься; долог день до вечера, коли делать нечего или умен и пригож, а на дело не гош).

Языковые данные свидетельствуют также о том, что народ, чья жизнь была в полной зависимости от активного труда в определенное время года, не мог вольно обращаться со временем. Поэтому выполнение дела в срок, вовремя – наиболее поощряемая, а привычка откладывать все назавтра – наиболее порицаемая этническими сообществами норма поведения: бугунги ишни эртага қўйма, ишни бошладингми, охирига етказ (досл.: сегодняшнее дело не откладывай в долгий ящик, плохое дело не начинай (ни в какой срок); қолган ишга қор ёғар (отсроченное дело волк съест), не откладывай на завтра, то что можно сделать сегодня и другие.

Медлительность, выполнение дела в течение долгого времени, как и поспешность, – антиценности для этноса. Эти значения, относящиеся к полюсам, крайностям, весьма богато представлены на различных языковых уровнях: шошган қиз эрга ёлчимас (досл., торопливая девушка без мужа останется), кўз очиб юмгунча (быстро, поспешно, досл.: будто ветром снесло), шошган икки марта тўлар. (поспешишь – людей насмешишь), олма



пиш, озгимга туш, деб ётма (много будешь лежать, придется догонять, то есть упустишь время). “Золотая середина”, занимающая ведущее место в шкале ценностей народов, остается практически не отраженной в языке: *сабр таги сариқ олтин* (терпение (неторопливость) ценится как чистое золото).

В приведенных примерах события оцениваются субъектом, на основании принципа хорошо-плохо, приемлемо – недопустимо, то есть с точки зрения их соответствия норме, установленной человеком.

Итак, анализ языковых единиц, связанных с пространством и временем с точки зрения того, что привносит человек как субъект в образ мира, позволяет сделать следующий общий вывод: если в пространственных номинациях человек запечатлел в целом себя, свой внешний вид, уподобил себе конкретные пространственные реалии, то в обозначениях времени он отразил свое активное ценностно-ориентированное отношение к миру, к жизни.

Следует заметить, что человек не только отражает, объясняет мир, но и оценивает его. Пространственно-временная модель мира оказывается вовлеченным в личностную сферу человека. Но чтобы оценить мир или отдельный его фрагмент, по словам Н.Д. Арутюновой, “человек должен пропустить его через себя” [Арутюнова 1999, 181], поэтому создаваемая субъектом модель мира включает в себя не только когнитивные, связанные с познавательной

деятельностью компоненты, но и аксиологические, то есть опирающиеся на принцип ценностной ориентации.

Таким образом, оценка обусловлена самой природой человека, поэтому определение понятия оценки, а также выявление способов выражения оценочного отношения человека к миру и самому себе существенны в связи с проблемой интерпретации образа человека в языковой картине мира.

Оценка является субъективным выражением значимости предметов и явлений окружающего мира для нашей жизни и деятельности, оценка – это умственный акт, в результате которого отношение субъекта к оцениваемому объекту с целью определения его значения для жизни и деятельности субъекта. Поэтому оценка – это неотъемлемая часть процесса познания, тесно связанный с практической деятельностью человека.

Анализ материала доказывает, что в пространственной модели мира, в номинациях пространства и пространственных реалий наиболее ярко выражены сенсорные и рационалистические оценки, что позволяет в целом говорить о гносеологическом характере антропоцентризма данной картины мира, тогда как во временной модели мира в языковых единицах, номинирующих время, особенно, отчетливо представлены обоснованные и целесообразные языковые единицы, исходя из чего антропоцентризм временной модели мира можно охарактеризовать как аксиологический.

Литература:

1. Рябцева Н.К. Аксиологические модели времени / Логический анализ языка. Язык и время. – М.: Наука, 1996, 94 с.
2. Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: учеб. пособие / Н.Ф. Алефиренко. – М.: Флинта: Наука, 2010. – 288 с.
3. Основы антрополингвистики: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / С.В. Гринев-Гриневич, Э.А. Сорокина, Т.Г. Скопюк. – М.: Издательский центр “Академия”, 2008. – 128 с.
4. Когнитивная лингвистика / З.Д. Попова, И.А. Стернин. – М.: АСТ: Восток – Запад, 2007. – 314 с.



Маджидова Р. Инсон тилишунослик тадқиқоти субъекти сифатида. Мақолада ўзбек ва рус лисоний олам манзараларининг атропоморфлиги масаласи ўрганилади. Оламнинг маконий ва замонавий моделларининг лисоний талқинлари таҳлил қилинади.

Madjidova R. Human as a subject of linguistics researches. The article concerns the problems of anthropocentrism in the Uzbek and Russian linguistic world pictures; linguistic interpretation of space and time models of the world.

**ЖЕРМЕНА ДЕ СТАЛЬ ФРАНЦУЗ РОМАНТИЗМИ АСОСЧИСИ**

*Қаршибаева Улжан,
СамДЧТИ профессори*

Калит сўзлар: романтизм, реставрация, революция, христианлик, трагедия, романтик поэзия, диктатура, монархия.

Француз адабиётида романтизм руҳияти пайдо бўлишини Наполеон урушлари тугаб, бурбонлар монархияси қайта қурилаётган даврда яшаган романтиклар Шарль Огюстен Сент-Бёв жамият маънавиятида юз берган революция деб баҳолайди. Сент-Бёв фикрича, эстетик тафаккурдаги бу революциянинг илк бошловчилари Ф.Шатобриан билан Жермена де Сталь бўлиб, бу икки буюк адиб тафаккурдаги революцияга икки томондан келдилар. “Жермена де Сталь хоним 1796 йилдаёқ (монархия қайтиб келганига қарамай – У.Қ.), инсоният яқин келажакда руҳан хўрликдан чиқишига, жамият янгиланишига ишонч билдирди. У ўтмишдаги воқеалардан (француз халқи кирол тарафдорларига ва халқ тарафдорларига бўлиниб, фуқаролик урушида қирилиб кетганидан) қайғусини унутмаган ҳолда (бу қирғинларнинг қахрамонларини В.Гюго “93-йил” романида доҳиёна ҳаққоният билан кўрсатган – У.Қ.), воқеаларнинг бориши тараққиёт йўлига тушади деб ишонишига ўзида куч-қувват топа олди” [4; 102-б.].

Ғарб адабиётшунослари қаторида биринчи бўлиб Ш.Сент-Бёв француз романтизми манбаларини теран тушуна билди. “Франция ўз куч-қудратини Европа мамлакатлари билан урушда зафар қозонишларига сарфлар экан, мамлакат ичкарасида адабиёт, санъат соҳасида аста-секин революция етила бошлади. Бу революцияга икки буюк адиб – жаноб Шатобриан ва де Сталь хоним етакчилик қилдилар” [4; 103-б.]. Сент-Бёв фикрича буларнинг шон-шуҳрат топиши ҳам фарқли эди. Ф.Шатобриан сентиментал (ҳиссиётга бой), нафосатли диний карашлари билан шуҳрат топди. У ўз даврдан узоқ ўтмишда бўлган воқелик,

илк христианларни римликлар қатағон қилгани ҳақида “Жафокашлар” поэмасини ёзди.

Ж. де Сталь муҳожирликда Германияда яшаган йиллари немис романтизмнинг ёрқин вакиллари И.В.Гёте, Ф.Шиллер, А.В.Шлегел ва бошқалар билан танишиб, суҳбатлашди. Шу учрашувлари таассуротида ёзган (1853) “Германия ҳақида” асари катта шуҳрат қозонди. Бу асар тўрт қисмдан иборат: 1. Адабиёт ва санъат. 2. Германия ва германлар ахлоқи ҳақида. 3. Фалсафа ва ахлоқ. 4. Дин ва интуизиализм (ғайрат). Бу асарни французчадан таржима қилиб, изоҳлар ёзган Е.П.Гречана фикрича, Ж.де Сталь бу асарида французлар эътиборини, антик адабиёт таъсирига тушмай, ўз миллий заминига (халқ поэтик ижоди хазиналарига – У.Қ.) суяниб, ривожланган ҳозирги немис адабиётига қаратишни, ундан ўрганиш кераклигини мақсад қилган эди. Француз адибаси “Германия ҳақида” китобининг биринчи қисмида, “Классик ва романтик поэзия ҳақида” бобида бундай дейди: “Романтизм (романтик рух) сўзи яқинда Германияда қабул қилинган бўлиб, романтик поэзия манбаларини немислар христианлик ва рицарлик даврларида туғилган трубадурлар поэзиясида кўрадилар ... Баъзан, немислар классик сўзини мукамал сўзининг синоними ўрнида қўллайдилар” [2; 384-б.]. Шу ерда Ж. де Сталь бу сўзга муҳим аниқлик киритади: “Классик адабиёт христианликдан аввалги антик давр адабиёти, романтик адабиёт эса христианлик даври, рицарлик даври адабиётидир. Немисча илмий асарларда антик поэзияни хайкалтарошликка (скульптурага), романтик поэзияни рангтаъсирга (живописьга) ўхшатади” [2; 385-б.].



Ж. де Сталь фикрича, роман миллатларидан энг маърифатлиси бўлган француз миллати классик поэзияни, қадимги греклар ва римликларнинг поэзиясини ёқтиради, ёзишда шу намуналарга эргашади. Немис миллатларидан энг шуҳратлиси – инглизлар ўзларида романтик руҳдаги рицарлик поэзияси дурдоналари борлиги билан фахрланадилар. Мен буларнинг қай бири афзаллигини айтиб ўтирмайман... Қадимгиларнинг эпик достонларида ва трагедияларида тақдир ҳукмрон, қадимги греклар мустақил фикрлаш ўрнига тақдирга, диний эътиқодга, маъбудларга ишонар эдилар. Ж. де Сталь фикрича янги, романтик поэзияда инсон руҳий оламига эътибор кучлидир.

Ф. Шатобриан “Христианлик даҳоси” асарида бу фикрни янада аниқлаштиради. “Христианлик (таълимоти) моҳиятан инсонларга икки ҳил таъсир кўрсатади. У бир тарафдан руҳ табиатини ўргатади, айни вақтда инсон табиатининг ҳам қандайлигини билдиради, унда илоҳий сирлар ҳам, инсон қалби сирлари ҳам кашф этилади. Бу диний эътиқод эҳтирослар, майл-истакларни тасвирлашга кизиқмайдиган кўпхудоликка, мажусийликка нисбатан характерларни тасвирлаш учун қулайдир. Кўпхудолик (политеизм) поэзиянинг аълоси бўлган драматик поэзияга ҳеч бир таъсир кўрсатмади, чунки мифология ахлоқдан ажратилган эди. (Маъжусийликда) Худолар ҳам, коҳинлар ҳам инсон қандай пайдо бўлганини, қаёққа боришини, гуноҳлари нимада эканлигини, бу дунё ва нариги дунёдаги ҳаёти қандай кечишини тушунтириб беролмади...” [5; 392-б.]. Бизнингча, бу фикр унчалик тўғри эмас, чунки қадимги грекларда, политеизм даврида драматик поэзиянинг олий намуналари ижод қилинган. Эсхил, Софокл, Эврипид драмаларида ахлоқ ҳам, истак, эҳтирослар, жўшқин туйғулар ҳам, инсон табиатидаги фазилат ва қусурлар ҳам жуда муфассал тасвирланган. Христианлик даврида ижод қилинган Шекспир драмаларида ҳам, Мольер комедияларида ҳам христианлик таъсири

йўқ антик драмалардаги каби эҳтирослар тасвирланган. Ф.Шатобрианнинг христианлик руҳининг адабиёт ва санъатга таъсири ҳақидаги фикрини Жон Мильтон, Гёте, Байрон асарларига нисбатан тўғри дейиш мумкин. У Расиннинг “Федра”сини ҳам христианлик таълимотининг шоҳ асари деб билади.

Ф.Шатобрианнинг христианлик таъсири ҳақидаги яна бир фикрига, антик даврда итоат - пасткашлик, мағрурлик - фазилат деб ҳисобланиши, христианликда итоат – фазилат, мағрурлик – иллат, тубанлик деб ҳисобланади, деган фикрига қўшилиш мумкин. У “Рене” қиссасида мағрурлик, худбинлик фожиасини кўрсатган.

Заковатли адабий танқидчи ва адиб Сент-Бёв юқорида эсланган мақоласида Ф.Шатобрианнинг узоқ ўтмишдан ёзган “Жафокашлар” асарида ғоя учун фидойи инсонлар тасвирланганлигини мақтар экан, бу асарда замона маънавий ҳаётига алоқадор ғоялар йўқлигини, асар замонавий ғоялардан узоқлигини айтади. Бизнингча, бу фикр унчалик тўғри эмас. Аслида Ф.Шатобриан замонавий жамият ҳаётида олий идеаллар, юксак инсонпарвар ғоялар одамларнинг қалбидан узоқлашиб кетганидан қайғусини изҳор қилади.

Россия адабиётшуносларидан Е.П.Гречана ҳақли равишда Анна-Луиза Жермена де Стални француз романтизми асосчиси деб атайди. У Ж.де Сталнинг Руссо ғояларига, озодлик, адолат ва халқпарварлик идеалларига садоқатида сира орқага қайтмаганлигини, Францияда республикачилар монархия қайта қурилаётган даврда қувғин қилинган йилларда Германия, Австрия, Россия ва Швецияда яшаган даврида француз романтизми адабиётининг назарий-эстетик асосларини, тамойилларини кенг ва чуқур талқин қилганини айтади [3; 601-602-б.]. Жермена де Сталь “Инсон эҳтиросларининг барча инсонлар, халқлар бахт-саодатига таъсири ҳақида” асарида бошқа тушунчалар каби, бахт-саодатга ҳам бир инсон ва бутун инсоният интилаверади, аммо бу йўлда тўсиқлар инсоннинг ўзида деб ёзади. Мен (Жермена де Сталь) бу



биринчи китобимдаги фикрларимда ўз қалбим (оламини) ва барча замонларда яшаган одамларнинг феъл-атворларини – характерларини тасвирлашда кузатишларимга асосланаман [3; 363-б.]. Турли замонларда мавжуд бўлган (адолатли) давлат тузумининг мақсади – халқни бахтли қилиш, бунинг воситаси – унга эркинлик бериш, ахлоқ соҳасида эса инсоннинг мустақил маънавий камолоти бўлиши керак, шунда инсон бахт-саодатга эришади. Тўлиқ (барча соҳаларда) бахтли бўлман, деган одам энг бахтсиз одамдир, озодликнинг олий даражасига, мавҳум (абстракт) юқори чегарасига етаман, деган халқ ҳам энг тубан халқдир (чунки бир бахтли халқ бошқа, бахтсиз халқлар учун ҳам қайғуриши зарур – У.Қ.). Шундай қилиб, қонун ўрнатувчилар мавжуд вазиятга, шароитга қараб, халқни бошқаришга, айрим шахслар эса бошқарувчиларга қарамликдан кутулиб, мустақил яшашга интиладилар. Ҳукуматлар барча фуқароларнинг бахт-саодатини ўйлаши керак, ахлоқ устозлари (мералист) одамларга бахт-саодатсиз ҳам яшаш мумкинлигини англатишлари керак. Омма учун умумий тартиб бўлгани яхши. Айрим шахслар эса бунга сабр-қаноат қилмайдилар... Барча халқни бахтли қилишдан кўра айрим инсонларни бахтли қилиш шу инсонларнинг ўзига, шахсий феъл-атворига, майл-истакларига боғлиқ. Инсон шахсий маънавий ҳаётида мустақил, озоддир. У ё бахтига етишади, ё тўсиқлар кучли бўлса, ўзини бахтсиз демай, соғлом ақл билан, ўз руҳий камолотида давом этади [3; 363- б.]. Руҳий камолот инсоннинг ўз қўлидадир. Ж.де Сталнинг бундай оптимистик хулосаси Гётеннинг “Вертер”, Ф.Шатобрианнинг “Рене” асарлари қаҳрамонларининг ё бахтга етишув, ё ўлим, деган тамойилига қарши, инсонпарварлик, ҳаётпарварлик руҳидадир. Бундай олижаноб хулоса – кучли майл-истакларни бир инсон учун эмас, миллат, жамият, ватан, халқ учун курашга йўналтирган буюк қаҳрамонлар фожиага учраса ҳам, жабр-зулм қилувчиларга, тиранларга, деспотларга бўйин эгишдан ўлимни афзал деб

биладилар. Бу билан Ж. де Сталь буюк француз революциясини, унинг қаҳрамонларини юксак қадрлашини кўрсатди.

Бу асарида Ж. де Сталь “ҳар бир инсон ёшлик йилларида яхши ишлари билан (оилада), дўстлари орасида, жамиятда иззат-ҳурмат қозонишни истади, дейди. Лекин жамиятда ҳукм сурган совуққонлик, кибру ҳаво, расмиятчилик одамларни ўта ақлли қилиб, оташин ҳис-туйғудан, идеаллардан, орзулардан узоқлаштиради. Совуққон, ақлли, бадавлат одамлар гладиаторларни қиздириб, бир-бирини ўлдиришини хоҳлайдилар. Жамиятда ўз мавқеини тополмай қолган 25 ёшли йигитдан дўстлари ҳам (севгилиси ҳам) юз ўгиради. Энди унинг бахтига, келажагига ишонмай қўядилар. Менинг бу асарим худди шундай ёшдаги, қийин аҳволга тушган, ҳаётдан кўнгли совуган одамлар учун фойдалидир. Жамиятда ёлғизланиб, орзулари ушалмай қолган (ўттиз беш ёшли) одамлар ўз истеъдоди, қобиляти, куч-ғайрати билан, ўзини маънавий камолот сари ўстиради ва бунда асосан ўз фазилатларига таянади, ҳеч кимга муте, қарам бўлишни истамайди. У ўз фазилатлари билан руҳан куч-қудратли бўлгани сабабли ўзи ҳақида атрофдагилар тарқатган ғийбатлар, бўҳтонлар, ҳурматсизликларни енгиб ғолиб чиқади” [2; 364-б.]. Наполеон диктатураси даврида ҳам, бурбонлар реставрацияси, Луи-Филипп даврида ҳам золимларга бош эгмай, хўрликни афзал кўрган Жермена де Сталь ўзи ҳам, уни руҳлантирган Ж.Ж.Руссо ҳам узоқ йиллар муҳожирликда яшаб, монархияга қарши, халқ озодлиги учун курашган В.Гюго ҳам шундай романтик ёрқин шахслар эди.

Ж. де Сталь “Ижтимоий, яъни жамият тарғиботига алоқадор адабиёт ҳақида” асарида маълум маънода, христианлик ғояларининг бадий адабиётга ижобий таъсири ҳақида Ф.Шатобрианнинг “Христианлик даҳоси” асаридаги ғояларига ҳамоханг фикрларини айтади. Ж.де Сталь фикрича, жануб ўлкаларидан келган христианлик ғоялари



шимол халқининг (Германия, Швейцария, Англия, Шимолий Франция халқларининг) мажусийлик даврида ҳам бўлган сирли, ғайритабиий, рухий кучларга ишонч-этиқодларини мукаддаслаштирди, шу сабабли шимол халқлари христианликни Рим ҳукмронлиги даврига хос азоб-уқубат ва фожиаларсиз қабул қилдилар. Мажусийлик даврида бу халқлар шон-шуҳратни урушларда, қонли қирғинларда жасорат кўрсатиб топар эдилар. Христианлик таълимоти эса халқларни дин йўлида машаққатлардан, ўлимдан кўркмасликка, қахрамонликларга чақиради.

Жануб халқлари табиатан эҳтиросли бўлгани учун дин йўлида жафо чекиб, жабр-зулмга тўла жамиятдан тоғларга, даштларга қочиб, дарвешона яшашни хуш кўрдилар [2; 375-б.]. Жануб халқларида сирли ҳодисаларга тез ишониш, фанатизм, хурофот кучли бўлгани сабабли кўп ақлсиз ишларга (инквизиция, жодугар деб гулханда ёкиш, айғоқчилик ва чақимчилик) берилдилар. (Рим папаларининг бундай жаҳолатини Европа кироллари илм-фан уламолари ёрдамида анча чеклаб қўйди. – У.Қ.). Ж. де Сталь фикрича, христианлик Шимол халқларига кўпроқ фойда етказди. Чунки хулқи бузук жануб халқларидан кўра, саводсиз шимолликларни маърифатли қилиш осонроқ эди [2; 375-б.].

Ж. де Сталь фикрича, Шимол халқлари табиатнинг қудратли кучларини кўриб турганлари учун улар билан боғлиқ тасаввурларни, сирли ҳодисаларни афсоналарида, шеъриятида хомушлик, қайғу, меланхолия каби рухий ҳолатларни акс эттирдилар. Бу ерда адиба романтизм сўзини ишлатмаган бўлса-да, гап шу ҳақда бораётгани сезилади [2; 377-б.].

Ж. де Сталь бошқа романтиклар каби классицизмни ижодни чекловчи, фақат антик адабиётга хос мавзуларни куйлаб, тақлид қилувчи деган танқидларга қўшилмади. У XVII асрда Француз академияси зиёлилари ўртасида чорак аср давом этган “қадимгилар” ва “янгилар” баҳсидан ҳам, Н.Буало ва Ш.Перро тарафдорлари баҳсидан ҳам хабардор

бўлган. Бу баҳсда эртақчи шоир Шарль Перро “Қирол-қуёш” Людовик XIV даврида бадиий ижодга ҳам классицист улуғвор асарлар ёздилар, бу асарлар антик адабиёт дурдоналарини, Гомер, Вергилий поэмаларини, Софокл ва Эврипид каби даҳоларнинг драмаларини орқада қолдиради деб, “буюк аср”га мадҳия ёзган, Н.Буало, Лафонтон ва бошқалар бунга қўшилмаган эдилар. Классицизм даври адабиёти билимдони В.Я.Бахмутский адолатли ёзганидек, Людовик XIV абсолютизми, мутлақ ҳукмронлиги даврида Франция кўп соҳаларда инқирозга учраган, олий табақа, зодагонларнинг дабдабали ҳаёт кечириши, солиқларнинг оғирлиги халқни қийнаган, диний толерантлик, муроса йўқлигидан авлиё Варфоломей кечаси католиклар Рим папалигини танқид қилувчи кўп минглаб протестант-гугенотлар кириб ташланган, давлат жар ёқасига келиб қолган [1; 7-б.]. Мольер, Корнель, Расин каби шоирлар антик мавзуда ёзсалар-да, мутлақ ҳукмдорларнинг тиранлигига қарши эрксевар, буюк қахрамонларни кўрсатган эдилар. “Янги”лар жаҳон адабиёти тарихини икки даврга: мажусийлик (кўп худолик) даври адабиёти ва христианлик даври адабиёти деб ажратган эдилар.

Ж. де Сталь ва Ф. Шатобриан бир-бирига зид мавқеларда турсалар ҳам, христианлик даври инсоният маънавий ҳаётини поклаши масаласида ҳамфикр эдилар. Бу икки ижодкор классицистларни романтиклар томонидан туриб, танқид қилдилар. “Шоирнинг оташин тасаввурларида турли фантазиялар туғилади, лекин биз унинг ҳис-туйғулари ҳақиқий эканлигига ишонч ҳосил қилишимиз керак”, - дейди Ж. де Сталь. “Антик мифологияни ҳозирги янги шоирлар тўқиган эмас, уларнинг туйғуларини ҳис этмайдилар ҳам... Шу сабабли антик мифология мавзуларида ёзаётган шоирлар тақлидларга тақлид қилган бўладилар... Яхшиси шоирлар ҳозирги вақтда нималарни ҳис этаётган бўлсалар, шуларни ёзсинлар... Ҳақиқий поэзиянинг мақсади – янги топилган (ҳис этилган) ва айни вақтда ҳақиқий тасвирлар



ёрдамида одамларда ўзлари ҳис этган, аммо ҳали англаб етмаган ҳис-туйғулар ва фикрларга қизиқиш уйғотишдир” [2; 382-б.]. Бу фикрлар бизга романтизм адабиётида реализм талабларига ҳам риоя қилиниши тамойили борлигини билдиради. Романтизмдаги руҳий олам тасвирида аччиқ ҳақиқатлар, реалистик тасвирларнинг аҳамияти ҳақида В.Гюго ижоди мисолида кенгроқ фикр юритилади.

Ж.де Сталь машхур немис файласуфи И.Кантнинг нафосат, санъатдан лаззатланиш ҳақидаги қизиқарли ғоясини бундай изоҳлайди: “Файласуф фикрича, нотиклик,

фасоҳат, инжа санъатлар, тафаккур дурдоналари берадиган лаззат-фароғат инсон юрагини қисувчи ҳаёт ҳошияларини кенгайтиради, барча улуғвор, ажойиб ҳодисалар инсон руҳини заминдан юксакларга парвоз қилдиради, бизга самовий даҳолик, яхшилик, эзгулик йўлларини кўрсатади” [2; 382-б.]. Ж.де Сталь олмон файласуфининг бу фикридан яна бир муҳим ҳулоса чиқаради: ҳақиқий шоир фаровон яшаб турганида ҳам инсоният тақдири ҳақида чин юракдан қайғурадиган мутафаккир ҳам бўлиши керак.

Адабиётлар:

1. Бахмутский В.Я. На рубеже двух веков. // Спор о древних и новых. -М.:Искусство. 1984, -с.7.
2. Жермена де Сталь. О Германии. О влиянии страстей на счастье людей и народов. // Литературные манифесты западноевропейских романтиков. -М.: 1980, -с.384.
3. Литературные манифесты западноевропейских романтиков. -М.: Изд. МГУ, 1980, -с.400.
4. Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. Критические очерки. -М.: 1970, -с.102.
5. Шатобриан Ф. Из “Гения христианства”. // Лит-е манифесты. Изд. МГУ. -М.: 1980, -с.392.

Karchibaeva U. Germain de Stael is the founder of French romanticism. The work of the French writer Germain de Stael, who contributed greatly to the emergence of French romanticism is considered in the article.

Каршибаева У. Жермена де Сталь основатель французского романтизма. В статье рассматривается творчество французской писательницы Ж. де Сталь, которая внесла большой вклад в появлени французского романтизма.



ОТРАЖЕНИЕ СЕМЕЙНОГО СТАТУСА МУЖЧИНЫ В АНГЛИЙСКОЙ И УЗБЕКСКОЙ ФРАЗЕОЛОГИИ

*Насруллаева Нафиса,
старший преподаватель СамГИИЯ*

Ключевые слова: брак, семья, семейный статус, гендерно маркированный, фразеологическая единица, национально-культурная специфика.

Приступив к исследованию гендерно маркированных фразеологических единиц английского и узбекского языка, обратимся к справедливому высказыванию отечественного учёного Ш. Сафарова о том, что “язык является уникальным средством отражения существования человека, продуктом его деятельности” [4: 5]. Действительно, в языке (языковых единицах) отражается богатейшая информация о человеке, его внешности, характере, интеллектуальных и творческих способностях, роли в обществе и т.д. Особое внимание учёных-гендерологов в лингвистическом исследовании направлено на языковые единицы (в нашем случае фразеологические), отражающие семейный статус человека.

Поддерживая точку зрения Г.Эргашевой, можно констатировать, что семейный статус мужчины (впрочем и женщины) приобретает важную роль в обоих исследуемых языках [5: 14]. Согласно стереотипным представлениям в английском и узбекском языках, мужчина – это глава семьи, принимающий решение, что подтверждается большим количеством соответствующих фразеологических единиц: *boш эга* – муж, хозяин дома [3: 51]; *lord and master* – повелитель, хозяин, глава [2: 570].

Самым распространённым глаголом, обозначающим вступление в брак, является глагол «to marry» или «get marry», который можно употребить по отношению к обоим полам: к мужчине – в значении «жениться», а к женщине – в значении «выйти замуж». Глагол *marry* имеет более положительную коннотацию, чем *to take to wife* – взять в жены, где чувствуется некая грубоватость. В узбекском языке по отношению к мужчине используется

глагол «уйланмоқ» – жениться, взять в жёны, занять жену: *биз уйланганда хўроз барвақт қичқирар* – (шутл.) бедному жениться – ночь коротка [3: 35], а по отношению к девушке – глагол «турмушга (или эрга) чиқмоқ».

Обретение семейного статуса отражается в ряде выражений: *бола-чақа қилмоқ* – обзаводиться семьёй [3: 48]; *бошини иккита қилиб (или қовуштириб) қўймоқ* – (шутл.) женить, поженить [3: 57]; *alter one's condition* – жениться или выйти замуж [2: 194].

В узбекской лингвокультуре женитьба сына является важным событием семьи и родители жениха уделяют большое внимание всему процессу женитьбы: *бошини боғлаб қўймоқ* – сосватать, помолвить [3: 56]; *келин туширмоқ* – женить сына, привезти невесту в дом жениха [3: 137]. В приведённых узбекских фразеологизмах чувствуется национально-культурная специфика свадебных обрядов: сначала проведение помолвки, а потом самой свадьбы, причём, со специальными свадебными обрядами: *келин салом* – (этно.) поклон невесты на другой день свадьбы (обряд, состоящий в том, что невестка и две женщины на следующий день после свадьбы приветствуют родственников и близких мужа) [3: 137]; *келин кўрмоқ* – (этно.) навестить молодую невестку на первом празднике после свадьбы [3: 137].

В узбекском языке в разговорной речи встречаются шутливые выражения, связанные с женитьбой юношей: *сенга тегаман деб, ким сочини тараб ўтирибди* – (ирон.) жди, так девушки и побежали за тобой, прямо ты нарасхват [3: 229]; *бирова сени кўёв қилармиди?* – кто на тебя посмотрит, можешь не наряжаться,



можешь не стараться [3: 44] и др. У данных примеров нет английских аналогов, они своеобразны, колоритны и уникальны в узбекской языковой культуре.

Отличительной чертой обретения семейного статуса в узбекской культуре является активное участие родителей в досвадебном и самом свадебном процессе. Многие родители с самого детства своих детей мечтают «увидеть», сыграть их свадьбу: *тўй кўрмоқ* – сыграть свадьбу (дочери, сына, внука и т.п.) [3: 257]. Для узбекского народа свадьба – это счастливое событие, в связи с чем в разговорной речи часто используется благожелательное выражение: *тўй устига тўй бўлсин (или тўй тўйга улансин)* – пусть часто буду свадебные пиры, пусть будет свадьба за свадьбой [3: 257].

Желание или нежелание мужчин обрести семейный статус отражается во фразеологизмах, характеризующих взаимоотношения мужчин и женщин [1: 58]: *be fathoms deep in love* (или *be over head and ears in love with*) – быть безумно влюблённым, быть влюблённым по уши [2: 573]; *be out of love (with)* – не любить, чувствовать отвращение [2: 573]; *calf love* – ребяческая любовь, юношеское увлечение [2: 573].

В узбекской фразеологии популярно выражение *кўнгли бор* – он любит её или она любит его [3: 157], используемое по отношению к парню или девушке, которые любят друг друга и хотят связать свои судьбы семейными узами. Если между ними нет никаких тёплых чувств, о них говорят *кўнгли йўқ* – он не любит её или она не любит его [3: 158]. Юношу, влюбившегося в девушку и просящего её руки и сердца, называют *ошиқи беқарор* – влюблённый без памяти [3: 205].

Бурное развитие феминистского движения в Европе, а также возрастание социальной активности лиц женского пола, привело к широкому распространению английских единиц, создающих образ мужчины, управляемого женой [1: 58]: *to be pinned (или tied) to one's wife's apron-strings* – быть пришитым к юбке [2: 45]; *to live under the cat's foot*

(или *paw*) – находиться под башмаком у жены [2: 563]; *John Thomson's man* – находящийся под башмаком у жены [2: 584]; *under petticoat government* – (шутл.) под башмаком жены [2: 395]. Интересным представляется оборот *the man of the house* – мужчина-семьянин, домосед, причём без отрицательной оценки.

Обычно инициатива создания семьи принадлежит мужчине: *to ask for a lady's hand* – просить чьей-либо руки [2: 429]; *to win somebody's hand* – предложить руку и сердце и получить согласие, завоевать чьё-либо сердце, сочетаться браком [2: 430]. Засватанную девушку номинирует выражение *the not impossible she* – возможная, будущая избранница [2: 815]. Однако встречаются девушки, сами «охотящиеся» за женихами: *бўйнига осилмоқ* – (неодобр.) вешаться на шею (о девушке) [3: 64]; *set one's cap at (amer.for) smb.* – (разг.) завлекать кого-либо, охотиться за женихом, стараться женить на себе [2: 138].

Финансовое состояние, а также социальный статус мужчины играет важную роль в принятии решения засватанной девушки: *the man for me* – этот человек мне подходит [2: 585]. Достаточное количество английских фразеологизмов, отражающих отказ в браке говорит о том, что не всегда прошение руки заканчивается свадебным торжеством [1: 58]: *to get one's walking papers* (или *get the sack*) – 2) получить отказ, быть отвергнутым, получить отставку, остаться с носом (о женихе) [2: 370]; *give smb. his marching orders* – отказать жениху [2: 375]; *to get the gate* – остаться с носом (о женихе), получить отказ [2: 370].

В узбекской фразеологии популярными являются выражения, обозначающие содержание семьи: *рўзгор бошига тушди* – он обзавёлся семьёй, заботы о семье легли на него [3: 226]; *оила тебратмоқ* – кормить, содержать семью, возглавлять семью [3: 193]; *рўзгор тебратмоқ* – содержать, обеспечивать семью [3: 226]; *оила қурмоқ* – обзавестись семьёй [3: 193]; *бўйнига ола хуржун тушди* – он обзавёлся



семьей, он теперь семьянин, он теперь хозяин дома, он теперь должен кормить семью [3: 64]. Все эти фразеологизмы используются по отношению к мужчине и указывают на его главную роль кормильца семьи. Так, семейный мужчина в узбекском языке номинируется фразеосочетанием *аёлманд киши* – семейный (многодетный), обременённый семьёй мужчина [3: 14]; *уйли-жойли одам* – семейный человек [3: 261].

Интересным является факт, что создание семьи в узбекской языковой культуре напрямую связано и ассоциируется с детьми: *бола-чақа қилмоқ* – обзаводиться семьёй [3: 48]; *бола-чақали одам* – (разг.) семейный человек [3: 48]. В узбекском менталитете дети – самое большое счастье и богатство для родителей, в связи с этим, самым употребляемым фразеосочетанием является благожелание в адрес молодожёных: *ўзидан кўпайсин* – пусть будет многодетным [3: 293].

Не каждый брак приносит счастье: *it is not every couple that is a pair* – не каждый брак удачен [2: 207]. Неудачный брак приводит к разводу: *талоқ бермоқ* – (разг.) давать жене развод [3: 241]. Национально-религиозной спецификой выделяется фразеологизм, не имеющий английского аналога: *уч талоқ* – (рел.) троекратный развод (после которого муж вторично не может жениться вновь на этой женщине) [3: 264].

В современном английском языке популярным стало выражение *cradle robber* – (амер.сл) женившийся на ком-либо (вышедшая замуж за кого-либо) значительно моложе себя [2: 212]. Жениться и поселиться у жены иронично высмеивается английским обществом: *to hang up one's hat in somebody's house* – жениться и поселиться у жены [2: 439]. Англичане осуждают и расчётный брак, когда мужчина женится на обеспеченной девушке из корыстных целей: *marry a fortune* – жениться на “деньгах” [2: 354]; *marry into the purple* – вступить в брак с членом королевской или аристократической семьи [2: 729]. Аналогом этих

выражений является узбекская фразеологическая единица *баланд дорга осилмоқ* – не по себе берёзу ломить (чаще о парне из простой семьи, сватающемся к девушке из богатой семьи) [3: 26].

Нередко мужчина вступает в брак, став жертвой женской уловки: *shot-gun marriage* – (амер.) вынужденный брак, когда мужчина вынужден жениться на скомпрометированной им женщине [2: 825]. Брак может и облагородить женщину: *to make an honest woman (out) of somebody* – жениться на женщине с прошлым, узаконить любовные связи браком [2: 1034].

Внебрачные любовные отношения между мужчиной и женщиной обычно приводят к рождению незаконно-рождённого ребёнка, номинированного множеством английских оборотов: *baby of love* – внебрачный ребенок [2: 54]; *war baby* – внебрачный ребенок [2: 55]; *bastard slip* – внебрачный ребёнок [2: 843]; *(be) born under the rose* – внебрачный, незаконнорождённый [2: 773]; *(be) born out of wedlock* – незаконнорождённый, рождённый вне брака [2: 1012]; *(be) born on the wrong side of the blanket* – родиться незаконнорождённым [2: 92]; *a child of shame* – незаконнорождённый ребёнок [2: 165]; *by the left hand* – незаконнорождённый(-ая) [2: 418]. Антонимом ко всем этим выражениям является ФЕ *(be) born in wedlock* – законнорождённый [2: 1012]. Отец внебрачного ребёнка обозначается оборотом *natural father* – отец внебрачного ребенка [2: 314].

Если английская фразеология переполнена выражениями, номинирующими внебрачных, незаконнорождённых детей, то в узбекском языке подобные выражения не обнаружены во фразеографических источниках. Это говорит о том, что создание семьи и воспитание детей – это дело серьёзное и святое в узбекском менталитете. Выражение *пушти куйиб кетган* – бездетный (чаще вследствие болезни) [3: 223] используется по отношению к бесплодному мужчине. Популярным в



узбекском языке является оборот *пуштикамаридан бўлган (боласи)* – свой, родной ребёнок [3: 223].

В узбекской лингвокультуре самого старшего ребёнка в семье (первенца) номинирует оборот *тўнгиш бола* – первый ребёнок в семье, а самого младшего ребёнка номинирует ФЕ *тўрва қоқди* – (шутл.) последний ребёнок в семье [3: 258]. В английском языке не выявлены аналогичные по семантике фразеологизмы. Самый старший и самый младший ребёнок в семье обозначается свободными (не фразеологическими) сочетаниями: *the eldest on (daughter), the youngest son (daughter)*.

В узбекской лингвокультуре существуют выражения *суннат тўйи (хатна тўйи, ўғил тўйи)* – празднество по случаю обрезания [3: 235]; *бола маст (бола маст қилмоқ)* – (этно.) готовить мальчика к обрезанию [3: 48], которые не имеет эквивалента / аналога в английском языке, что связано с различием религиозной-национальной специфики традиций и обычаев носителей исследуемых языков. В разговорной речи часто используется благословение в адрес родителей и их детей: *болани ота-онаси билан берсин* – пусть дети будут расти вместе с родителями [3: 48].

Очень интересными представляются контрастные гендерно окрашенные фразеологические единицы, являющимися нестандартными для английской лингвокультуры: *May and December* – старый муж и молодая жена [2: 240]; *beauty and the beast* – (шутл.) красавица и чудовище, т.е. интересная женщина и некрасивый мужчина [2: 74]; *an ass with two panniers* – букв. «осёл с двумя корзинами», т.е. мужчина, идущий под руку с двумя женщинами [2: 50]; в подобном значении используется ФЕ *a rose between two thorns* – букв. «роза между двумя колючками», (красивая) женщина, сидящая между двумя мужчинами [2: 774].

Мужчина, живущий без жены, временно уехавшей куда-либо, характеризуется оборотом *a grass widower* – 1) соломенный вдовец; 2) разведённый

мужчина соломенный вдовец [2: 1021]. Любезное отношение к мужу со стороны его жены отражается в выражении *my good man* – (разг.) любезный, мой дорогой [2: 584].

Выбирать спутницу жизни – очень серьёзное дело в жизни каждого мужчины: *Marriage makes or mars a man* – Женитьба играет решающую роль в жизни человека [2: 599]; *Marry in haste and repent at leisure* – женился на скорую руку, да на долгую муку [2: 439]. В узбекском языке мужчина, имеющий детей, обозначается фразеологическим оборотом *бағри тўлиб қолди* – он на вершине счастья, у него все дети и близкие в сборе, он удовлетворён душой [3: 30]. В узбекском языке счастливого мужчину (впрочем и женщину) номинирует гендерно маркированный фразеологизм с именем собственным *Хизр назар солган (или қилган)* – благословенный, счастливый [3: 267].

В английской фразеологии мужчина представлен как любитель поухаживать за женщинами, чему свидетельствует большое количество соответствующих единиц: *Gay Lothario* – донжуан, ловелас (выражение впервые встречается в пьесе Н. Роу “The Fair Penitent” [2: 366]; *ladies’ man* (или *lady’s man*) – дамский угодник, волокита, ловелас, ухажёр, кавалер [2: 584]; *sugar daddy* – (амер. сл.) престарелый любовник [2: 226]; *dance attendance on smb.* – увиваться, бегать за кем-либо (по старинному английскому обычаю на свадебном вечере невеста должна была танцевать с любым гостем, пригласившим её на танец) [2: 51].

Обычно мужчина выбирает себе спутницу, обладающую схожими чертами характера: *узукка кўз қўйгандек* – (одобр.) очень подходящая пара, в самый раз [3: 260]; *зуваласини (или тупрогини) бир ердан олган* – оба из одного теста (песка), очень похожие (по характеру) люди, два сапога пара [3: 115]; *One bone one flesh* – Муж и жена – одна плоть и кровь [2: 104]. Популярность в употреблении приобрёл узбекский фразеологизм *умр кечирмоқ* – 1) жить совместно (о муже и жене) [3: 263].



Некоторые мужчины предпочитают вести холостяцкий образ жизни: *bўй йигит* – холостой парень, молодой человек [3: 63]; *қари бўйдоқ* – (шутл.) старый холостяк [3: 306]; *to wear bachelor's buttons* – быть холостяком, вести холостяцкий образ жизни [2: 131], причём без негативности по сравнению с отрицательной оценкой по отношению к незамужней девушке *bachelor's girl* – одинокая самостоятельная девушка, холостячка [2: 373]; *single harness* (или *blessedness*) – (шекс. шутл.) безбрачие, холостая жизнь [2: 836]; *bachelor's buttons* – пуговицы, которые можно прикрепить, не пришивая [2: 131]; *a stag party* – холостяцкая вечеринка, мальчишник [2: 682]; *keep bach* – (амер.сл.) вести холостяцкий образ жизни [2: 55]. Аналогичным по значению является узбекский фразеологизм *дунёдан тоқ (или танҳо) ўтмоқ* – жить в одиночестве, прожить одиноким до конца жизни [3: 89].

После женитьбы и создания семьи в ближайшее время ожидается рождение ребёнка: *little stranger* – новорождённый [2: 884]. Воспитать хорошего сына (или дочь) – дело нелёгкое, иногда самым лучшим отцам не удастся сделать это: *many a good father hath but a bad son* – в семье не без урода [2: 314].

В обоих фразеологических фондах исследуемых языков положительно характеризуется семейный мужчина, ответственный перед своей семьёй и выполняющий роль кормильца. Образ мужчины-подкаблучника высмеивается как в английском, так и в узбекском менталитете. В английской лингвокультуре появилась модель мужчины-домоседа, выполняющего работу по дому. В узбекской фразеологии такой модели мужчины не обнаружено. В обоих языках образ холостяка имеет нейтральную оценку.

Литература:

1. Гусейнова Т.А. Фразеологические единицы английского языка, характеризующие мужчину. // Вестник Челябинского государственного университета. – Челябинск: ЧелГУ, 2010. - № 29 (210). – С.57-60.
2. Кунин А. В. Англо-русский фразеологический словарь. – Изд. 3-е, испр., в двух книгах. – Москва: СЭ, 1967. – Т.1. – 738 с.; Т.2. – 739-1264 с.
3. Садыкова М. Краткий узбекско-русский фразеологический словарь. – Ташкент: Главная редакция Узбекской Энциклопедии, 1989. – 336 с.
4. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – 320 б.
5. Эргашева Г.И. Инглиз ва ўзбек тиллар фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий-типологияси тадқиқи. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент: НУУ, 2011. – 25 с.

Nasrullaeva N. Indication of man's marital status in the English and Uzbek phraseology. The article contains investigation of English and Uzbek genderly marked phraseological units which reflect man's marital status. With the help of comparative analysis the author found out similarities and differences in such units due to national-cultural specifics of both analyzed languages. Theoretical part of the article is proved by numerous examples of English and Uzbek phraseological units.

Насруллаева Н. Инглиз ва ўзбек тиллар фразеологиясида эркак кишининг оилавий аҳволининг ёритилиши. Мақолада эркак кишининг оилавий аҳволини ёритиб берадиган инглиз ва ўзбек тиллардаги гендер белгилли фразеологик бирликлар тадқиқи қилинган. Қиёсий таҳлил асосида муаллиф икки тилдаги бундай бирликларнинг ўхшашлик ва фарқли томонларини аниқлаб берган. Мақоланинг назарий томони кўплаб инглиз ва ўзбек фразеологик бирликлар мисоллари билан исботланган.



ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Шомуродова Шахло,
СамДЧТИ катта ўқитувчиси*

Калит сўзлар: интеллектуал салоҳият, оммавий маданият, касбий-педагогик таълим, инновацион ёндашувлар.

Республикамизда жадал кечаётган ривожланишлар таълим мазмунини ислоҳ қилиш, тайёрланаётган кадрлар сифатининг амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар талабларига, шунингдек фан, техника ва технологиялар ривожланишининг жаҳон даражасига мувофиқ келишини таъминлаш эртанги кунимиз асоси бўлган ёшлар онгида илм-фанга ҳамда билим олишга бўлган интилишларни доимий рағбатлантиришни тақозо этади. Бугунги кунда жадал юз бераётган ўзгаришлар, таклиф этилаётган таълим хизматлари ва мана шу хизматларни амалга оширувчи таълим муассасалари томонидан олға сурилаётган назарий фикрларни амалиётга татбиқ этиш, улардан самарали фойдаланиш биз педагогларнинг олдида турган муҳим вазифалардан саналади. Зеро, республикамиз президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқида “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [2;2] деганда, педагоглар ва эртанги кунимиз бўлган ёшлар олдида нақадар масъулиятли вазифалар турганлигини англашимиз мумкин бўлади. Бу фикрни давом эттирган ҳолда президентимизнинг “Ёшларимиз ҳақли равишда ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга кодир бўлган, бугунги ва эртанги

кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани ғурур ва ифтихор бағишлайди” [2;2] дея билдирган ишончлари ёшларга яратилаётган имкониятлар замирида катта меҳнат ётганлигини тасдиқлагани ҳолда масъулият юкини яна бир карра оширади.

Педагогика соҳасида охириги йилларда олиб борилаётган фундаментал тадқиқотлар натижалари ҳали бу борада кўплаб амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг мавжудлигини тасдиқламоқда. Сўнгги йилларда таълим ва тарбия соҳасида республикамизда бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилди ва муайян ютуқларга эришилди. Шу билан биргаликда, ривожланган хорижий давлатларда таълим жараёнини ташкил этишнинг назарий ҳуқуқий асосларини изчил тарзда тадқиқ этган ҳолда таълим тизимини бошқаришда давлат ва нодавлат тузилмалар иштирокини таҳлил этиш ҳамда таълим жараёнини кенг кўламли ислоҳ этишда инновацион ёндашувларнинг аҳамиятини ўрганиб чиқиш бугунги кун нуқтаи назаридан жуда долзарб саналишини эътиборга олишимиз лозим. Ривожланган хорижий давлатларда кўп йиллик тажрибалар ва изланишлар замирида вужудга келган бугунги кундаги таълим тизимини андоза сифатида кўр-кўрона татбиқ эта олмаймиз. Педагогика фани ҳам ижтимоий амалиёт соҳаси каби жаҳон ривожланиш умумий тенденциялари ва қонуниятларига биноан ривожланади. Шунинг учун касбий-педагогик таълим чет эл тажрибаларини ўрганиш, уни илмий тушуниш, илғор ғоялардан миллий таълим амалиётида фойдаланиш айниқса долзарб ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги позитив жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар



тайёрлаш тизими барча элементларига тааллуқли ва унинг ривожланиши омилларидан бири ҳисобланади. Аммо миллий ғоялар ва анъаналарда қурилган таълим ҳар доим миллий ривожланиш масалаларига ижобий таъсир этаётганлиги жаҳон тажрибасида, хусусан, Япония, Жанубий Корея каби давлатлар мисолида ўз исботини топган. Миллий кадриятларга асосланган таълимнинг техник ёки ташкилий шакллари турлича бўлиши мумкин, баъзан умуман одатдан ташқари, тасаввур қилиб бўлмаган кўринишларга эга бўлиши мумкин. Аммо бизнинг чуқур ишонч ҳосил қилишимизга охир-оқибат одамнинг таълим олиши натижаси фақат ўқув фаолияти шакллари, шу жумладан масофавий таълим билан белгиланмайди, балки ўқув жараёни қуриладиган таянч психологик-педагогик мазмунга боғлиқ бўлади.

Республикамызда қисқа давр ичида таълим соҳасида кўлга киритилаётган ютуқларни эътироф этган ҳолда баъзи хорижий давлатлар томонидан таълим соҳасида эришилаётган ютуқларни изчил таҳлил қилиб, хорижий давлатларда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий тенденцияларини ўрганиш давр талабидир. Чунки хорижий давлатларда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий тенденцияларининг умумий хусусиятларини таҳлил қилиш, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг илғор хорижий тажрибалари билан танишиш, глобаллашув шароитида хорижий давлатларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган ўзгаришлар юзасидан мушоҳада юритиш, хорижий давлатларда таълим тизимини бошқаришда давлат ва нодавлат тузилмалар иштирокини ўрганиб чиқиш, таълим-тарбия тизими самарадорлигини ошириш имкониятларига оид назарий хулосалар ва амалий таклифларни илгари суриш замонавий педагогнинг бурчидир. Бугунги кунда халқаро алоқаларнинг кенг йўлга қўйилган даврида оммавий маданиятнинг ёшлар таълим-тарбиясига кўрсатаётган таъсири билан боғлиқ масалаларга қизиқишнинг тобора ортиб бориши табиий. Шу боисдан

таълим соҳасида ҳам миллатимиз руҳиятига мос келувчи илғор тенденцияларни ўрганиш, татбиқ этиш масалалари бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Таълим тизимида инновацион тенденциялар бошқарув тизимининг ривожланиши, корпоратив бошқарув методлари ва халқаро стандартларни жорий этиш, моддий-техника базани модернизация қилиш, молиялаштириш манбаларини кўпайтириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш каби омилларга асосланади. Охирги вақтларда “илгарилувчи таълим” (замондан ўзувчи таълим) атамаси жадал равишда мулоқот тилига кириб келмоқда. Бироқ бу атаманинг илмий асосланган таърифи ҳали ишлаб чиқилгани йўқ. Айрим тадқиқотчилар бундай таълим мазмунини ривожланиб бораётган ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришга йўналтириш билан боғлайдилар. Бунда ёшларнинг адаптацияси бугунги кунга эмас, балки уларнинг меҳнат фаолиятининг эртанги кунига мослаштирилиши талаб этилади. Бошқа тадқиқотчилар илгарилувчи таълимнинг моҳиятини илм-фан билан боғлайдилар. Бунда таълим тизимига янги илмий ғоялар, таълимотлар ва услубларнинг экспериментал жорий этилиши назарда тутилади. Яна бир гуруҳ олимлар илгарилувчи таълим деганда мураккаблик даражаси юқори бўлган, чуқурлаштирилган дастурлар бўйича ўқитишни назарда тутадилар.

Буларга алоҳида тўхталиб ўтирмасдан, турли давлатлар ривожланган таълим тизимлари таҳлилига таянган ҳолда, Ўзбекистонда таълим тизимини янада ривожлантириш ва сифатни ошириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган айрим таклифлар хусусида тўхталганда, Ўзбекистон таълим тизимида жорий этиладиган олий таълимдаги инновацияларни амалга ошириш жараёнида, хорижий давлатлар таълим тизимида амал қилиб келинаётган тузилмалар ва тизимларни ўзимизга татбиқ этишда миллий менталитетимизга таянган ҳолда иш юритиш лозим. Бу жараёнда



тизимга жорий этилиши лозим бўлган янгиликлар Ўзбекистон таълим тизимининг ривожланиш босқичига мос келиши ва иқтисодий таъминланган бўлиши лозим.

Энг муҳими, ёшларнинг янгиликка интилиши, ташаббускорлиги, инновацияларни қўллаб-қувватлаши билан боғлиқ ижобий йўналтирилган инновацион салоҳиятидан рағбат асосида фойдаланиш, ёшлар ташаббусларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан, талаба ва ўқувчиларда ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришнинг ўзига хос моделини ишлаб чиқиш ва мураккаблик даражаси юқори бўлган чуқурлаштирилган дастурлар бўйича (албатта, эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда) ўқитишни йўлга қўйиш лозим бўлади. Бунинг учун таълим муассасаларидаги педагог кадрларнинг, талабаларнинг, ўқитиш технологияларнинг ва моддий техник базанинг янги ўзгаришларга тайёргарлик ҳолатини инобатга олиш ва такомиллаштириш керак.

Таълим тизимига янги илмий ғоялар, таълимотлар ва услубларнинг экспериментал жорий этилишидан чўчимаслик ва илгарилловчи таълимнинг элементларини ҳудудимиз эҳтиёжларига мос тарзда ўзлаштириш (айниқса, ишлаб чиқариш ва техника билан боғлиқ бўлган соҳаларда) ҳозирги куннинг муҳим талаби бўлиб қолмоқда. Маълумки, бу соҳада биз замон билан ҳамнафас қадам ташлай олмаяпмиз, яъни очиқча айтадиган бўлсак, анча орқада қолганмиз.

Ривожланган давлатларда университетлар мустақиллиги давлат қонунлари даражасида кафолатланган бир даврда улар томонидан қўлга киритилаётган ютуқларни изчил таҳлил этиш асносида республикамиз ОТМларига босқичма-босқич тарзда мустақил фаолият юритишларига шароит яратиш амалиёти жорий йилдан йўлга қўйила бошланди. Бу янгиликнинг республикамиз шароитида ўзини оқлаши кўп ҳолларда шу системадаги раҳбар кадрларнинг салоҳиятига бевосита боғлиқ. Маълумки,

«Оинабинй» - после того, как наступают на ногу, проводится обряд заглядывания в зеркало. Зеркало должно быть двойным складным, новым, неиспользованным и жених с невестой впервые видят в этом зеркале друг друга, оно тут же закрывается, чтобы чужие глаза туда не заглядывали.

«Асаллесонй» - обряд угощения женихом и невестой друг друга медом. При этом мед преподносится в пиале и молодые угощают друг друга медом, макая мизинец в мед и давая слизывать. Смысл этого обряда в том, чтобы их семейная жизнь была благополучной и сладкой, как мед. При этом зажигаются две свечи над головой жениха и невесты, прокручивают над «чимиликом», выражая желание молодоженов на счастливую и многодетную супружескую жизнь. Сначала жених подает невесте мед на мизинце, а затем невеста подает жениху мед на мизинце. Это выражает желание молодоженов на сладкую совместную жизнь и сладостные речи по отношению друг к другу.

Затем жених надевает часы на запястье невесты – это означает, что они должны ценить скоротечность времени.

В «чимилик» преподносят заранее подготовленные со стороны невесты на подносе 4 тарелочки со сладостями, 4 лепешки, скатерть из маленьких кусочков ткани и еще одну косынку с лепешкой. «бибихалифа» берет лепешки и помещает их подмышку жениху, для того чтобы всевышний даровал благополучие молодоженам и чтоб они жили в довольстве до глубокой старости в окружении детей и внуков. Затем жениха приглашают присесть. Перед ним расстилают скатерть, сшитую из кусочков тканей, на которую ставят тарелочки со сладостями из подноса. Затем читают молитву с добрыми пожеланиями в адрес жениха и невесты, связывают сладости в белый платочек и передают друзьям жениха.

При приезде в дом жениха в машину к невесте высаживают мальчика – родственника невесты. Этот мальчик торгуется с женихом, как бы продавая невесту. Ему дарят деньги, рубашку, чабан. Если денег мало, то он просит еще и отказывается выходить из машины. После того, как уговорят мальчика, невеста выходит из машины. После этого невеста с женихом под сопровождение музыки «дойра» и других музыкальных инструментов заходят во двор. Перед ними заходят, танцуя, родственники и друзья жениха.

По обычаям Зороастризма – огнепоклонничества молодые делают несколько кругов вокруг свадебного костра (раньше невеста ходила одна вокруг костра, а сейчас – вместе с женихом).

После свадебного пира невеста меняет одежду, надевает на голову корону, одевает национальную златотканую одежду, покрывает голову платком – накидкой и берет на руки «даструмолча» - специальный платок для невесты и начинается обряд «руйбинон» - открывание лица невесты «бибихалифа» - женщина, которая песнопениями проводит



этот обряд поет специальную песню – приветствие «Хушмадед» :

«... красавица, осчастливившая всех своим приходом, лунолика, с походкой павы, добро пожаловать».

Платочком покрывают голову невесты и приподнимают чимилик. Две женщины – близкие родственницы невесты стоят рядом с ней, одна из них помогает ей поклоняться в знак приветствия и уважения, а вторая

принимает подарки родственников жениха, которые по очереди подходят и целуют невесту.

Как видно из всего вышесказанного, свадебные мероприятия и обычаи таджиков Самарканда очень многообразны и имеют древние корни и долгую историю. С течением времени хотя они и изменились во многом, но все же сохранили самобытность и верность традициям и культуре.

Литература:

1. О.А.Сухаревой Свадебные обряды таджиков города Самарканда и некоторых других районов Средней Азии – Советская этнография (далее - СЭ) Сб. статей, III: М. 1940, с. 172-176.
2. О.А.Сухаревой К истории развития Самаркандской декоративной вышивки. – В-кн: Литература и искусство Узбекистана, кн 6. Ташкент, 1937, с. 119-134.
3. Х.Мухаммадиева Профессиональная и бытовая лексика кулинарного искусства в таджикском языке. (Автор. канд. дисс.). – Душанбе, 1979.
4. Аслиддин Қамарзода Таронаҳои Самарқанд.– Ташкент: Муҳаррир, 2012.

Хонхужаева А. Традиционные особенности свадебных торжеств таджиков Самарканда. Данная статья посвящена традициям свадебного торжества и обычаям таджиков проживающих в Самарканде. Приведены факты, примеры и своеобразие обрядов.

Xonxujayeva A. Traditional peculiarities of wedding-parties of Tajiks living in Samarkand. This article gives information about the traditions connected with weddings and customs of Tajiks living in Samarkand. Facts, examples are brought forward, peculiarities of ceremonies.



ОБРАЗНИНГ БАДИЙ ТАРЖИМАДА ТАЛҚИНИ

(В. Л. Войничнинг “Сўна” романининг рус ва ўзбек тиллари таржимаси мисолида)

Расулов Нормурод,
СамДЧТИ ўқитувчиси

Калит сўзлар: образ, оригинал тил, бадиий таржима жарёни, бадиий таржимада бўёқдорлик, сўзма-сўз таржима, контекст, сўзнинг луғавий маъноси, асар қаҳрамони.

Бадиий тўқима образлари кишиларнинг жуда кўпчилигига манзур бўлиши, уларнинг кайфиятлари ифодаси бўлиши лозим. Замонамиз кишиларининг юксак новаторлик билан яратилган янгидан-янги образлари бир-бирларини такрорламаслиги, ҳаракат ва қарашлари, орзу ва тушунчалари оригинал бўлиши талаб этилади. Уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос бир дунё бўлиши, таъсир кучи ва эмоционаллиги ҳар жиҳатдан юксаклиги билан бошқа образлардан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам Алексей Толстой кўп йиллик ижодий тажрибаларига асосланиб “Бадиий тафаккур” номли мақоласида “Минг хил процесслар натижасида конвейердан чиқадиган машина каби образ ҳам аниқ ва ёрқин, тугал тафаккур натижасидек мушкул жараён асосида юзага келади”, деган эди [1, 228].

Шундай экан, мутаржим ўзининг таржима маҳсулотини чиқарар экан, ундан оригинал тилда яратилган образлар, уларнинг ҳар қайсисининг ўзига хос бир дунё бўлиши, таъсир кучи ва эмоционаллиги, ҳар жиҳатдан юксаклиги билан бошқа образлардан фарқ қилишини чуқур англагани ҳолда таржима юмушига киришиши тақозо этилади.

Инглиз ёзувчиси В. Л. Войничнинг “Сўна” романи образларининг рус ва ўзбек тиллари вариантларида ифодаланишини кузатиш жараёнида ўша давр ёшларининг катталар томонидан кўп ҳолларда танбехларга учраганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Романнинг тўртинчи бобида янги ректор асар бош қаҳрамони Артурни дарров ўзига қаратиб олади. Чунки университет бошлиқлари томонидан олиб борилган сиёсат, каттиқ танқидлар студентлар қатори Артурнинг ҳам жиғига

тегади. Буни яхши англаган ректор вазиятни Артурга ётиғи билан тушунтиришга уринади ва у ректорнинг ҳар бир кўрсатмасига итоат қила бошлайди. Дунёда табиати жиҳатидан бебошликка учиб турган ёшлар кўплиги, шунинг учун уларнинг шахсига катталар ҳурмат билан қарашса, улар ортиқча ташвиш туғдирмаслигини айта туриб, ректор ўз нутқида қуйидаги иборани кистириб ўтади:

“But, of course, the most docile horse will kick if you are always jerking at the rein” [2, 42].

Мазкур жумланинг рус тилидаги “*смирная лошадь станет брыкаться*” иборасини ўзбек тилига тубандагича таржима қилинганини кузатиш мумкин:

“Ахир ювош от ҳам, ҳадеб жиловни тортаверилса, олдинги оёқларини кўтариб олади” [3, 32].

Отнинг тегиши (*horse will kick*) ўзбек тилида отнинг олдинги оёқларини кўтариб олишига, яъни қайсарлиги тутишига “мувофиқлаштирилган”. Кўриниб турибдики, китобхон асар мутолааси жараёнида ёшларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг камситилишига нисбатан ректор тилидан олинган жумлалар орқали Артурнинг ҳам энди ёш бола эмаслигини тўлиқ англай бошлайди.

Маълумки, роман ўзбек тилига билвосита, яъни рус тили орқали ўгирилган. Шу жиҳатдан, таржимон восита тилда ифодаланадиган ҳар бир “унсур”нинг ўз эътиборидан четда қолишига йўл қўймасликка ҳаракат қилади.

Зеро, романнинг рус тилидаги вариантыда жумла қуйидагича ўз ифодасини топган:



“Но ведь и смиренная лошадь станет брыкаться, если постоянно дергать поводья” [4, 28].

“will kick” ҳамда “брыкаться” сўзларининг луғавий маъносини ҳисобга олган ҳолда, мутаржим жумлани “тепиб олади” ёки “тепади” тарзида давом эттирса эди, иборанинг нафақат восита тилдагидек, балки оригинал нусхадагидек “жаранглаши”га эришилган бўларди, назаримизда.

Асарни мутолаа қилиб бораркан, китобхон шуурида образларнинг ўзига хос хусусиятлари, ички характерлари кенг миқёсда очила боради. Асар персонажлари томонидан қахрамон Артур образига нисбатан билдирилган тафсилотлар орқали китобхон ўша қахрамон тўғрисида ўз билганларини бойитиб боради. Артур билан суҳбати асносида диний семинария ректори каноник Монтанелли ҳақида тўхталади:

“But I know Canon Montanelli takes a great interest in you, and I fancy he is a little anxious on your behalf – just as I should be if I were leaving a favourite pupil” [2, 46].

Парчани рус тилида ўқиймиз:

“Но я знаю, что каноник Монтанелли очень заботится о вас и, если не ошибаюсь, тревожится о вашем благополучии. Я бы тоже тревожился, случись мне расстаться с любимым воспитанником” [4, 31].

Оригинал тилда баён этилган “is a little anxious on your behalf” ибораси рус тилида “тревожится о вашем благополучии” каби ифодаланган бўлса, бу ўзбек тилига келиб “сизнинг саломатлигингиз тўғрисида хавотир ҳам қилиб юради” [3, 36] га айланган. Бу ерда ўзбек таржимони Мирзакалон Исмоилийнинг бадий таржима юмушига шунчаки юзаки эмас, балки ҳақиқий ижодий иш сифатида ёндашганини кузатиш қийин эмас, албатта. Рус тилидаги «благополучие» сўзи сўзма-сўз эмас, бироқ суҳбат асносида вазият ва ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ўзбек тилига “саломатлигингиз тўғрисида” шаклида ағдарилган. Чунончи, парча ўзбек тилида қуйидагича жаранглайди:

“Бироқ, гап шундаки, каноник Монтанелли сизга жуда ҳам гамхўр, иннакейин, назаримда, сизнинг саломатлигингиз тўғрисида хавотир ҳам қилиб юради. Бу бежиз эмас... Агар яхши кўрган шогирдимдан ажрасам, менинг ўзим ҳам хавотирга тушардим” [3, 36].

Артур ётоқхонага кириб, бут олдида тиз чўқади. Эртаси куни эрталаб хазрат Карди унинг тавбасини қабул қилишга ваъда қилган эди. Энди у пасха олдидан қиладиган ана шу тавба-тазарруга узоқ ва астойдил ибодат билан ўзини тайёрлаши керак бўлади. Персонаж нутқидан олинган ушбу парчага диққатингизни жалб этмоқчи эдик:

Kneeling with clasped hands and bent head, he looked back over the month, and reckoned up the miniature sins of impatience, carelessness, hastiness of temper, which had left their faint, small spots upon the whiteness of his soul. Beyond these he could find nothing; in this month he had been too happy to sin much [2, 47].

Ўз-ўзини баҳолаш унсурлари устунлик касб этган мазкур жумла орқали китобхон Артурнинг ўзига берган сифатларини “жамғариб боради”.

Стоя на коленях, со сложенными на груди руками и склоненной головой, он вспоминал день за днем весь прошедший месяц и пересчитывал свои маленькие грехи - нетерпение, раздражительность, беспечность, чутчуть пятнавшие его душевную чистоту [4, 32].

Асл тилда берилган сифатлар романнинг таржима вариантларида қуйидаги тарзда моҳирона акс этирилган: *impatience* – нетерпение – чидамсизлик; *carelessness* – раздражительность – енгилтаклик; *hastiness* – беспечность – тажанглик каби.

Ҳаёти давомида Артур ўзига муносиб кўрмаган фазилатлар рус тили варианты билан бир қаторда “учинчи тил” нусхасида ҳам усталик билан ўгирилганига шохид бўлишимиз турган гап.

У тиз чўккан, қўлларини қовуштирган ва бошини қуйи солиштирган ҳолда фикран орқага, ўтган ойга қаради ва чидамсизлик, енгилтаклик, тажанглик



қилган кезларини эслаб, майда-чуйда гуноҳларини бир-бир санаб чиқди. Аммо булар унинг тоза қалбига заифгина доғ бўлиб тушган майда гуноҳлар эди [3, 37].

Бош қаҳрамон тўғрисида айtilган бу каби салбий фазилатлар унинг ўзига ҳам ёқмаслигини китобхон борган сайин англай бошлайди. Инчунун, бу ҳақда ўқувчи ўз хулосасини ҳам чиқаради.

Кунларнинг бирида Артур кўйлагининг ёқасини ечади, кўйнидан бир парча қоғоз учиб тушади. Бу Жемманинг мактубчаси бўлиб, уни Артур куни билан кўкрагида сақлаб юради. Мактубчани ердан олиб очади, кейин уни ўпади; сўнг ярашмаган иш қилиб кўйдим, деган хира бир тушунча билан қоғозни яна тахлай бошлайди. Кўзи қоғоз орқасидаги сатрларга тушади; уни боя ўқимаган эди.

“... *Be sure and come as soon as possible,*” it ran, “*for I want you to meet Bolla. He has been staying here, and we have read together every day*” [2, 47-48].

Бу сатрларни ўқиганда, Артурнинг юзи кип-қизариб кетади.

“*Ҳамиша ўша Болла! Ливорнода яна нима қилиб юрибди у? Нега энди Жемма у билан китоб ўқишади? Унинг контрабанда ишларида нима қизиқтираркан Жеммани? Болла уни бутунлай сеҳрлаб олди. Жеммани яхши кўриб қолганлиги январдаги мажлисдаёқ сезилиб турган эди. Шунинг учун ўшанда ёниб гапирётган эди-да! Энди у қиз ёнида, ҳар кун бирга-бирга китоб ўқишади*” [3, 38].

Атиги беш минутгина олдин мазлумлик орзулари билан кўкларда учган асар бош қаҳрамони Артур мана энди жиноятчи сингари турибди, виждони азобланаяпти.

A soul capable of sordid jealousies and suspicions; of selfish animosities and ungenerous hatred – and against a comrade! He covered his face with both hands in bitter humiliation [2, 48].

Артур ўзини тахкирлайди, ўз ўртоғи ҳақида шубҳаларга берилади, пасткашларча Болладан Жеммани рашк қилади.

Булар асарнинг рус тилидаги нусхасида куйидагича ўгирилганига гувоҳ бўламиз:

Значит, она (душа) способна на низкую ревность и подозрения, способна питать зависть и мелкую злобу, да еще к товарищу! В порыве горького самоуничижения Артур закрыл лицо руками [4, 33].

Гуноҳлар учун тавба-тазарру қилаётиб ҳам қалбини қамраб олаётган рашк ўти учун Артур ўзини кечира олмайди, виждони азобланади.

Хуллас, мутаржим Мирзакалон Исмоилий томонидан ўзбек тилига ағдарилган мазкур роман образлари асарнинг асл нусхадаги каби китобхонда тўлалигича таассурот қолдиради, деган тўхтама келишга асослимиз.

Адабиётлар:

1. Толстой А. О литературе. - Москва, 1956.
2. Voynich E. L. *The Gadfly*. - Moscow: Foreign languages publishing house, 1955. – 335 p.
3. Войнич Э. Л. Сўна. Русчадан Мирзакалон Исмоилий таржимаси. – Тошкент, 1956. – 311 б.
4. Войнич Э. Л. Овод. Перевод Н. Волжиной. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 272 с.

Расулов Н. Интерпретация образа в художественном переводе (на примере перевода на русский и узбекский языки произведения В. Л. Войнич «Овод»). В статье рассматривается создание художественного образа в произведениях, переведённых с английского на русский и узбекский языки. Автор ставит цель показать передачу таких особенностей персонажа, как речь, поведение, характер при переводе.

Rasulov N. *The interpretation of the image in literary translation (on the example of the translation of the novel “The Gadfly” by E. L. Voynich into Russian and Uzbek). The article discusses the interpretation of the image in literary translation from English into Russian and Uzbek. The author aims to show transferring of some peculiarities of the literary heroes, such as expressive speech, behavior, character, manner in practical translation.*



МУМТОЗ АНЪАНАЛАР ДАВОМЧИСИ

Хуррамова Зебо,
СамДЧТИ ўқитувчиси

Калит сўзлар: Зуллисонайнлик, анъана, мумтоз шоирлар, инсон, борлиқ, диний-фалсафий қарашлар, гоё.

XX асрнинг 50-70 йилларида миллий кадриятларга барҳам берилиб, янги мафкура ва янги турмуш тарзига кўниккан жамиятда яшаган Вадуд Маҳмуд ўзижоди, шеърий асарлари билан мумтоз шеърият анъаналарини, демакки азалий кадриятларнинг бадий талқинини давом эттирди. Унинг барча шеърлари шарқ фалсафий тафаккури негизида яратилган бўлиб, мумтоз шеъриятдаги шаклий жиҳатлар-жанр, вазн, маъно-мазмундаги диний-фалсафий ғояларга издошлик давом эттирилган. Шунингдек, бу жиҳатлар зуллисонайнлик анъанасини давом эттириб, ўзбек ва форс-тожик тилларида бир хил қалам тебратганида намоён бўлса (шу ўринда бу мулоҳаза унинг адабий-танқидий изланишларига ҳам тегишли эканини таъкидлаб ўтиш лозим), кейингиси мумтоз жанрлардан рубоийнавислик анъанасини давом эттирганида намоён бўлади. Аср бошларидаги умумий қатағон гирдобига тушган ижодкор умрининг 20 йилдан кўпроғи Россиянинг совуқ ўрмонларида ўтган (1929-1934 йиллар Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида сургунда, 1937 йилдан 1954 йилгача Россиянинг Архангельск вилоятида қамоқда) бўлишига қарамай унинг асосан 50-70 йилларда ёзган шеърий асарлари сақланиб қолган. Бу шеърлар шоир яшаган атеистик жамият мафурасига тамоман тескари ғояларнинг бадий ифодаси бўлиб, асосан шарқ мумтоз адабиётидаги Борлиқ, Инсон ва Яратганнинг ўзаро муносабатлари масалаларига қаратилган. Маълумки, исломий илмларнинг таркибий қисми саналган тасаввуф илми ва унинг адабиётдаги бадий акси шарқ мумтоз шеъриятининг асосий объекти бўлиб келган. Шоир собиқ шўро даврида ҳамўз ижоди билан ана шу анъанавий йўлдан

борди. У шарқ шеъриятининг Ибн Сино, Ҳофиз Шерозий, Умар Хайём, Мирзо Бедил, Алишер Навоий, Фузулий сингари улуғ ижодкорлари шеъриятга шаклангина эмас, балки фалсафий-ғоявий масалаларда ҳам издошлик қилди. Тариқатлар хилма – хил бўлгани ҳолда уларнинг юқоридаги масалаларга муносабатида, бадий талқинида умумий қарашлар етакчилик қилгани боис Аллоҳ-севикли, инсон-уни севувчи, ишқ, маънавий камолот, жаннат, дўзах сингари масалаларда қарашлар бир-биридан маълум даражада фарқ қилса-да, моҳият ягоналиги барча тасаввуф олимлари, шоирлари томонидан эътироф этиб келинган. Тасаввуф адабиётида етакчи ўрин тутган ана шу бадий талқинлар кейинги шоирларни ҳам илҳомлантирган. Тасаввуф таълимотининг биз яшаб турган борлиқ Яратганнинг акси ёки сояси, асл манба эса унинг ўзи эканлиги ҳақидаги ғояларнинг бадий талқини Вадуд Маҳмуд шеърларида изчил давом эттирилган:

هر وجه کمال آشنایم آید
هر حس جمال دلر بایم آید
چه نقش شده است تعبیه در آلم
که در همه جا یکی خدایم آید

(Мазмуни: Ҳар бир мукамал инсон биродаримдир, ҳар бир гўзал дилбаримдир. Оламда мавжуд нарсаларнинг барчаси ягона худойимнинг мужассамидир.) “Чунки инсон олами сағир (кичик олам) сифатида олами кабир (катта олам) деб номланадиган юқори оламларнинг хусусиятларини ўзида акс эттиради”⁶. Шундай экан, инсон Яратганнинг бир зарраси ва у ўзининг асл моҳиятини англаши лозимлигининг бадий ифодаси қуйидагича берилади:

من خرد ترین نقطهء مخلوقات هستم

⁶Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. 42-43-б.



من پست ترين پايهء فطرت هستم
بود چو نبودم ولی با همه اين
يک لمع ز پرتو حقيقت هستم

(Мазмуни: Махлуқотнинг энг кичиги-нуктадайиман, Яратилишнинг энг охиригисиман. Бўлмаслигим ҳам мумкин эди, лекин Ҳақиқат нуридан бир ёлқинман).

Шу фалсафий қарашлар боис В.Махмуд рубойларида ишқ тушунчаси ҳам, маъшуқа тимсоли ҳам тор-заминий севги даражаси билан чекланиб қолмайди. Маъшуқа юксак осмонда, поклик қасрида. У жаннат чаманида бир гулдаста, ошиқ эса унинг ҳажрида тупроққа тенг, афтода ҳолда азоб чекади. Ошиқ назарида маъшуқа бутун борлик узра ягона, юксак гўзаллик, ҳусну чирой ва камолот соҳиби. Айнан шу сабаб ошиқ маъшуқасининг нозлари-ю, ситамларидан, шафқатсиз ҳажр изтиробларидан нолимайди. Нолиса-да, маъшуқасига бўлган садоқатидан умид узмайди. Маъшуқа қошида имон келтирган ошиқ дўзах азоби кўркувидан ёхуд жаннат умидида эмас, балки ишқ туфайли уни суяди, унга интилади. Тасаввуф илмида дастлаб биринчи сўфи аёл “Робия Адавия Аллоҳга муҳаббат ғоясини илгари сурди. Унингча, жаннат орзуси ва дўзах азобидан кўркув нажот воситаси бўла олмайди. Инсон Аллоҳни шундай севиши керакки, унинг ишқи бу дунё хою ҳавасларини куйдириб юбориши керак. У Аллоҳни фақат Аллоҳ бўлгани учун севиш ⁷ лозимлигини уқтиради. Ана шу сўфиёна қараш Вадуд Махмуд томонидан куйидагича бадиийлаштирилади:

ایمان نه ز ترس دوزخش آوردیم
نه میل به جنتش به او رو کردیم
چون جزیهء عشق او شراری افکند
ما داغ فراق او به دل پروردیم

(Мазмуни: Дўзах кўркувидан имон келтирмадик, Жаннати умидида юз қаратмадик. Унинг ишқи жазбасидан учкун сачради, биз ишқи фироқини кўнгилга экдик). Ошиқ шу қадар вафодорки, ҳатто маъшуқа фироқи доғини кўнгилга экади, токи унинг ишқи ошиқ қалбида янада ривож топсин. Савол-жавоб

тарзидаги бир рубойида нафақат Инсоннинг Аллоҳга бўлган муҳаббатининг ғоявий- бадиий талқинида, балки Ҳофиз Шерозий бадиий услубига, мажозий тимсоллар кўллашдаги поэтик талқинларига ҳам издошлик кўзга ташланади:

آمد سحرى نداء بتخانه ما
کامی عاشق شمع حسن پروانه ما
برخز که یار دلنشین آمده است
گوید که کجاست آنکه دیوانه ما

(Мазмуни: Тонгда бутхонамизга бир овоз келди: “Ошиқнинг мақсади маъшуқа ҳуснига парвоналик”. Тургил, жонингга жойлаганинг жонона келди. “Қани у, бизнинг девонамиз”- деб сўрайди).

Айтиш мумкинки, мумтоз шоирларнинг барчасида бу сингари фалсафий қарашнинг турли-туман поэтик талқинлари беқиёс шаклда юзага чиққан ва бу ҳол ҳануз инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Хусусан, Умар Хайём ишқ ва ошиқлик тушунчасини шундай таърифлаган эди:

Хуршеди сипехри безаволи ишқ аст,
Мурғи чамани хучастафоли ишқ аст,
Ишқ он набувад, ки ҳам чу булбул ноли,
Ҳар гах, ки бимириву наноли -ишқ аст

(Таржимаси:
Ишқдир абадийлик авжида офтоб,
Ҳаёт чаманида толедан хитоб,
Булбул каби нола қилмоқ ишқ эмас,
Ишқ нола қилмаслик бўлсанг юз хароб ⁸).

В.Махмуднинг ишқ борасидаги тушунчаси ҳам салафлар билан ҳамоҳанг бўлиб, таъриф-тавсифда ўзига хос бадиий талқинлар яратади. Чунки шарқ мумтоз шеърояти асосланган ғояга кўра “Ишқ – камолот калити ва иксири аъзам, ишқ мис вужудимизни олтинга айлантирувчи кимё”⁹.

عشق است ادیب بلبل لاله چرست
ز آن است پروانه بود هاله پرست

⁸ Ҳофиз. Ғазаллар. ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти Тошкент-1958. Сўзбоши муаллифи ва тузувчи Ш.Шомухамедов. 244 - бет.

⁹Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. –Тошкент: Ёзувчи, 1996. 43-б.

⁷Сирожидинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. –Тошкент: Янги аср авлоди. 20011. 141-б



سر تا سر كائنات محو عشق است
ای دل تو چه غفلت زدهء ناله پزست

(Мазмуни: Лолапараст булбулнинг устози ишқдир, парвонанинг шамга урилиши ишқдандир. Бутун коинотни ишқ махв этмиш, эй кўнгил, сен нега ғафлатда нола чекасан). Анъанавий фалсафий мушоҳадаларни анъанавий бадиий образлар билан чамбарчас ҳолда берар экан, шу ўринда шоирнинг ўзига хос маҳорати намоён бўлганини ҳам таъкидлаш лозим. Шунингдек, бир қатор рубоийлари шоир табиатидаги риндоналик, маънавий камолотнинг юқори даражада бўлишига қаратилган саъй-харакатларини акс эттиради, бу ҳол унинг шахс сифатидаги хусусиятларини намоён этган дейиш мумкин:

پرتافته ام جسم كه از آب و گل است
برداشته ام قدح كه پر سوز دل است
دستو سروچشم بسويت گشت بلند
يك تيغ فشان كه خونم اجل است.

(Мазмуни: Жисмимдан кечдим - лоу сувдан яралган, қадаҳ кўтардим - кўнглим куйдириб ўртагай. Қўлу бошим, кўзларим сенга етмайди- бир тиг юбор, зеро қоним ажалдир).

Висолнинг насиб этмаслиги ошиқни шу кўйга соладик, унинг учун ҳеч нарса, ҳатто жисмнинг ҳам аҳамияти йўқ. Жисм унинг учун бор-йўғи тупроқ билан сувнинг ҳосиласи, холос. Ошиқ қадаҳ кўтариб кўнглини қайғудан озод этмоқчи бўлади, аммо фойдасиз. Маъшуқага интилади - кўли етмайди, маъшуқа хаёлини ўйлашга, истиҳола қилади - у шунчалар юксакда. Ҳатто кўзлари ҳам унинг жамолини кўришдан маҳрум. Шундай бўлгач киприкларингдан бир тиг - ўқ юборки, ўлишдан бошқа чорам қолмади, дейди ошиқ. Бу садокат остида юқорида таъкидлаб ўтилганидек, инсоннинг Аллоҳга бўлган банди сифатидаги севгиси ўзининг гўзал ифодасини топган.

Улуғ шоир Мирзо Бедил ўз даврида инсоннинг асл моҳияти - ўзлигини англашга даъват этган байтлари замирида ҳам инсоннинг моҳияти масаласидаги риндона мушоҳадалар акс этган:

Магар аз фикри уқбо боз гардам то ба худ оям,

Ки аз худ сахт дур афтодаам аз дурбиниҳо.

Яъни, кўп узоқларни ўйлаб ўзумдан йироққа тушдим, охираат фикридан қайтиб бир оз-да, ўзумни танийин эмди¹⁰. Бу сингари анъанавий фалсафий мушоҳадаларнинг бадиий талқини мафкуравий тазйиқларга қарамай Вадуд Маҳмуд шеърларида ҳам давом эттирилган. Чексиз борлиқ-олами кубронинг барча хусусиятларини ўзида мужассам этган инсон-олами суғро бўлиб, у моҳиятини англамас экан, дунё - коинот сирлари моҳиятини тушуниб етишга ожизлик қилади. Шоир инсон умр бўйи саробу можаролар гирдобиди яшашидан қаттиқ афсус чекади, қийналади. Ниҳоят, инсон ўзлигини англамаса, унинг учун бошқа нарсаларнинг бари беҳуда деган қарорга келади. Демак, инсоннинг яшашдан мақсади ўзлигини қидириш деган фалсафий қарашларнинг бадиий поэтик тасвирини беради:

عمر كه سراب و ماجرا ميچستم
كى دانستم كه چه چرا ميچستم
چون عاقبت الدم حقيقت و ا شد
معلوم شد كه من مرا ميچستم

(Мазмуни: Умр бўйи саробу можаро излабман, нимани, нега излаганимни билмабман. Оқибат шу аён бўлдики, мен ўзимни ўзим излабман).

Шоирнинг баъзи шеърларида Бедил фалсафасидаги ўзига хос жиҳатлардан бири-хурфикрлик, риндона кайфиятларга эргашишни кузатиш мумкин.

Гў: Каъбаву дайр бар сари ҳам шканад,

Аз чанги ду санг оташам матлуб аст, яъни: Тошдан ясалган Каъба билан бутхонани бир-бирига урмоқ, ушатмоқ, бу икки тошнинг урилишидан ҳақиқат учқуни чиқармоқ истайдир¹¹. Бунда В.Маҳмуд рубоийсининг дастлабки икки мисраси Бедил байтлари билан умумий ҳолда ягона фикрни ифодаласа ҳам Вадуд Маҳмуд бу байтни инсон кўнгли билан боғлайди:

در كعبه و دير كى هميجندب حق
آنها همه سنگ و چوب باشد مطلق

¹⁰Фитрат. Бедил. Монография. -Тошкент, 1996.21 -бет.

¹¹Фитрат. Бедил. Монография.-Тошкент. 1996.22 -бет.



هر جا دل پاکست حمانجاست خدای
زیرا که دل است عرش اعظم الحق

(Мазмуни: Каъбаю дайрда ҳақ қачон зухур этган, уларнинг бари чўпу тошдир. Қаерда кўнгли пок инсон бўлса - худо ўша ердадир, зеро кўнгил буюк ҳақнинг аршидир). Дарҳақиқат, “Зоту сифот, аршу курси, лавҳу қалам- ҳаммаси Инсондадир. Шунинг учун Худо излаб ҳар қаёқларга боришнинг ҳожати йўқ, жумладан, Маккатуллоҳга боришнинг ҳам. Чунки ҳар бир инсон Худони ўзидан изласин. Унинг қудрати ва шавкати ўзида кўрсин”¹².

В.Маҳмуднинг фалсафий - ижтимоий мавзудаги рубоийларида Умар Хайёмнинг бетакрор рубоийларига ҳамоҳанг байтлар учрайди. Шунингдек, бу масалада Инсон ва унинг моҳиятига муносабати Мавлоно Румий қарашларига жуда яқин дейиш мумкин. Хайёмнинг:

Бегона ҳам вафо қилса, жигар менга,
Қариндошим жафо қилса, дигар менга - байтлари ҳамда Жалолиддин Румийнинг толерантлик ғоялари В.Маҳмудга илҳом берган дейиш мумкин:

پرسی تو که ملتّم که جنسم جیست
و از این اقوام نسبت من با کیست
من هم جنسم با آنکه او آدمی است
آنکس که ندارد آدمی از من نیست

(Мазмуни: Мендан миллатинг нима, жинсинг ким деб сўрасанг, шу жиҳатдан олганда мен ким томонида бўлишим керак? Кимда одамийлик бўлса, ўша жинсданман, кимдаки одамийлик бўлмаса—у менинг жинсидан (одам жинсидан) эмас).

Шоир рубоийларида у яшаган давр, ижтимоий-сиёсий тузум, мафкура умуман бошқа бўлса ҳам дунёқараш, мушоҳадаларида анъанавий шеъриятдаги мазмун-маъно сингдирилган. Унинг салафлардан ҳар бирига хос дунёқараш асосида уларга издошлик қилиши кузатилади. Мисол тариқасида унинг Хайём изидан бориб, хайёмона мулоҳазалар билдиргани диққатни тортади:

ای جان من این جهان پر از درد و غم است
شادی در این خراب تاریک کم است

¹²Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. - Тошкент: Ёзувчи, 1996. 41-б.

دلتنگ مشو غصّ مخور پاک مدار
که نوش به نیش به دایم انجا بهم است

(Мазмуни: Азизим, бу дунё дарду ғамга тўладир, шодлик бу қоронғу хона (дунё)да камдир. Сиқилма, ғам чекма, парво қилма, чунки асал билан заҳар доим биргадир).

Шарқ мумтоз шеъриятининг бош вазифаси инсонлар кўнглига эстетик завқ уйғотиш билан бирга уларни тарбиялаш ҳамдир. Ҳар бир инсондан, ҳар бир ижодкордан аввало маънавиятли-маърифатли, ахлоқли бўлиш талаб этилгани боис ижодкорлар ҳам маънавий юксакликка эришишга ўзларини бурчли деб билганлар ва бу ҳол, албатта, уларнинг ижодида бадиий аксини топган. Шунингдек, В.Маҳмуд ҳам шахс сифатида ўз-ўзини маънан тарбиялашга ва шу орқали инсонларни баркамолликка тарғиб этишга интилган. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бу мезонлар шоир яшаган атеистик жамиятнинг ўз даври кишиларига қўйган талабларидан анча юқори бўлиб, имон-эътиқод сингари диний-фалсафий асосдаги, кенг маънодаги талаблар эди:

در آمدن و نامدن نبودم مختار
رفتن هم از جهان بود آخر کار
ترس من از آنکه جهد وافی نکنم
و ز کاسی کمالات نگردم سرش

(Мазмуни: Келишу келмасликда ихтиёрим йўқ эди, охир дунёдан кетишга ҳам мажбурман. Лекин камолот косасидан хушнуд бўлмай туриб бу дунёдан кетишдан қўрқаман).

Рубоийнинг дастлабки икки мисраси Умар Хайёмнинг

Аз омадани баҳору аз рафтанидай,
Авроқи китоби мо ҳамегардад тай –

байтига ҳамоҳанг бўлса, кейинги икки мисра эса улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг машҳур: “Камол эт касбким олам уйидин”, деб бошланувчи китъасини ёдга солади. Алишер Навоий камолотга етмай, маънавий - ахлоқий томондан комилликка эришмай дунёдан ўтишни ҳаммомдан покланмасдан чиқишга қиёс этган бўлса, В.Маҳмуд бундай аҳволда дунёдан ўтишдан қўркувга тушади.

Вадуд Маҳмуд ижодини ўрганар эканмиз, собиқ шўро даврида -миллий



қадриятлар ва миллий анъаналарга барҳам берилган, тарихимизга қора бўёқ чапланган йилларда анъанавий мумтоз шеърят йўналишида, мумтоз жанрларда ижод қилганига ҳамда фалсафий-диний қарашлар, ғоя ва мазмунда, образлар қўллашда салафларга муносиб издош бўлганига гувоҳ бўламиз. Шоир шеърлари собиқ шўро йилларида мумтоз шеърӣ жанрлар, айниқса рубоӣнавислик жанрининг давом эттирилганига ёрқин

мисол бўлади. Унинг салмоқли адабий-ижодий меросини кенг ўрганиш, тадқиқ этиш 1917 йил воқеаларидан кейин мумтоз шеърят тўхтаб қолмаганини, яширин шаклда давом этганини кўрсатувчи манбалардан бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, ушбу манбалар тарихимизнинг ўша йиллар ижтимоӣ-сиёсий, маънавий, диний-фалсафий жиҳатлар билан боғлиқ масалаларда холис маълумотлар бериши билан ҳам муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Вадуд Маҳмуд. Рубоӣёт. Қўлёзма. Автограф нусха.
2. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. –Тошкент: Ёзувчи, 1996.
3. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2011.
4. Ҳофиз. Ғазаллар. ЎзССР Давлат бадиӣ адабиёт нашриёти Тошкент-1958. Сўзбоши муаллифи ва тузувчи Ш.Шомухамедов.
5. Фитрат. Бедил. Монография. -Тошкент, 1996.
6. Умар Хайём. Рубоӣлар. Форс, ўзбек ва рус тилларида. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Шоислом Шомухамедов таржимаси. 1971.

Xurramova Z. Follower of classic traditions. This article deals with Vaduda Makhmud' poetic works from his activity legacy of 1950-1970, who had been conducting creative works in two languages. Like wise, he left a particular trace in the Uzbek literature criticism of 1920. Similar feature of his rubois to oriental poetshave been scientifically analyzed.

Хуррамова З. Продолжитель классической традиции. В данной статье рассматриваются поэтические произведения из творческого наследия 1950-1970 годов XX века Вадуда Махмуда, которой оставил своеобразный след в узбекской литературной критике 20-х годов прошлого века. В статье научно проанализированы созвучные мотивы творчества Вадуда Махмудас творчеством великих поэтов Востока.

**ФРАЗЕОЛОГИК ИБОРАЛАР СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ**

*Шодиев Санъат,
СамДЧТИ катта ўқитувчиси*

Калит сўзлар: *Деривация, синтактик деривация, предикатив гап қолипидаги иборалар, нопредикатив гап қолипидаги иборалар, нопредикатив фразеологик иборалар, туб структура, таянч структура.*

Фразеологик ибораларнинг деривацион хусусиятлари ҳақида сўз юритишдан олдин деривациянинг мазкур тури лексик нуқтаи назардан ёки синтактик нуқтаи назардан аҳамият касб этадимиз, деган саволга жавоб бериш лозим деб ўйлаймиз. Бу ўринда иборанинг тил бирлиги эканлиги эътиборга олинса, мазкур деривациянинг лексик аҳамият касб этишини назарда тутмоқ лозим. Бирок иборанинг ўзига хос сўз бирикмаси эканлигини биринчи планга қўядиган бўлсак, у ҳолда синтактик деривация хусусида сўз юритишга тўғри келади. Ваҳоланки, ибора мазмуний жиҳатдан яхлитлик касб этиб сўзга ўхшаса ҳам, шаклий кўриниши сўз бирикмасига ва маълум бир тури предикативлик белгисига эга бўлган гапга ўхшайди.

Юқоридагилардан ташқари, ибора турғун характерли бўлгани учун унинг компонентлари муносабатини ҳам, гарчи кўп ўринларда жонли бўлса-да, том маънода динамик деб бўлмайди. Бирок шундай бўлишига қарамай, деривациянинг мазкур турини синтактик деривация деб атамоқдамиз. Зотан, бунда синтагматик муносабат морфемалар ўртасида эмас, балки сўзлар ўртасида шаклланади.

Фразеологик иборалар синтактик деривацияси ҳам умумий планда турғун бирикмалар (соф турғун бирикмалар, парафразалар ва таркибли терминлар) деривацион тамойилларидан кескин фарқ қилмайди. Улар ўртасидаги фарқ гап қолипидаги иборалар материалида кузатилади. Қуйида аввал нопредикатив, кейин эса гап қолипидаги предикативли иборалар синтактик деривацияси талқинига тўхталамиз.

Сўз бирикмаси қолипидаги нопредикатив фразеологик иборалар

синтактик деривацияси турлича морфологик воситалар ёрдамида ҳамда бирикма компонентларининг (семантик) дистрибутив салоҳиятига асосланиши мумкин:

1. Саида ...буни муҳокамага қўйишни кўнглига тугиб қўйди (А.Қаҳҳор. Синчалак).

2. Тўғриси, дўстларини йўлдан урган ҳам Машраб бўлди (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

3. Бу жуда нозик гап, албатта (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

4. Кўчқор шу маҳалгача бирорта қизга кўнгил берган эмас (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида **кўнгилга тугмоқ** ибораси қатнашиб, унинг синтактик деривацияси – га оператори билан узвий боғланмоқда. Зотан, ана шу восита ёрдамида бирикманинг компонентлари ўртасида синтактик алоқа воқеланмоқда. Агар бирикмани дериват тарзида оладиган бўлсак, унинг операндлари **кўнгил** ва **тугиб қўймоқ** сўзларидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, сўз бирикмаси, шу жумладан, турғун бирикмалар синтактик деривацияси бирор бир туб структурага ва у орқали таянч структурага асосланмайди. Бунинг асосий боиси сўз бирикмасининг доимий равишда ҳосила структурани ташкил этишидир. Гапнинг синтактик деривацияси эса туб структура асосида шаклланган таянч структурага асосланиши муқаррардир. Бирок сўз бирикмасининг бирор туб структурага асосланмаслигини унинг таркибида келадиган бош (ҳоким ёки таянч) компонент тушунчаси билан қориштириб юбормаслик лозим. Чунки мазкур тушунча бирикманинг семантик



асоси билан боғлиқ бўлиб, у деривацион нуктаи назардан аҳамият касб этмайди¹ [Турниёзов 1998: 20].

Деривацион нуктаи назардан бирикма компонентларининг тилнинг ёки нутқнинг қандай унсурлари орқали синтактик боғланиши ва шу асосда ҳосила структуранинг вужудга келиши устувор аҳамият касб этади.

Юқоридаги берилган иккинчи мисолда **йўлдан урмоқ** ибораси иштирок этмоқда. Бу ўринда синтактик деривация оператори –дан (келишик қўшимчаси) унсуридир. Айтиш жоизки, биз кўриб ўтаётган ҳар икки ибора (**кўнглига тугмоқ, йўлдан урмоқ**) мисолида ҳам уларнинг ички деривацион хусусиятлари ҳақида сўз юритилмоқда. Мазкур ибораларнинг нутққа киритилиши масаласи эса гапнинг (ёки микромаатннинг) синтактик деривацияси тамойилларига бўйсунди. Масалан, **кўнглига тугмоқ** ибораси нутққа равишдошнинг –иб қўшимчаси, **йўлдан урмоқ** ибораси эса сифатдош ясовчи –ган аффикси воситасида нутққа киритилаётганини кўрамиз: **Саида ...кўнглига тугиб қўйди.,... дўстларини йўлдан урган ҳам Машраб бўлди.**

Келтирилган мисолларнинг сўнги иккитасида иборалар синтактик деривацияси компонентларининг дистрибутив салоҳияти воситасида воқеланмоқда: **нозик гап, кўнгил бермоқ**. Бу ўринда деривация операндлари бирор морфологик унсур орқали боғланмапти. Уларнинг синтактик муносабати мазмунига кўра ташкил этилмоқда.

Баъзи ибораларда уларнинг синтактик деривацияси яширин ҳолда келаётган (белгисиз) операторга асослангандек кўринади. Масалан, куйидаги иборанинг синтактик шаклига эътибор берайлик:

1. **Фалончининг авлоди, деб кўзимизга чўп солмоқчи бўлишди (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).**

2. **–Вой хом сут эмган банда-ей (И.Раҳим.Оқибат).**

3. **Иссиқлик ҳароратиданми, чарчоқликданми, ҳамма кўз сузиб жим ўтирарди (И.Раҳим.Оқибат).**

Айни пайтда исътемолда бўлган **кўзимизга чўп солмоқчи бўлишди, хом сут эмган** ибораларининг ҳам деривацияси ноль операторга асосланмоқда. Ибора деривациясини **кўзимизга чўп солмоқчи бўлишди, хом сут эмган, кўзни сузиб** тарзида тасаввур этолмаймиз. Чунки ибораларнинг синтактик шаклланиши меъёри бунга йўл қўймайди. Ибора деривацияси операторининг реал морфологик восита орқали ифодаланишини деривация операндлари синтактик боғланишининг ўзи талаб қилади. Бундай операторни дериват таркибидан тушириб бўлмайди:

1. **–Э, қўйсанг-чи, аравани қуруқ олиб қочмасдан, –деб пўнғиллади (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).**

2. **–Ҳа, шунақа қилишувди, хозир билсак ... у ҳам туёғини шиқиллатиб қолибди (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).**

3. **Бу гаплар Акмалнинг ярасига туз сепгандай бўлди-ю, ахийри Гулчехра билан бир гаплашишга аҳд қилди (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).**

Айни пайтда биринчи мисолда **аравани қуруқ олиб қочмоқ**, иккинчи мисолда **туёғини шиқиллатиб қолмоқ**, учинчисида эса **ярасига туз сепмоқ** фразеологик иборалари қатнашмоқда. Бу ўринда бирикмалар синтактик деривациялари –ни (биринчи ва иккинчи мисолларда), –га (учинчи мисолда) каби келишик аффикслари билан ифодаланган операторларга асосланмоқда. Мазкур операторларни деривацион жараённинг ўзи талаб қилмоқда ва шу боис уларнинг иштирокисиз берилган ибораларнинг синтактик шаклини тасаввур этиб бўлмайди. Қиёсланг: **арава қуруқ олиб қочмоқ, туёғи шиқиллатиб қолмоқ, яраси туз сепмоқ.**

Шуниси характерлики, келтирилган ибораларнинг учинчисида бирикма ичида бирикмани кўрамиз: **ярасига туз сепмоқ-туз сепмоқ-ярага сепмоқ**. Кўринадики, **туз сепмоқ, ярага сепмоқ** бирикмалари компонентлари идиоматик маъноли эмас ва шунинг учун улар эркин сўз бирикмаларини ташкил этади. Бироқ



контаминация ҳодисасига асосланган² [Мурзин, 1984:16] ва механик тарзда трансформация қилинаётган мазкур эркин бирикмалар пировард натижада фразеологик ибора шаклидаги турғун сўз бирикмасини ҳосил қилмоқда. Қизиғи шундаки, яра сўзи ярага (ярасига) сепмоқ бирикмасида мажозий маъно ифодаламагани ҳолда ярасига туз сепмоқ бирикмасида мажозий маъно ифодалаш учун хизмат қилмоқда.

Берилган бирикмада компонентлар синтактик муносабати тўлиқ кўзга ташланади: **яра+си+га туз+ни сепмоқ**. Бироқ компонентлар синтактик муносабатини ташкил этаётган морфологик унсурлар ичида айтилган пайтда – га аффикси устувор аҳамият касб этмоқда. Бунинг асосий боиси унинг бирикма синтактик деривацияси оператори вазифасида келаётгани билан узвий боғлиқдир.

Юқоридагилардан ташқари, берилган фразеологик ибора синтактик деривацияси икки босқичда воқеланаётгани ҳам ўзига хосликка эгадир. Бошқача айтганда, ибора синтактик деривациясининг биринчи босқичини операторига асосланиб шаклланган **туз(ни) сепмоқ** эркин бирикмаси синтактик деривациясини тақозо этади. Деривациянинг иккинчи босқичи эса, **туз(ни) сепмоқ** эркин бирикмаси асосида шаклланган ярасига туз сепмоқ тарзидаги турғун бирикманинг воқеланиши билан яқунланади. Бу жараёнда, албатта, деривациянинг шартига кўра таянч структура таркибидаги оператор бекор қилинади (бизнинг мисолимизда-ни (тузни) ва янги дериват операторга асосланади (-га оператори: **ярасига): туз (ни) сепмоқ** таянч структура вазифасидаги ҳосила – **ярасига туз сепмоқ**-деривация натижаси – сўнги ҳосила).

Юқорида берилган биринчи ва иккинчи мисоллардаги фразеологик иборалар (аравани қуруқ олиб қочмоқ, туёғини шиқиллатмоқ) деривацияси бир босқичли бўлгани учун уларда мураккаб деривацион операциялар кузатилмайди.

Шуниси ҳам борки, баъзи фразеологик ибораларда қўлланадиган сўзлар мустақил маъно англатмайди. Бундай ҳодисани кўпроқ фразеологик чатишма, баъзан фразеологик бирлашма деб аталиб келинаётган ибораларда кўпроқ кузатамиз: **Тоқати тоқ бўлмоқ, томдан тараша тушмоқ** ва ҳ.к.

Бу сингари фразеологик иборалар ҳақида сўз юритганида Н.М.Шанский улар таркибида қўлланилган лексик бириклар сўзга хос бўлган барча белги ва сифатларини йўқотади, деган хулосага келади³ [Яхшибоев Х.-Самарқанд, 2004].

Бу ҳақда ишимизнинг олдинги саҳифаларида фикр билдирилган эди. Мазкур мулоҳаза билан қўшилиш қийин. Чунки маъно салмоғи мутлақо тарк этилишидан қатъий назар, сўз сўзлигича қолади. Буни аналогик иборалар компонентларининг синтактик муносабатида ҳам кузатиш мумкин. Зотан, маъносиз сўзлар деривацион муносабатга кириша олмайди. Фикр исботи учун қуйидаги мисолга мурожаат этайлик: **Акмалнинг ўрнида бўлса, Кўчқор дўппини осмонга отарди (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).**

Бу ўринда қўлланилган **дўппини осмонга отмоқ** ибораси маъносига кўра **шодланмоқ, севинмоқ** сўзларининг муқобили бўла олиши шубҳасиздир. Бироқ шу билан ибора компонентлари ўз маъноларида қўлланилмаётган бўлса-да, фразеологик бирикма таркибий қисмлари сўз мақомини тарк этаяпти, дейиш ноўриндир. Улар, бизнингча сўзлигича қолади ва бири иккинчиси билан синтактик алоқага киришаверади. Бошқача айтганда, иборанинг биринчи галда унинг семантик жиҳатдан яхлит ҳолдаги маъно англатиши билан боғлиқдир. Синтактик муносабат эса иборанинг ҳар қандай турида ҳам кузатилади. Айтилган пайтда ҳам буни берилган иборанинг синтактик деривациясида кўришимиз мумкин.

Мазкур ибора синтактик деривацияси ҳам икки босқичли бўлиб, унинг ҳар бир босқичи алоҳида операторга таянмоқда: деривациянинг биринчи босқичида мустақил маъно англатувчи **дўпписини**



отмоқ, осмонга отмоқ каби икки эркин бирикманинг қоришуви кузатилади. Ўзаро қоришаётган сўз бирикмаларининг ҳар бири ҳосила структураларни тақозо этади. Иккинчи босқичда эса эркин сўз бирикмалари деривацияси операторлари (**-ни: дўписини, -га: осмонга**) дастлаб инкор этилади ва шундан сўнг **-га** оператори қайта тикланиб унга ибора синтактик деривациясини шакллантириш вазифаси юклатилади. Мазкур жараёнда деривация маҳсули сифатида ибора колипидаги турғун бирикма воқеланади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, мазкур турғун сўз бирикмаси компонентларини кўчма маънода эмас, балки ўз лексик маъноларида қўлланилган деб фарз қилганимизда ҳам уларнинг синтактик муносабатида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди. Бу эса ўз навбатида, турғун бирикманинг ибора мақомида келиши унинг маъно яхлитлиги ва бир пайтнинг ўзида мажозийлиги билан боғлиқ эканлигидан далолат беради.

Аксарият ҳолларда фразеологик ибора компонентлари орасига бошқа бир сўзни киритиш ҳам мумкин. Бундай вазиятда иборанинг синтактик шакли кенгайди. Бироқ бу орқали унинг семантик яхлитлиги қай тарзда ибора мақомига эга бўлаётган бўлса, ўша салмоқ сақланади. Масалан:

1. Исоқ отаси ўлганда, кўнгли ана шундай хувуллаб қолган эди (Й.Шамшаров.Чироқ).

2. У хаёлини зўрға жиловлаб олди (Й.Шамшаров.Чироқ).

3. Лекин ажабо: ҳар ўтганда янги бир нарса топгандай бўлиб, кўнгли аллақандай ёришиб кетади (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

Берилган мисолларда **хаёлини олиб қочмоқ, кўнгли хувуллаб қолмоқ, хаёлини жиловлаб олмоқ ва кўнгли ёришмоқ** иборалари қўлланилиб, улар компонентлари орасига ана шундай (биринчи мисолда), **зўрға** (иккинчи мисолда), **аллақандай** (учинчи мисолда) сўзлари киритилганини кўрамиз. Мазкур сўзлар келтирилган ибораларнинг синтактик деривацияси учун бирор аҳамият касб этмайди, зотан, деривация қатъий белгиланган ибора компонентлари материалида воқеланади. Бироқ шундай бўлса-да, кўшимча тарзда киритилаётган сўзлар дериват операндлари ҳажмини маълум даражада кенгайтиради. Семантик нуқтаи назардан эса улар иборалар фразеологик маъноларига кўшимча маъно тиркайди. Масалан, биринчи мисолда **ана шундай** бирикмаси фразеологик маънони таъкидлаш учун, иккинчи мисолда **зўрға** сўзи ибора маъносининг шаклланиши тарзини кўрсатиш учун, учинчи мисолда **ажабо** сўзи эса маънога ноаниқлик, гумон белгисини киритиш учун хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, ибора бир пайтнинг ўзида семантик деривациянинг ҳам, синтактик деривациянинг ҳам маҳсули саналади. Унинг семантик деривация маҳсули эканлиги аксарият ҳолларда компонентлари луғавий маънолари билан эмас, балки кўчма маъно билан изоҳланади. Синтактик деривация тамойиллари эса ибора шаклланишида ҳам эркин сўз бирикмаларида қандай бўлса, шундайлигича амал қилади. Бироқ гап колипидаги иборалар деривацияси бундан истиснодир. Чунки бу ўринда туб ва таянч структура тушунчалари ҳам аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Турниёзов Н. Назарий грамматикадан очерклар.-Самарқанд. 1998.
2. Мурзин Л.Н. Основы дериватологии. -П.,1984.
3. Таянч структура ҳақида, қаранг: Яхшибоев Х. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси // Номз.дис.автореф.-Самарқанд, 2004.



Шодиев С. Синтаксическая деривация фразеологических единиц. В статье рассматриваются деривационные особенности фразеологических единиц. Автор демонстрирует анализ использования фразеологических единиц в узбекских литературных текстах. Более того, автор освещает и разъясняет основные принципы взаимосвязи лексических единиц в фразеологических единицах.

Natijada shoir dilida bu toifaga nisbatan nafrat va g`azab hissi uyg`ongan edi, shunga binoan uning mol-davlat ahliga qaratilgan tanqidiy, hajviy qit`alarida ularning tubanligini fosh etish asosiy mavzuga aylangani bejiz emas. Darhaqiqat, shoirning saqlanib qolgan 32 qit`asidan 12-tasi shu mavzuga oiddir. Zamon ulug`lariga («mehtaron») qarshi qaratilgan bu qit`alarda mazkur toifaning turli axloqiy illatlari ochib tashlangan. Bunday hollarda shoir tilida pand-nasihat o`rnini muxotabga nisbatan fosh etuvchi hajv tanqid, kinoyalar egallagan. Jumladan quyidagi qit`ada bechora va muhtojlarga nisbatan qit`ada «ulug`lar» ning himmatsizligi muruvvatsizligi tanqid ostiga olinadi. Shoir bu toifadan biron hojat ravo bo`lmasligini bilgani va uqtirgan holda o`zidek muhtoj kishilarni ularning dargohiga borib, hojatini bildirishdan o`zini tiyishga undaydi:

Zinhor barmador niyozat ba mehtare,

K-az himmatu zi kibr chu sheru palang nest,

Har mehtare, ki boshad chun gurba choplus

Sagro dar ustuxonash chunon don rang nest

[1, 44]

Shatranjiy ko`proq «ulug`lar»-ning xasisligi va muruvvatsizligini tanqid qilgan. Bu hol albatta tasodufiy emas, uning hayotiy sabablari bor: Nadimpesha shoir bu toifaga xizmat qilib, biroq ulardan yaxshilik va muruvvat ko`rmasdan qashshoqlikda yashagan. Zamon «ulug`lari» shoirni e`zozlash va nadimpeshalik hunarini qadrlash o`rniga unga nisbatan yomon muomalada

bo`lganlar, uni xo`rlagan, haqoratlar qilgan, hatto urgan ekanlar. Shoir bir qit`asida nadimlikdagi ayancli holini shunday tasvirlaydi:

Chi boyadbahri odobi nadimi,
Magar bar jonudilmehnatnihodan?
Zabon kardan ba nazmunasr jori
Zixotirnuktahoibikrzodan,
Ki bozomadhama kori nadimi
Basili xo`rdanudashnom dodan.

[1, 45]

Shoirning zamon «ulug`lari» haqidagi bunday ma`yusona satrlarini o`qiganda, uning she`rlarida bu guruhning jiddiy tanqidi ayovsiz o`tkir hajvga aylanganini ko`ramiz. Umuman Shatranjiy qit`alarida uning zamon «ulug`lari»-ga nisbatan ham nafrat g`azabi ham bu toifaga xizmat qilib kelganidan pushaymonligi ham o`z hayoti taqdiridan chuqur tashvish-iztiroblari ifodalangan. Quyidagi qit`ada esa, shoirning o`z davri «ulug`lari»-ga bo`lgan munosabat va qarashlari umumlashtirilgan.

Ba sar ba xoki karimoni rafta raftanbeh,
Ki so`i dargahi in mehtaroni asr ba poy,
Az on kihej az in mehtaroni rais dargah
Ravo nagardad dar hej hol hojatu roy.
Agar tu jam`kuni xoki on karimonro,
Ravo kunad ba hama hol hojati tu xudoy.

Agar bimonand in mehtaron bar in sirat,
Chi guna umr guzarem, voy bar mo, voy?

[1, 46]

Shoirning o`z davri muruvvatsiz «ulug`lari»-dan umidsizligi ularni o`tmish muruvvatli, karim «ulug`lari»-ga qarama-qarshi qo`yish va o`tgan zamonlar«karim»-larini ideallashtirishni yuzaga keltirgan.

Yuqorida Shatranjiy qit`alari mavzularini uch qism-ilmu donnish targ`ibi, mol-davlat ahlining tanqid-hajviga bo`lib ko`zdan kechirganimiz nisbiy ma`nodadir. Negaki uning har bir qit`asi o`ziga xos mazmunga ega bo`lib, boshqa qit`alarida takrorlanmaydi. Shoirning har bir qit`asi o`z mavzu va mazmuniga ko`ra notakror asar hisoblanadi. Binobarin shoir qit`alarining bir qismi mavzulari jihatidan yuqorida tahlil qilingan qit`alar bilan biron umumiyati aloqasi yo`q inson ma`naviy kamoloti va dunyoqarashining kengayishiga safarning



manfaatiga bag'ishlangan qo'yidagi qit'a bunga bir misoldir:

In bas sharafisafar, ki dar olam
Ta'rix zi hijrati poyambar shud.
Bar mansafar az hazar behast, archand
In shud chu naimu on chu ozar shud.
Bas kehtar tab'u ablah andesha,
K-o' kard safaru hakimu mehtar shud;
[1, 46]

Bu hakimona she'r o'z mavzuyiga binoan Shatranjiy qit'alari orasida notakror va yagonadir, shunga ko'ra uni shoirning boshqa biron qit'asi bilan aloqamandlikda tahlil qilib bo'lmaydi. Pand-nasihat mavzusiga doir quyidagi qit'a ham o'z mazmuniga ko'ra notakroridir va o'z mansabiga mag'rur bo'lgan amaldor kimsalar tanqidida aytilgan.

Xumori azlbiboyadkashid on kasro,
Ki budaboshad az bodaiamalsarmast.
Haroina ki chu boda girift bar sar dard,
Biboyadash saru bar ko'ftan ba hardu
dast.
[1, 47]

Quyidagi qit'a zamon ahli tanqidida aytilgan bo'lib, shoir zamondoshlarining insoniylik saviyasi tubanligi, axloqiy tanazzulini fosh etgan:

Duzanba joi yake mardbistodhame
Ba hukmiaqlu shariat ziahliharzamone
Ba hukmi aql kunun zi ahli in zamonai
mo

Du mard boyad, to istad ba joi zane.

[1, 47]

Shatranjiy aksar qit'alari mavzu va mundarijasining notakror, o'ziga xosligini bu she'riy janrning hartomonlama erkinligi, jumladan mavzu va mazmun erkinligi yuzaga

keltirgan. Qit'aning janriy erkinligi uning mavzular xilma xilligi va mazmun boyligini ta'minlagan.

Shatranjiyning bizgacha etib kelgan ma'lum miqdordagi qit'alari mavzu va mazmunining tahlilidan quyidagi xulosalarga kelish mumkin:

1. Shatranjiy qit'alari o'z mundarijasida voqeiy hayot va shahar doiralari muhitini aks etgan. Binobarin bu she'rlar realistik xususiyatga egadir.

2. Shatranjiy qit'alarida shoirning hayoti va shahar a'yon-atroflari bazm suhbatlarining nadimi sifatida ijtimoiy faoliyati kengroq o'z aksini topgan.

3. Shatranjiy qit'alari shoir hayoti va faoliyatining shahar muhitida o'tganligi, ijodiy va ijtimoiy faoliyatining shahar doiralari bilan bog'liq ekanligini ko'rsatadi. Shunga ko'ra, Shatranjiy XII asrda vujudga kelgan va rivojlana boshlagan shahar adabiyotining yetuk namoyandasi hisoblanadi.

4. Shatranjiy qit'alari g'oyaviy mazmunida ma'lum darajada shahar doiralari shoirning erkin fikrligi o'z ifodasini topgan. Shoirning aksar qit'alarida uning shahar a'yon-ashroflariga qarshi e'tiroz va noroziligi ifodalanganligini ko'ramiz.

5. Shatranjiy qit'alari mundarijasida janr erkinligi bilan bog'liq bo'lgan mavzular xilma-xilligi va mazmun boyligini ko'ramiz.

6. Shatranjiy qit'alari bisyor mavzuligi va mazmun-mundarijasining boyligi tufayli katta shavq-zavq uyg'otadi.

Adabiyotlar:

1. Muhammad Avfiy Buxoroiy. «Lubob-ul-albob». Muhammad Qazviniy nashri, 1 jild.- Leyden, 1909. 44-47 betlar.
2. Sa'diev Sadri. Markazi adabii Samarqand dar shohrohi tarix.-Toshkent; O'zbekiston milliy ensiklopediyasi-nashriyoti, 2012, 88-93 betlar.

Ахмедова Д. Разнообразие тем и богатство содержания в китъях (сонетах) шатранжи Самарканди. В статье освещается жанровое своеобразие, а также разнообразность тем и идейного содержания в китъях (сонетах) известного поэта Мовороуннахра XII века Духкана Али Шатранжи Самарканди.

Axmedova D. The diversity and multiplicity of the content of the "qit'a" (sonnets) of shatrang Samarkandi. The article highlights variety of the genre, as well as diversity and the ideological content of one of the "kit'a" (sonnets) of one of the greatest poet of the XII century in Movarounnahr Dehkon Ali Shatrang Samarkand.



ПРАГМАТИЧЕСКИЙ ЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ ПОВОРОТ В СОВРЕМЕННОЙ ФИЛОСОФИИ

*Муминов Нозим,
Старший преподаватель СамГИИЯ*

Ключевые слова: прагматизм, логический позитивизм, языковая игра, лимит языка.

Родоначальниками лингвистического поворота, в аналитической философии, были: Готлоб Фреге (1848-1925), Бертран Рассел (1872-1970), Людвиг Витгенштейн (1889-1951), члены венского кружка Мориц Шлик (1882-1936), Рудольф Карнап (1891-1970) и др.

Лингвистический поворот охватил несколько направлений современной науки. Такие, как лингвистика, семиотика, структурализм, историческая семантика и исследование культуры (Culturalstudies).

В лингвистике родоначальником лингвистического поворота наиболее известными были Фердинанд де Соссюр (1857-1913) – «Курс

Общей лингвистики» (1916) и ныне здравствующий Ноам Хомский (р. 1928) – основатель теории о порождающей грамматики, а также теории о глубинных синтаксических структурах.

В семиотике родоначальником лингвистического поворота можно отметить следующих ученых: Готлоб Фреге (1848-1925), Чарльз Сандерс Пирс (1939-1914), Чарльз Уильям Моррис (1901-1979), Фердинанд де Соссюр (1857-1913).

В структурализме (теория системы) родоначальниками лингвистического поворота были: Владимир Яковлевич Пропп (1895-1970) – «Морфология сказки» (1926); русские формалисты: Виктор Борисович Шкловский (1893-1984), Борис Михайлович Эйхенбаум (1886-1959), Юрий Николаевич Тынянов (1894-1943); члены Пражского лингвистического кружка: Вилем Матезиус (1882-1945), Николай Сергеевич Трубецкой (1890-1938), Роман Осипович Якобсон (1896-1982).

В исторической семантике родоначальниками лингвистического поворота стали: Иоахим Риттер (1903-1974) –

«Исторический словарь философии»; Райнхарт Козеллек (1923-2006) – «Словарь основных исторических понятий» и Мишель Фуко (1926-1984) – автор революционного теоритического подхода обанализе дискурса.

В исследование культуры родоначальниками лингвистического поворота признаны: Эрнст Кассирер (1874-1945) – «Философия символических форм» (1929) и Ролан Барт (1915-1970) – «Мифологии» (1975); члены Московско-тартуской семиотической школы - Юрий Михайлович Лотман (1922-1993) и др. И наконец, Стюарт Холл, провозгласивший тезис о том, что культура организована как язык.

Итак, определение лингвистического поворота можно сформулировать следующим образом: Постановка и решение исследовательских проблем, находящиеся в плоскости изучения языка.

Вслед за Готлоб Фрегером, Джон Эдвард Муром и Бертран Расселом основателем логической математической кембриджской школы философии, пытающейся разрешить проблемы описания пределов предметов окружающего нас мира, особое место занимает имя Людвиг Витгенштейна.

Бесценный вклад Людвиг Витгенштейна в появление философской традиции, получившей название Лингвистический поворот, не оспорим. Приверженцы этой школы считали, что все философские исследования должны быть направлены на изучение языка, т.к. все философские проблемы – это проблемы языка: «постановка этих (философских) проблем основывается на неправильном понимании логики нашего языка» [Ludwig Wittgensten, 1922, p 23].



В 1921 году Витгенштейн опубликовал первый труд под названием «Логико-философский Трактат» (*Tractatus Logico-Philosophicus*). Этот труд знаменует первый период философии Витгенштейна. Трактат имеет структуру основных на 7 базовых афоризмах. Далее следует серия меньших афоризмов. Все они очень емкие и лаконичные. Трактат начинается с онтологических, этических и методологических проблем. В трактате обсуждается, даже, проблемы лимита языка: «Высказываясь, мы не можем пересечь определенных границ» [Ludwig Wittgensten, 1922, p 144].

Этика трактата представлена в афоризмах, где основная цель - лимит мысли в языке. Трактат демонстрирует нам этот лимит, влечет за собой все те понятия, которые мы можем выразить с помощью языка. Логика в основе нашего языка позволяет нам выразить ряд суждений, комбинируя различные символы. Становится очевидным, что именно это очерчивает пределы наших мыслей и воображения.

Трактат однозначно несет этический характер. Однако этика, по выражению самого Витгенштейна, не выразима. Есть вещи, которые нельзя описать, но можно показать. По Витгенштейну никакими усилиями воли лимит языка непреодолим. Логика, лежащая в основе нашего языка, позволяет нам выразить ряд суждений, комбинируя наши мысли. Сам лимит может быть изучен с помощью практики и логики, тем самым Витгенштейн подчеркивает, что трактат имеет этический характер. Признание лимита очерчивает мир окружающий нас, т.е. одно дело, что нам говорят, и совсем другое дело, когда нам показывают. В трактате есть заключительная метафора: «Высказывания подобны лестницам. Они помогают взобраться наверх, потом их можно отбросить» [Ludwig Wittgensten, 1922, p 162]. Таким образом, существует нечто кроме фактов.

С точки зрения Витгенштейна лимит языка – это абсолютный лимит, а задача этики - показать этот лимит. Этика

может предупредить опасности сопряженные с лимитом, поэтому трактат наполнен парадоксами. В своих оксфордских лекциях Витгенштейн сравнивал язык с клеткой, о которую мы постоянно бьемся, ища освобождение. Удары, которые мы получаем вовремя этих столкновений, говорят нам о важности лимита.

Опубликование трактата в 1922 привело к событию, изменившему Европейскую философию 20 века навсегда. На основе его идей возник знаменитый Венский кружок философии, в рядах которого были Рудольф Корнет, Отто Нейрат и Курт Гёдел. Именно в рядах венского кружка возникла знаменитая теория логического позитивизма, одного из самых влиятельных направлений современной философии.

Основной тезис логического позитивизма гласит, что философские истины нельзя высказать. Философия является исключительно продуктом языка, проблемным или, даже, побочным продуктом языка. В частности она является, результатом не корректного использования языка. Соответственно пользуясь языком, философия не может выразить то, что намеревается: «Границы моего языка означают границы моего мира. Логика наполняет мир; границы мира являются также ее границами. Поэтому мы не можем говорить - в логике: это и это существует в мире, а то - нет. Тот факт, что мир есть мой мир, проявляется в том, что границы языка (единственного языка, который понимаю я) означают границы моего мира» [Ludwig Wittgensten, 1922, p 74].

Здесь знаменательно высказывание Витгенштейна, в духе логического позитивизма. Он говорит, что «о чем нельзя говорить, о том следует молчать» [Ludwig Wittgensten, 1922, p 90]

Естественное назначение языка (в том числе языка логики) состоит в том, чтобы описывать определенные содержание, а именно предложения логики, которые всегда соответствуют определенным фактам. Но иногда язык



пытается описать сам себя, свое собственное устройство. Этим как раз занимается философия. Она пытается понять, как устроен тот аппарат, благодаря которому описывается все остальное. Однако это можно сделать только формально, на уровне постановки вопросов. Содержательного знания получить при этом нельзя. Вот суждение самого Витгенштейна, «Решение проблемы жизни состоит в исчезновении этой проблемы. (Не это ли причина того, что люди, которым после долгих сомнений стал ясным смысл жизни, все же не могут сказать, в чем тот смысл состоит.)». Таким образом, основная критика философствования в трактате выглядит как формулировка «правильных» методов философии: «Правильным методом философии был бы следующий: не говорить ничего, кроме того, что может быть сказано, - следовательно, кроме предложений естествознания, т. е. того, что не имеет ничего общего с философией, и затем всегда, когда кто-нибудь захочет сказать нечто метафизическое, показать ему, что он не дал никакого значения некоторым знакам в своих предложениях. Этот метод был бы неудовлетворителен для нашего собеседника - он не чувствовал бы, что мы учим его философии, но все же это был бы единственный строго правильный метод» [Ludwig Wittgenstein, 1922, p 89-90].

В другой своей работе, под названием «Философские исследования» (*Philosophical Investigations*), Витгенштейн приходит к еще более глубокому пониманию языка. В этой работе он называет язык выражением традиций. Поэтому задачей философии является описать те самые традиции, которые происходят в «языковых играх» [Ludwig Wittgenstein, 1958, 66]. В задачи философов входят кратко описать те, самые традиции которые происходят в языковых играх.

Согласно наблюдениям Витгенштейна «результатом философии становится открытие одного или другого очевидного нонсенса и удары, которые

приходится переживать нашему рассудку пытающемуся выйти за рамки ограниченного языка». [Ludwig Wittgenstein, 1958, 142)

Открытые выступления Витгенштейна против индивидуального языка является одним из самых важным его утверждений. Эта идея доказывает, что «язык есть общественная деятельность». Он доказал что индивидуальный язык невозможен, потому что единственное условие признания существования других людей – это признание собственного существования. Это проблема солипсизма [Ludwig Wittgenstein, 1958, 130].

Другая идея Витгенштейн - это идея «жизненного пути», которая гласит, что кто угодно может создать свою «лингвистическую игру» [Ludwig Wittgenstein, 1958, 134], т.е. этот процесс хаотичен. Однако, это не представляется возможным из-за элементарной необходимости общаться и критиковать друг друга.

Витгенштейн утверждает, что лингвистические игры составляют тот базис внутри, которого мы все находимся. Это значит, что стремление философов наблюдать этот мир с позиции извне, по сути, есть позиционирование вне лингвистической игры.

Возврат к идеям Витгенштейна в наше время очень важно. Возврат к эпистемологии. Витгенштейн оставил нам набор инструментов в сфере эпистемологии, а также в сфере социальной теории.

Таким образом, вслед за Витгенштейном, философия получила новое направление в предметном поле исследования. Это то, что сегодня получило название прагматический лингвистический поворот. Позднее, вся философия 20 века заимствовала у Витгенштейна самую динамичную из его идей, а именно идею о том, что «философия не доктрина, а деятельность по прояснению мыслей» [Ludwig Wittgenstein, 1958, 38]. Влияние этой идеи чувствуется в работах Джона Лэгшо Остина о философии обыденного языка,



Джона Серрали в теории речевой деятельности, в исследовании концепции мысли Гилберта Райла, у Морриса Вейца с его теорией развития искусства и эстетики, в работах Юргена Хабермаса, посвященных дискуссиям и их последствиям в области социальной и

политической мысли. Через это опосредованное влияние и через многие другие примеры его проявления фигура Витгенштейна занимает почетное место у истоков того, что получило название прагматический лингвистический поворот в современной философии

Литература:

1. Ludwig Wittgenstein Ludwig. Tractatus Logico-Philosophicus. London, New York: Harcourt, Brace & Company, INC, Printed in Great Britain by the Edinburgh Press, 9 and 11 Young street, Edin Burgh, 1922, 162 p.
2. Ludwig Wittgenstein. Philosophical Investigations. /Translated by G.E.M. Anscombe/ Basil Blackwell Ltd, Oxford, OX41JF, UK, 1958. 250 p.

Муминов Н. Замонавий фалсафада прагматик лингвистикадаги бурилиш. Ушбу мақола XX асрнинг биринчи ярмида замонавий фалсафада прагматик лингвистика йўналишида бурилиш ясаган Людвиг Витгенштейн асосчисига бағишланган.

Muminov N. The pragmatic linguistic turnover in modern philosophy. This article is devoted to the founder of the pragmatic linguistic turn in modern philosophy Ludwig Wittgenstein, who made an outstanding contribution to the history of the origin of linguistic (analytical) philosophy in the first half of the 20th century.



ОАВ ТИЛИ ОММА ОНГИГА ТАЪСИР ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

*Ўлмасов Шербек,
ЎзДЖТУ PhD докторанти*

Калит сўзлар: ОАВ тили, ахборот, тилишунослик, коммуникация, жамият, таъсир, омма.

Ҳозирги кунда жамиятни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур эътиб бўлмайди. Бу эса ОАВ омма онгига таъсир этишнинг фаол воситасига айланишга улгурганини кўрсатиб турибди. ОАВ тўртинчи ҳокимиятга тенглаштирилади. Жамиятни ислоҳ қилиш, тараққиёт сари етаклаш, ривожланган мамлакатлар каторига олиб чиқишда унинг роли бекиёс эканлиги ҳозирги кунда очиқ кўриниб турибди. Омма содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни аниқ маълумотлар орқали қабул қилишни истайди ва ана шунда ОАВ тилининг омма онгига таъсир қилиш кучи ортади. Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маросимда қилган маърузасида: “Қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида битта-иккита мақола ёки кўрсатув билан чекланиш мумкин эмас. Қабул қилинган қонунларни атрофлича муҳокама қилиш, юртдошларимизнинг уларга муносабатини ифода этадиган таҳлилий материаллар, кўрсатув ва эшиттиришлар, афсуски, жуда кам. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиклик ва ошкораликни таъминлаш учун биз фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг йўлга қўямиз. Янги қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг асосий маъносини аҳолига етказиш бўйича самарали механизм яратиш керак”¹⁶ - деб

таъкидлаб ўтади.

Ахборот тарқатиш муайян даражада жамият онгига таъсир этиб, оламнинг умумий тасвирини тузиш орқали дунё ҳақида манзара ҳосил қилади. Бу вазифани амалга оширишда ОАВнинг қуйидаги хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади: оммавий аудиторияга қаратилганлиги; ҳамма учун мўлжалланганлиги, тезкорлиги¹⁷.

Инсон онги, фикрлаш доираси ва унинг хулқига таъсир этишда оммавий алоқа воситалари муҳим ўринларда туради. Дунё ҳақида ахборот бериб, инсонларга зарур бўлган ахборий эҳтиёжни қондириш орқали ОАВ уларнинг фикрлаши, дунёни тасаввур этиш усуллари ва маданиятини шаклланишига жуда катта таъсир ўтказади. Маданият шаклланиши билан бир қаторда жамият ҳам тараққий этиб боради. Жамиятнинг ривожланган кўриниши бу каби муҳим жараёнларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак. ОАВ тили замонавий жамиятнинг барча жабҳалари, айниқса, ижтимоий-иктисодий ва маданият соҳаларига ўз таъсирини ўтказмоқда. ОАВ тили инсонларга дунёнинг ҳозирги ҳолати ҳақида хабар бериш билан уларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиради, дунёқарашини кенгайтиради ва маданий жиҳатдан шакллантиради. ОАВ тили дунёқарашни ўзгартириш ва онгни манипуляция қилиш каби турли хил таъсир этиш кўринишларга эга. Замонавий жамиятда оммавий онг манипуляция қилишнинг объектига айланди ва унда аниқ бир техник восита

бағишланган маросимдаги маърузаси. – Тошкент. 2016.

¹⁷ Володина М.Н. Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Ч 2. –М., 2004.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига



мавжуд бўлиб, бир вақтнинг ўзида кенг оммага таъсир этишга ёрдам беради. Шубҳасиз, бу ерда гап замонавий ОАВ тили ҳақида кетмоқда. Ахборотни идрок этиш ва уни тушуниш услублари, шунингдек, инсон онгига таъсири оммавий алоқа воситаларига боғлиқ саналади. Оммавий ахборот шиддат билан ривожланиб бораётган замонавий ахборот жамиятининг глобал тарзда ривожланиши нафақат инсон ҳаёт тарзининг ўзгаришига, балки, энг аввало замонавий инсон онгининг тузилиши ва унинг фикрлашининг ўзгаришига олиб келаётганлигини таъкидлаб ўтамиз. ОАВ тили шу даражада катта таъсир кучига эгаки, керак бўлса, жамиятнинг ҳар қандай соҳасига таъсир кўрсата олиши бугунги кунда ўз ифодасини топмоқда. Ҳозирги кунда ОАВ умумий маълумотларни етказишда воситачилик вазифасини бажариб келмоқда.

Тадқиқотчилар “жамоатчиликнинг, аудиториянинг ОАВдан кутадиغان асосий ахборот етказиб бериш функциясига муносабати ўзгаргани, олдин етказиладиган ахборот муҳим ҳисобланган бўлса, энди асосий эътибор унинг қай тарзда тақдим этилишига қаратилаётгани”¹⁸ ҳақида қайта-қайта такрорлашмоқда. Омма у ёки бу фикрнинг тўғрилигига ишонтириш, муайян шахс ёки воқелик юзасидан унда салбий ёки ижобий муносабат билдиришда давлатлар, ташкилотлар ҳамда уюшмалар ОАВ кучидан самарали фойдаланаётганини алоҳида таъкидлаш керак.

Мутахассисларнинг фикрича, “XXI асрда маънавий, мафкуравий ва ахборот омилларининг таъсир кучи моддий ва молиявий ресурсларга нисбатан кўпроқ кўзга ташланмоқда. Бу ўринда гап тор манфаатларга бўйсундирилган ва йўналтирилган мақсадли таъсир ҳақида бормоқда. Тажриба шуни кўрсатадики, мақсадли таъсир миллат, мамлакат, сиёсий

тизим салоҳияти ва бошқа психологик омилларга қараб, турли даражада намоён бўлади ёки турли оқибатларни келтириб чиқаради”¹⁹.

Дастлаб ОАВ тилининг таъсир этиш механизмлари ва турлари ҳақида гапирилаётганда таъсир этилаётган объектни аниқлаб олиш ва уларни ўрганиб чиққан ҳолда ҳаракатлар режаси тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Гап маълум бир аудитория ёки алоҳида ахборот қабул қилувчи ҳақида кетмоқда. Аудиторияга таъсир кўрсатишдан олдин, биз уларнинг ҳаёт фаолияти давомида ўзларини қизиқтирган омилларни аниқлаб, уларни ажратиб оламиз. Ахборот қабул қилувчиларга психологик таъсир ўтказиш, уларни маънан ёки ақлан заиф, ўз иродасини бошқара олмайди деган муносабат билдириш фикрдан йироқмиз. Балки улар кўрсатилаётган сабабларга баҳо беради, онгли равишда маълумотни қабул қилиш ва таҳлил қилишда улардан фойдалана олишади. ОАВ тилининг таъсир кўрсатиши вазиятдан хабардор бўлиш, йўл-йўриқ кўрсатиш, қабул қилувчига танлаш учун кўрсатма бериш, ишонч ҳосил қилиш ва ижтимоий шаклланишга ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, бу қабул қилувчининг ўзини шахсий муносабатидан келиб чиққан ҳолда онгининг ўзгаришига олиб келади.

А.Н.Леонтьев психолингвистика нуқтаи назаридан омма онгига таъсир этишнинг қуйидаги муҳим бўлган икки тушунчалар тизимини келтириб ўтади.²⁰

- Қабул қилувчи ёки маълум бир аудиториянинг *тушунча майдони* – бу тизим инсоннинг ижтимоий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўзлаштирилган бўлиб, бу орқали дунёни идрок қилади, ўзига қабул қилади ва субъектив тарзда уни англай бошлайди.

Биз бунга қуйидагича изоҳ берамиз. Инсон ўз фаолияти давомида билим ва кўникмаларга эга бўлиб боради, зарурий

¹⁸ Ибрагимов Н. Имидж таъсирни кучайтиради. “Ўзбекистон матбуоти”, 3-сон, 2008 йил.

¹⁹ Мирносиров М. Глобал таъсир воситаси. “Tafakkur”, 2-сон, 2004 йил

²⁰ Володина М.Н. Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Ч 2. –М., 2004.



маълумотларни турли манбалар орқали қўлга киритади. ОАВ эса бу турдаги манбалар қаторида энг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, маълумотни қабул қилувчи ўзгаришларга ўзи идрок этганича ёндашади, фикр юритиш жараёнида ўзида мавжуд бўлган билим ва кўникмалардан кенг фойдаланади, бу орқали дунёни билади ва уни тушуниб боради.

- Қабул қилувчи ёки маълум бир аудиториянинг *фикрлаш майдони* – бу бир қанча омиллар ифодаланган корреляция (ўзаро боғлиқлик) тизими бўлиб, қабул қилувчининг фаолияти ва ўзлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Фикримизча, жамиятда инсонлар ўзаро бир-бирини тўлдириб туради. Бу эса ахборот алмашинуви жараёнлари тезлигининг ошишига сабаб бўлади. Алоҳида аҳамият қаратадиган жиҳатларидан бири ОАВ тили орқали ахборот алмашинуви жараёнлари омма онгини маданий, сиёсий-иқтисодий жиҳатдан шаклланишига таъсир кўрсатади.

Шунингдек, А.Н.Леонтьев таъсир этиш усуллариининг уч турини кўрсатиб ўтади.

- Таъсир этишнинг биринчи усули: қабул қилувчининг тушунча майдони (маълумотлар захираси)га номаълум бўлган хабар ёки ахборот бериш, яъни борлиқ ҳақида унинг учун янги бўлган маълумот бериш орқали унинг хулқи ёки ҳолати ва унга бўлган муносабатни ўзгартириш. Бу *хабардор қилиш орқали таъсир этиш* деб айтилади²¹.

Бу ерда биз қабул қилувчи (адресат)га унга номаълум бўлган оламшумул воқеа, ҳодиса ёки хабарни маълум қиламиз. Бу ўз ўрнида адресатнинг ушбу маълумотга бўлган қизиқишини уйғотади, гап нима ҳақида кетаётганлигини билишга қизиқади ва бир муддат бўлса ҳам эътиборини қаратади. Бунинг натижасида омма қизиқиши ортади ва онгда таъсир жараёни содир бўлади.

Мисол: *Оғир хасталикка чалинган Жамшидҷон Эргашев даволанишига муҳтож эканлиги тўғрисида онасининг мурожаати оммага ҳавола этилиб, хайрия акцияси ташкил этилаётганлиги тўғрисида маълумот берилади. (Хабарда беморнинг касаллик варақаси, даволанишига кетадиган маблағ кўсатиб ўтилган. Кип.уз. 2017 йил, Июль)*

Юқорида келтирилган маълумотда бемор ўғлини даволатиш учун ҳаракат қилиб юрган, лекин даволатиш учун моддий имкониятлари чегараланган онанинг ОАВ орқали юртдошлари– миздан ёрдам сўраб қилган мурожаати бериб ўтилмоқда. Ушбу маълумотни мутолаа қилган ўқувчи, албатта ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилади. Зеро, инсонпарвар ва саҳоватпеша халқимиз орасида муҳтожларга ёрдам кўрсатиш учун доимо шай мард инсонлар топилади. Албатта, ушбу хабар бу каби инсонларга таъсир ўтказмасдан қолмайди.

- Таъсир этишнинг иккинчи усули: қабул қилувчининг *тушунча майдони* (маълумотлар захираси)ни ўзгартириш бўлиб, унда мавжуд бўлган маълумотга қўшимча маълумот берилади. Бу ҳолатда олдинги маълумот ва кейинги берилган маълумот ўртасидаги боғлиқлик борлиги ёки йўқлиги катта аҳамият касб этади. Бу ҳам хабардор қилиш орқали таъсир этилади²².

Мисол: *Жамшидҷон Эргашев учун хайрия акциясини ташкил этган эдик. Хайрия акцияси давомида тўпланган маблағ Жамшидҷоннинг саломатлигини тиклашга етди, ҳатто ортиб ҳам қолди. “Ёрдам қўлини чўзган барча инсонларга миннатдорчилик билдираман. Катта раҳмат. Истагим – дунёда ҳеч бир бола касал бўлмасин”, - дейди онаси Муҳаббатхон Эргашева. (Кип.уз. 13.09.2017).*

Биз бунга қуйидагича изоҳ берамиз. Хабар берилганидек, ёрдамга муҳтож бир оилага мурувват кўсатилиши юзасидан

²¹ Володина М.Н. Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Ч 2. –М., 2004.

²² Володина М.Н., ўша асар, 44- бет.



хайрия акцияси ўтказилаётганлиги ва бундан хабар топган оммада унинг натижаси нима билан яқун топишини билиш истаги бўлади. Чунки жамиятда саховатпеша одамлар ҳам мавжуд бўлиб, аввалроқ берилган хабар ўз таъсирини уларга ўтказиб, ёрдам кўлини чўзишади. Ҳар қандай инсон бу каби хислатга эга бўлишга интилади. Бунинг оқибати хайрли бўлиши барчага маълум. Кўриниб турибдики, иккинчи усулга биринчи усулнинг давоми сифатида қаралади. Бу эса омма онгига таъсир этиш кучини янада оширади.

- Таъсир этишнинг учинчи усули: қабул қилувчилар (омма)га воқеа ва ходисалар ёки улар ўртасидаги боғлиқлик ҳақида ҳеч қандай янги маълумот берилмай туриб, уларга таъсир этилади. Бунга оммани *ишонтириш орқали таъсир* эришилади. Оммага ўзига номаълум бўлган бирор маълумот берилмайди, аммо, улардаги мавжуд маълумотни ҳисобга олган ҳолда янгича ёндашув билан уларга хабар етказиш орқали таъсир кўрсатилади. Мисол учун, унга маълум бўлган хабарни бирор сабабга боғлаб, уларни ишонтириш орқали таъсир этилади. Ишонтириш орқали таъсир ўтказиш қабул қилувчи аудиториянинг онгини моделлаштириш билан боғлиқ. Адресант таъсир этиш жараёнида адресатнинг фикрлаш оламини тасаввур қилган ҳолда маълумот бериш орқали натижага эришади²³.

Мисол: *Оламулмул акциянинг бошлангани айтилади. 2016 йил 18 сентябрь куни "Profi Education"да ўқиб, талаба бўлган икки нафар талабага Nexia автомашинаси топширилди. Эндиги навбат Spark автомашинасига! 2017-2018 йилги абитуриентлар учун совға сифатида Spark автомашинаси ўйналади. Сиз ҳам ана шундай қўшалоқ бахт соҳиби бўлишни хоҳласангиз, Profi Education'га марҳамат!!! (Кип.уз.).*

Юқорида берилган хабар ҳам, маълумот ҳам реклама ҳисобланиб, яратилган кўшимча имкониятлар

адресатнинг қизиқишини янада орттиради. Ўқиш истагида бўлиб юрган ёшларга малакали мутахассислар қўл остида, замонавий қулайликлар ва кўшимча имкониятларга эга ўқув марказида таҳсил олиш истаги юқори бўлади. Кўшимчасига эришилган натижанинг ортида турган совға эса, ахборот таъсир кучини янада оширишга хизмат қилади. Адресат ўқув марказлари ҳақида маълумотга эга, лекин натижада қўлга киритилиши кутилаётган совға ҳақидаги маълумот орқали кўшимча ахборот етказилаётганлиги ва таъсир этилаётганлигини кўриш мумкин.

ОАВ тили матнларини тузишда сўзлардан объектив тарзда фойдаланиш, матнларни аниқ мақсадга йўналтирган ва оптимал вариантлардан фойдаланган ҳолда тузиш унинг таъсир этиш даражасини янада оширади. Бунда ОАВ ходимларининг интеллектуал салоҳияти, профессионаллик жиҳатлари алоҳида аҳамият касб этади. ОАВ тилидан фойдаланишда зарурий кўрсатмаларга риоя этилмаслик, охир-оқибат омманинг ишончсизлигини орттиради. Тарқатилаётган ахборотларнинг жамият ҳаёти учун долзарб, ижтимоий фаолиятга дахлдор ва энг асосийси юксак интеллектуал даражада етказилиши, шак-шубҳасиз, омма эътиборидан четда қолмайди.

²³Володина М.Н., ўша асар, 45- бет.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси. – Тошкент. 2016.
2. Ибрагимова Н. Имидж таъсирни кучайтиради. “Ўзбекистон матбуоти”, 3-сон, 2008 йил.
3. Мирносиров М. Глобал таъсир воситаси. “Tafakkur”, 2-сон, 2004 йил.
4. Володина М.Н. Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Ч 2. –М., 2004.

Улмасов Ш. Основные типы влияния языка СМИ на общественное сознание. В данной научной статье приведены примеры цитат зарубежных и отечественных научных деятелей, которые рассматривают язык как средство массовой информации и как объект научных работ. Рассматриваются типы влияния СМИ на общественное сознание. А также, показано влияние СМИ, которое зависит непосредственно от отношения адресата. Обсуждается результат повышения чувствительности информации.

Ulmasov Sh. Mass media as a main means of influence on people's mind. The article cites quotations from foreign and native scientists using the language of the media as an object of their research. The types of media influence on public consciousness are analyzed and analyzed on examples. In addition, the influence of the media depends on the attitude of the addressee. The result of increasing the sensitivity of information is discussed.



СЎЗ ТАРТИБИНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Собиров Анвар,
СамДУ докторанти

Калит сўзлар: сўзловчи, коммуникация, прагматик мақсад, нутқий мулоқот, дискурс, поэтик матн, сўз тартиби, инверсия, эстетик таъсир.

Кейинги йилларда тил ҳодисаларини талқин қилишда улар марказида инсон туриши, ҳар бир ҳодиса унга боғлиқ ҳолда амалга ошиши эътироф этилиб, бу ҳолат прагматик синтаксисда, жумладан, инверсиянинг янги истиқболли мавзу сифатида тадқиқ этилишида ҳам кўринади. Синтактик назарияга мос ушбу йўналишни прагматик синтаксис деб аташ мумкин. Шундан келиб чиқиб, тил бирликлари ва уларни қўлловчи субъект ўртасидаги муносабат, шунингдек, нутқ фаолиятини ташкил этувчи бирликларнинг мулоқот жараёнида ўз имкониятларини намоён қилиши лингвистик тадқиқотлар диққат марказида бўлиб қолди.²⁴ Тил орқали амалга ошадиган ҳар қандай ҳаракат асосида прагматика ётади. Бу ҳақда тилшунос Н.Маҳмудов шундай фикрлайди: “Одатда, коммуникатив вазиятнинг уч асосий унсури мавжуд бўлади, яъни сўзловчи, тингловчи ва мавзу ёки ахборот. Сўзловчи муайян ахборотни тингловчига етказиш учун, албатта, восита – тегишли канални танлайди. Табиийки, асосий канал тилнинг ўзидир. Аммо ахборотни тўла етказишда умумий вазият ва мақсадга мувофиқ бошқа каналлар ҳам ишга туширилади. Бу ўринда паралингвистик ва экстралингвистик воситалар назарда тутилади. Чиндан ҳам, турли жестлар, юз ифодаси, бошни кимирлатиш, гавда ҳаракатлари, макон яқинлиги, овоз табиати, кийимлар, сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий ёки бошқа мақоми каби хилма-хил омиллар коммуникация жараёнида алоҳида қимматга эга. Узатилмоқчи бўлган ахборотнинг мазмуни, мақсади ва

табиатига уйғун тарзда коммуникация канали танланади”.²⁵ Ўзбек тилшунослигида сўз тартиби, асосан, синтактик нуктаи назаридан насрий матнларда тадқиқ этилган бўлиб, нутқий алоқада иштирок этувчи бирликларнинг эмоционал-экспрессивлигини таъминловчи инверсиянинг юзага келиш сабаблари, кўринишлари ва ўзига хос хусусиятлари бадиий услуб мезон ва ўлчовлари асосида талқин этилади. Ўзаро мулоқот жараёнида маълум гап бўлагининг сўзловчи ёки ёзувчи коммуникатив мақсадига боғлиқ ҳолда фаоллашуви ва юзага келувчи таъсирчанлик муҳим семантик ва коммуникатив категория сифатида прагматика доирасида кесишади ва бунда сўзловчи субъект ўз мақсади билан биринчи ўринга кўтарилади. Сўзловчи шахс ва нутқий алоқанинг бўёқдор ва таъсирчан аъзоси ўртасида мустаҳкам алоқанинг мавжудлиги тадқиқотчилар томонидан эътироф этилса-да, ҳалигача етарли даражада ўз ечимини топган эмас.

Сўзловчи шахснинг ифодаламоқчи бўлган фикрлари оғзаки ва ёзма шаклда нутқ қаратилган шахсга йўналтирилади. Бунда сўзловчи адабий тил меъёри сифатида белгиланган қоидаларга амал қилишга мажбур. Тилнинг грамматик қурилиши, луғавий таркиби бирликларидан муомала жараёнида мақсадли фойдаланиш, тил бирликларининг маълум бир вазифани бажариши услубий хосланишни тақозо қилади. Сўзловчи ва нутқ қаратилган шахс муносабати, коммуникатив мақсад, нутқий вазият, прагматик самарани таъминловчи лисоний ва нолисоний омиллар тил бирликларининг қўлланишига ҳам таъсир этади. Бу ҳолат синтактик сатҳ доирасида

²⁴ Иссерс О. Когнитивный и прагматический аспекты функционирования языковых единиц в дискурсе. - СПб. : Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2005.

²⁵ Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Тошкент, 2007. –Б.40.



гап бўлақларининг жойлашишида ва маълум бир вазифаларни бажаришга хосланишида намоён бўлади. Тилшунос олимлар А.Нурмонов ва Н.Маҳмудовларнинг кўрсатишича, “Ўзбек тилида гап бўлақларининг тартиби қуйидаги вазифаларни бажаради: 1) сўз бирикмалари қисмлари тартибининг грамматик меъёрини кўрсатиш; 2) гап (жумла)нинг коммуникатив мақсадига кўра у ёки бу бўлақнинг ахамиятлилигини кўрсатиш; 3) нутқнинг услубий хусусиятини акс эттириш ва бошқалар”²⁶.

Синтактик нуқтаи назардан қаралса, “Сўз тартиби, гап бўлақларининг тартиби — гап бўлақларининг ўзаро маълум грамматик қонун-қоидалар асосида, маълум синтактик, мазмуний, услубий киймати билан боғлиқ ҳолда жойлашуви. Гап бўлақлари тартибининг ўзаро қарама-қарши қўйилувчи бир неча турлари бор. Булардан энг асосийси тўғри тартиб ва тесқари тартиб оппозициясидир. Тўғри тартибда синтактик тузилма қисмлари (гап бўлақлари, қўшма гап предикатив қисмлари ва б.) маълум қонун-қоидалар асосида одатдагича жойлашади. Мас, ўзбек тилида аниқловчининг аниқланишдан, эганинг кесимдан, тўлдирувчи ёки ҳолнинг кесимдан олдин жойлашуви тўғри тартиб ҳисобланади: баҳаво ерлар, Карим ўқиб бўлди, китобни ўқиди, тўсатдан келиб қолди каби. Тесқари тартибда маълум услубий, семантик мақсад ва бошқа сабаб билан синтактик тузилманинг (ундаги гап бўлақларининг, қўшма гап предикатив қисмларининг) тўғри, одатдаги тартиби ўзгаради, инверсия юз беради”²⁷.

Гап бўлақлари тартибининг ўзгариши воситасида гапда турли маъно нозикликларининг ифодаланиши кўпроқ бадий матнларда, хусусан, поэтик матнларда кузатилади. “Нутқ таъсирчанлигини ошириш мақсадида

гапда сўзларнинг одатдаги (тўғри) тартибини ўзгартириш”²⁸ натижасида гапда бош ёки иккинчи даражали бўлақ мақомидаги сўз ўз вазифасига қўшимча тарзда янги маъноларни ифодашга ҳам хизмат қила бошлайди. Бошқача айтганда, гапда ўз жойлашиш ўрнини ўзгартирган бўлақнинг ўзига хос хусусиятлари у ёки бу кўринишда амал қилувчи нутқ жараёнида юзага чиқади. Тадқиқотларда мураккаб жараён ҳисобланган муомала тузилмаси коммуникатив (бир томонлама) ахборот узатиш, интерактив (икки томонлама ўзаро таъсир) ва перцептив (ўзаро бир-бирини идрок қилиш) алоқа турларидан ташкил топиши қайд этилади²⁹.

Тил инсон фикрларининг юзага чиқишини таъминловчи асосий воситадир. Шу боис нутқий фаолият тушунчаси юнонча «иш», «фаолият» маъноларини билдирувчи³⁰ прагматика билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга ошади. Демак, тил тизими таракқиётининг бошланғич нуқтаси (даври) прагматикадан бошланади³¹. Прагматика амалий жиҳатдан фойдали бўлиб, шахснинг субъектив қизиқишларини ифодалайди³². У инсон нутқий фаолиятининг амалий жиҳатларини тадқиқ этувчи фан сифатида мулоқот жараёнида қўлланувчи тил воситаларининг контекстга таъсирини таҳлил қилади. «Ҳар қандай дискурс иштирокчилари ўзига берилган имкониятлар ёрдамида муносабатга киришади. Унинг нутқдаги ҳокимлик даражаси ўша вазиятнинг ўзида хатти-ҳаракатда ҳам сезила бошлайди. Бундай ифодалар перформативлар ҳисобланади. Ҳаракат ифодасида социал, коммуникатив вазият тўла маънода ўз

²⁸Ўзбек тилининг изохли луғати. 5 жилдли. Иккинчи жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.Б.206.

²⁹Ғозиев Э. Муомала психологияси. - Т. Университет. 2001. Б.55.

³⁰Стариченок В.Д. Большой лингвистический словарь.-Ростов-на-Дону: «Феникс», 2008.-С.462.

³¹Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Тошкент, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. Б.37.

³²Турлова Е.В. Прагмалингвистические характеристики малоформатных текстов / Поволж. гос. соц.-гуманитарная акад. - Самара, 2009.

²⁶Маҳмудов Н.,Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995.Б.16-17.

²⁷Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. - Тошкент :”Ўзбекистон миллий энциклопедияси”

Давлат илмий нашриёти: www.ziyouz.com кутубхонаси. Б.824.



баёнига эга бўлади, сўзловчи ва тингловчи фаолияти ҳам ўша вазият билан боғланади»³³. Инсоннинг нутқий алоқасида вербал мулоқот етакчилик қилади. Яъни сўзловчи ўз коммуникатив мақсадидан келиб чиқиб, тилда мавжуд бўлган бирликлар воситасида фикрларини ифодалайди. Кўзланган мақсаднинг юзага чиқишида турли имо-ишора, мимика, гавда ҳаракатлари каби новербал воситалардан ҳам фойдаланилади.

Ушбу жараёнга сўз тартиби, хусусан, инверсия ҳам ёрдам берадики, унинг воситасида гапдаги энг аҳамиятли, муҳим бўлган сўз алоҳида таъкидлаб, ажратиб кўрсатилади ва шу орқали сўзловчи кайфияти ва ҳис-туйғулари акс эттирилади³⁴. Тил бирликларининг гапда маълум бир вазифани бажаришдан ташқари сўзловчи коммуникатив мақсадининг амалга ошишини таъминловчи восита эканлиги унинг прагматика билан чамбарчас боғлиқлигидан далолат беради. Гапда сўзлар тартибининг тўғри, тилнинг синтактик табиатига уйғун бўлиши мантиқий нутқ тузишда жиддий аҳамиятга моликдир. Сўз тартибидаги нуқсон жумлада ифодаланган фикрнинг мантиқан янглиш ёки икки ёқлама англанишига сабаб бўлади. Масалан: *Лоқайдлик туфайли кўрсак ҳам индамаймиз* ("Хуррият", 2006 йил 24 май). Бу жумладаги сўз тартибидаги сакталиқ сабаб фикр икки хил тушунилиши мумкин, яъни "лоқайдлик туфайли кўриш" (бу, албатта, мантиққа зид) ва "лоқайдлик туфайли индамаслик". Аслида ифодаланмоқчи бўлган фикр уларнинг иккинчиси. Жумладаги сўз тартиби *Кўрсак ҳам лоқайдлик туфайли индамаймиз* тарзида тузилса, мантиқ ўзининг тўғри ифодасини топади.³⁵

Гапда сўзларнинг маълум тартибда тузилиши нутқнинг барча кўринишлари учун хос бўлган қонуният ҳисобланса-да, бадий нутқда барча бирликлар қатори сўз тартибида ҳам маълум коммуникатив мақсад, экспрессив нутқий ифодаларни ҳосил қилиш кўзда тутилади. Масалан,

*Кўриқчилар боқади ҳайрон, // Ҳеч ким менга демайди: «Тўғри!..
Сен бир мўмин, беғуноҳ инсон, // Ўлиши шарт, ахир, у — ўғри!»
Жовдирайман жаллод қошида: // Ўйлаб топгин бирор бир имкон,
Қоп кийгизмай тургин бошига, // Унинг учун мен берайин жон»,
«У — порахўр», дейди халойиқ, // Мен ўртага қўйиб жонимни,
Дейман: «Йўқ, У яшашига лойиқ, // Қонун, тўккин менинг қонимни.
«У севгисин сотди», қичқираб // Бир аёлнинг қасоскор кўзи.*

Тиз чўкаман: «Синглим, муқаррар // Буюк номзод ўлимга ўзим!» (У.Азим)

Парчада дастлабки кўзга ташланадиган ҳолат гапларнинг инверсия асосига қурилганлиги. Муаллиф бунда мисралар охирини ўзаро кофиядош сўзлардан фойдаланиб, "тўғри-ўғри", "имкон – жон", "жонимни – қонимни", "кўзи – ўзим" тарзида тугаллаш билан гапларнинг эмоционал-экспрессивлигини таъминлаган. Гап бўлақларининг одатдаги тартиби бузилиши эса шеърятдаги поэтик таъсирчанликни таъминловчи усуллардан бири сифатида китобхон руҳиятига таъсир кўрсатади. Умуман, поэтик матнларда сўз тартиби прагматик имкониятларининг намоён бўлишида контекст муҳим роль ўйнайди. Поэтик асарлар тили ўзига хос бўлиб, унда қўлланилган тил бирликлари, шунингдек, гап бўлақларининг жойлашуви ҳам нутқ қаратилган шахс, яъни ўқувчига таъсир этиш асосий вазифа саналади. Бадий матнда муаллиф гап бўлақларини маълум тартибда жойлаштириш билан коммуникатив мақсадни кўзда тутди. Муаллиф гап бўлақларидан айримларига алоҳида эътибор қаратиб, ўз ҳиссиётларини, туйғуларини, воқелик фактларига бўлган муносабатини ўқувчига билдириши,

³³ Ҳакимов М.Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: филол. фанлари док. ...дис. автореф. .-Т.:2001. –Б.30.

³⁴Бондарко Л.В., Вербицкая Л.А. Прикладное языкознание. СПб. : Изд-во С-Петербургу. университета, 2001.

³⁵Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Тошкент, 2007. –Б.40.



шунингдек, китобхонни маълум ҳаракатга ундаши, унга бадий-эстетик таъсир кўрсатиш орқали навбатдаги нутқ жараёнига тайёрлаши мумкин. Матн ижодкори ҳар бир фикрни маълум бир прагматик мақсад билан боғлайдики, у коммуникацияда шу фикрнинг прагматик мазмуни сифатида шаклланади.

*Шу қора тупроқ, шу хоки пок ердан,
Йил бўйи тўкилган пешона тердан,
Истаса бий дала, сахрою қирдан*

Оқ олтин яратар деҳқон қўллари.
(Тўра Сулаймон “Олқов”)

Келтирилган парчада аслида айтилмоқчи бўлган асосий фикр – деҳқон қўлларининг оқ олтин яратиши. Муаллиф бу фикр ифодаланган гапни инверсия тарзида шакллантириш билан охириги мисрага тушириши, дастлабки уч мисрада ифодаланган гапларни эса асосий гапда ифодаланган мазмунни кучайтиришга йўналтириши ўзига хос поэтик оҳангдорликни таъминлаган. Дастлабки уч мисрадаги охириги сўзларнинг –дан чиқиш келишиги кўшимчасини олиши билан таъкид маъноси оширилган. Бадий матнда тилнинг эстетик вазифаси ва ифода имкониятлари кенг. Бу имкониятларнинг таъминланишида семантик-стилистик воситалар қатори сўз тартибининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Бадий матнда ўқувчи шеърда ифодаланаётган ахборотни шунчаки, оддийгина қабул қилувчи адресат эмас, балки нутқий мулоқотнинг асосий фигураларидан бири – нутқ қаратилган шахс сифатида узатилаётган маълумотни идрок қилиш асносида уни таҳлил призмасидан ўтказди. Худди шу мураккаб жараёнда нутқий фаолият билан боғлиқ тил бирликлари, нутқ воқеланишида иштирок этувчи воситалар прагматик тушунча касб эта бошлайди, яъни фаолиятга киришади.

Маълумки, тилда ижтимоий вазифалардан ташқари энг аввало, инсоннинг муносабати намоён бўлади. Тил шахснинг воқеа-ҳодисаларга, шахсларга ва нарсаларга, ҳаракат-ҳолатга муносабатини

шакллантирувчи воситадир. Бу муносабатнинг муаллиф мақсадига мос ҳолда ифодаланишида сўз тартибининг аҳамияти катта. Муаллиф поэтик матнда сўз тартибидан услубий восита сифатида фойдаланишда асосан, инверсия усулига мурожаат қилади ва шеърини нутқ талабларига бўйсунган ҳолда ўз фикрларини баён қилади. Шоир Аъзам Ўктамнинг куйидаги мисраларида шу ҳолат кузатилади:

Бухорога борганда боқмам сира осмонга. Қараб туравераман Минораи Калонга. Шунда тўғри юракка мозий бостириб келар: ҳайқирган суворилар, кишнаётган дулдуллар. Мен энтикиб қоламан, қалбимда гулув, ҳадик. Гўёки мана ҳозир учиб кетадигандек. Ачиндимми, куйдимми мозийни кўп ўйладим. Қариб қолган минора тилга кириб сўйлади: «Э, қўйсанг-чи, мозийдан хавотир олмоқ бекор. Ахир унда не буюк улуг боболаринг бор! Кўзингдир юрт тарихи, қараб юргин кўзингга. Сен менга ачинмагин, эҳтиёт бўл ўзингга!»

Поэтик матнлар таҳлилидан маълум бўладики, сўзловчи коммуникатив мақсади амалга ошишини таъминловчи бирликларнинг функционал-семантик имкониятлари контекстда, сўз тартибига боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Гапда сўз тартибининг инверсия шаклида бўлиши, танланган сўзларнинг бўёқдорлиги ва таъсирчанлиги ўқувчи руҳиятига таъсир этиб, унда ифодаланган фикрларга нисбатан маълум бир муносабатнинг уйғониши бадийликнинг асосий мезони ҳисобланади. Инверсия уч йўналишдаги фанлар кесишмасида амал қилади. У маълум ҳолатга алоқадорлиги, муносабатига кўра семантикага, гап таркибидаги бўлақларга муносабатига кўра синтактикага боғланади. Унинг сўзловчига муносабат ифодалаш вазифасини бажариши эса бевосита прагматикага дахлдорлигини кўрсатади. Бу эса инверсиянинг эстетик вазифаси кенг камровли эканлигидан далолат беради.



Адабиётлар:

1. Бондарко Л.В., Вербицкая Л.А. Прикладное языкознание. СПб. : Изд-во С-Петербург. университета, 2001.
2. Иссерс О. Когнитивный и прагматический аспекты функционирования языковых единиц в дискурсе. - СПб. : Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2005.
3. Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Тошкент, 2007. –Б.40.
4. Стариченок В.Д. Большой лингвистический словарь.-Ростов-на-Дону: «Феникс», 2008.-С.462.
- 5.Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Тошкент, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. Б.37.
- 6.Турлова Е.В. Прагмалингвистические характеристики малоформатных текстов / Поволж. гос. соц.-гуманитарная акад. - Самара, 2009.
7. Ғозиев Э. Муомала психологияси. - Т.: Университет. 2001. Б.55.
8. Ҳакимов М.Ўзбек тилида матнинг прагматик талқини: филол. фанлари док. ...дис. автореф. .-Т.:2001. –Б.30.

Сабилов А. Прагматизм порядка слов. *Статья посвящена вопросам порядка слов в языке и в зависимости от них эстетико-оценочной деятельности самой речи.*

Sobirov A. Pragmatic peculiarities of word order. *This article is devoted to issues of word order in language and literary-aesthetic activity in speech.*



COGNITIVE THEORY OF METAPHOR

*Sapayeva Sokhiba,
Teacher of USWLU*

Key words: *metaphor, cognitive metaphor, concepts, conceptual metaphor, cultural experience, comparison and categorization.*

The study of metaphor originated from ancient Greece, basically Aristotle, who looked at metaphor as implicit comparison which is centered at analogy [1,3]. Aristotle suggested that the main function of metaphor is stylistic and ornamental [2,79]. Metaphor is used for artistic reasons, mainly in poetry, to definite a thought in an eloquent style. Aristotle also pointed out the believable function of metaphor, seeing it as an active rhetorical figure to be employed in political discourse [2, 80].

His opinion of metaphor develops the basis of the so-called comparison theory of metaphor. This advance sees metaphor as “a type of comparison, a shortened simile” established on likeness [2, 90]. Therefore, let us consider these metaphors: *You are the light in my life* is observed as a reduced variety of: *You bring happiness to my life*.

The downside of the viewpoint is that it disregards the significant difference between a comparison and a categorization: whereas a simile stresses probable likenesses between two conceptions, a metaphor creates the two concepts as having “in common something more than modest similarities in that they belong to the same class sharing pertinent features” [4, 135]. Furthermore, the comparison theory realizes metaphor as comparing two concepts, which have been seen as similar by the author prior to the use of metaphor, somewhat making the likenesses. This one suggests that metaphor is narrowed to phenomena deep-rooted in actual or possible experience [4, 90]. The second main theory is the substitution theory of metaphor. This approach says “metaphor is a way of saying what may perhaps be supposed accurately” [4, 90]. One can exchanges metaphor with a synonymous expression. As a consequence, the metaphor: *He trumpeted*

out the news can be replaced by: *He told to anyone who wanted to listen* [3, 15].

Max Black initiated the next approach of metaphor in the second half of the twentieth century called the interaction theory. Comparing the two theories above, it does not need metaphor as simply maintaining symbolically something. Metaphor contains the principal and subsidiary subjects, conforming to the metaphorical emphasis and the adjoining literal frame in turn.

According to G.Lakoff, “the creator of a metaphorical statement selects, emphasizes, suppresses, and organizes features of the primary subject by applying to it statements isomorphic with the members of the secondary subject’s implicative complex” [4, 29]. This approach suggests that the interaction theory does not assume it is only the lesser issue, which has influence on the main subject. For example, in the metaphor ‘man is a wolf’, we have enough knowledge and connotations about a man and wolves, e.g., knowing that they are wild and ruthless [2, 95]. Vitally, the interaction theory does not mean metaphor only as a matter of language but also shows its cognitive measurement. The three theories does not have much currency in modern investigation on metaphor, which mainly uses the cognitive theory of metaphor.

A conceptual metaphor, that is, cognitive metaphor, is considered one of the basic mental processes, a way of cognizing, structuring and explaining the world around us; the connection of knowledge about one conceptual area in another conceptual area. Remains of the experience are formed and reproduced in a particular cultural society.

The formulation of the question of the conceptual metaphor gave impetus to research in the sphere of human thought processes.



This helped to conclude that the metaphor is primarily the reception of thinking about the world, translated into a verbal form. Linguists A. Khili, R. Harris, A. Ottoni, R. Reynolds and others who lived in the 70's - 80's involved in this issue. G. Lakoff and M. Johnson formulated the conceptual theory of metaphor most noticeably. They described a conceptual metaphor as the connection of knowledge about one abstract zone in another abstract zone in their work "Metaphors We Live" [4, 64].

Previous scientists had recognized the cognitive measurement of metaphor beforehand knowing that the cognitive theory of metaphor is likely to be described as completely new.

The cognitive theory can be defined by three main features:

First of all, metaphor is not only viewed as a matter of language, but also as a matter of thought as well in the cognitive approach. Cognitive theorists argue that the metaphor is a significant device with the help of which we conceptualize reality. This can actually influence the way we behave and act.

Secondly, if it is compared with the substitution and the comparison theories that view metaphor as extraordinary and artistic, the cognitive theory gives emphasis that metaphor is a matter of ordinary, everyday language. Any people can realize a range of predictable metaphorical ideas in the language because we use them every day to express our experience, including abstract concepts, such as love and time.

Thirdly, metaphor is defined as a mapping of structure from one conceptual domain, the source domain, to another conceptual domain, the target domain. This mapping is not based on likeness between the two concepts, as believed by the comparison theory of metaphor, but rather on the correlation of our experience in these two domains and our ability to structure one concept in terms of the other [4, 117].

According to cognitive theorists, language serves as an evidence for the existence of conceptual metaphors since it is through everyday linguistic expressions that

conceptual metaphors are realized [3, 57]. Therefore, by analyzing discourse, metaphors can be arrived at by which we conceptualize aspects of discussed reality. Lakoff and Johnson distinguish three main types of metaphors: structural, orientational and ontological. We can recognize structural metaphors as metaphors in which one concept is systematically structured in terms of another, for example, in the classic example of the conceptual metaphor ARGUMENT IS WAR, where "ARGUMENT is partially structured, understood, performed, and talked about in terms of WAR" [4, 5]. This predictable abstract metaphor is realized in expressions such as *he always wins an argument* or *she attacked my argument*. Orientational metaphors support a spatial orientation to a concept (up-down, front-back, etc.) – e.g., HAPPY IS UP versus SAD IS DOWN, realized in *she is in high spirits* versus *I feel low* (this metaphor has a physical basis as we are in an erect posture when we feel happy and in a drooping posture when we feel sad). We are made to look at ontological metaphors as aspects of our experience in terms of entities and substances. A typical example is constituted by personification, which allows us to comprehend physical objects in terms of human characteristics and actions.

Conceptual metaphors arise within the limits of the standard system of the values based on traditional concepts and rules for the given society. They represent significant interest for studying of culture of certain language community as they often hand over the most significant cultural information. The most important conceptual metaphors are born with certain prevailing feeling; they have the through character formed in cumulative "the culture thesaurus" and designate space of information interaction of members of the given community. A metaphor, becoming the general cultural symbol and fixing important at a certain stage language community, the phenomenon does not disappear, and continues to exist, change and grow in a context.



References:

1. Arutyunova N.D. Metaphor // Linguistic Encyclopaedic Dictionary. – M.: Soviet Encyclopedia, 1990. - P.296-297.
2. McCormack E. Cognitive theory of metaphor // Theory of metaphor. – M., 1990.
3. Johnson, Mark (1987) *The Body in the Mind*. – Chicago: University of Chicago Press.
4. Lakoff, George & Mark Johnson (1980) *Metaphors We Live By*. – Chicago: University of Chicago Press.

Сапаева С. Метафораларнинг когнитив назарияси. Ушбу мақола метафоралар тадқиқотида когнитив ёндошувни кўрсатади. Муаллиф қатор олимларнинг когнитив метафоралар ҳақидаги назарияларини ўрганади ва ўз нуқтаи назарини ушбу тадқиқот мавзуси бўйича баён этади.

Сапаева С. Когнитивная теория метафор. Данная статья демонстрирует когнитивный подход к исследованию метафор. Автор изучает теории нескольких учёных о когнитивных метафорах и представляет собственную точку зрения по теме исследования.



АНУШЕРВОН АДОЛАТ ТИМСОЛИ

*Пардаева Ирода,**СамДУ мустақил тадқиқотчиси*

Калит сўзлар – одил шоҳ, Нўширавони одил, адолат, Маздак, зоҳир, зўравонлик, эзгулик, подшоҳ, вазир, амир.

Одил шоҳлар тасвирига алоҳида тўхталадиган бўлсак, унинг энг машҳур тимсолларидан бири Нўширавони одил образини четлаб ўтиб бўлмайди. Чунки бу образ Навоий ижодида жуда кўп тилга олинган, асарларида одил подшоҳ намунаси сифатида ибрат қилиб келтирилган. Навоий уни “Нўширавони одил”, яъни одил Анушервон деб атайти; “одил” нисбатини қўллаб, унинг асосий фазилати – “адолат”га урғу беради. “Тарихи мулуки Ажам”да ҳам унинг одиллигига эътибор берилган. Нўширавоннинг алоҳида тилга олинадиган одиллиги шундаки, у Маздак ва унинг тарафдорларини йўқ қилади.

Маълумки, Маздак (VI аср) бойларнинг мол-мулкани тортиб олиб, камбағалларга бўлиб бериш ғоясини кўтариб чиққан ва бунга шоҳ Кубодни кўндирган эди. Аммо бу мамлакатда эгасизлик, тартибсизликни вужудга келтиради, аёнлар норози бўлиб, Кубод ўрнига ўғли Нўширавонни подшоҳ қилиб кўтардилар.

Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асарида Маздакни “авбош каллакесарларга бош” бўлган лаъин (лаънатланган) киши деб тилга олади: “Ва Маздаки лаъин Кубод замонида пайдо бўлиб, нубувват (пайғамбарлик) даъвоси ошкор қилди ва эли бир-бирининг моли ва аёлига шерикликга рухсат берди. Бу жиҳатдан авбош ва арзол (разиллар) йиғилиб, ғавғо қилдилар. Ва анинг атбои (тарафдорлари) кўп бўлди ва Кубодни дағи фиреб ва фусун била ўз иллатига (маслагига) киюрди”. [А.Навоий 2000:240]. Маздак тарихда биринчи марта бундай ишни амалга оширган, десак бўлади. Аммо Навоий назарида – бу адолатсизлик. Хусусий мулк – муқаддас, бировнинг мол-мулкани тортиб олиш- талончилик. Адолат –

бировнинг мулкани тортиб олиб, мулки йўқларга бўлиб беришда эмас, балки мулкдан ҳамманинг баҳрамандлигини таъминлашда, мулкни зарур ва савоб ишларга сарфлашда. Навоийнинг ғоясини шу тарзда талқин қилсак, Нўширавоннинг одиллигини англаш осонроқ бўлади. Чунки бировнинг мулкани зўравонлик билан тортиб олиш, аслида зулмдир. Анушервон ана шу зулмнинг олдини олади ва Маздакни жазолаб, адолат ўрнатади: “Анинг машравати била Маздакка истимолатлар бериб, иликка киюрди. Ва хусусиятлар зоҳир қилиб атбоин мулозим қилди ва ҳужжат била анинг дини ботил эрканни анга собит қилди ва ани ва жамиъ атбоин тириклай чоҳларга сарнигун кўмдурди. Ва ўзин ўз илки била ултурди ва олам юзин анинг нопок лошидин пок қилди. Ва айтса бўлурки, барча адолати бир сори эрди ва бу бир сори эрди” [А.Навоий 2000:241].

Навоий унинг бу адолатини бир томонга қўйса, барча қилган одил ишларини иккинчи бир томонга қўйиб солиштиради. Зулмнинг бошини кесиб, мамлакатда адолат ўрнатиши шоҳнинг умри давомида бажарган барча савоб ишларидан, тоат-ибодатларидан устун экан.

Худди шу фикр “Садди Искандарий” достонида ҳам қайд этилган эди:

Не сўздинким ўтти эрур бу ажаб,
Ки, кавнайн шоҳи -Расули араб.
Ҳадисида ҳам бу башоратдурур,
Ки адл аҳли сори ишоратдурур.
Ки, адл ичра ўтганга бир соате,

Эрур беҳки, жинну башар тоати
[А.Навоий 1993:126].

Яъни икки дунё сарвари Расули Акрам (с.а.в.) ўзларининг ҳадиси шарифларида адолат аҳлига башорат қилганларидек, адолат билан ўтган бир



соат инсонун жин хайлининг тоат-ибодатидан афзалдур”. Зеро, “Мусулмон ўз мусулмон биродарига зулм қилмас ва уни зулмкор қўлида қолдирмас”. Шу боис ҳам, Расули Акрам (с.а.в.) Нўширавон гарчи мусулмон эмас эди, аммо одил подшоҳ бўлганидан дўзахга тушмади, дея мужда берадилар.

Манбаларда қайд қилинишича, Нўширавон мусулмон бўлмаган, ислом дини ёйилгунига қадар етиб келмаган. Лекин у одил бўлган, эзгулик уруғини сепиб, инсонларни жаҳолатдан сақлаб қолган. Навоий шундай ёзади:

Жумлаи олам аро шоҳ айлади,

Аддини оламға паноҳ айлади
[А.Навоий 1991:173].

Шу сабабли ҳам, у Яратганнинг марҳаматига сазовор бўлиб, дўзах оловидан омон қолди. Навоий “Саддий Искандарий” достонида шундай дейди:

Ануширвон гарчи кофир эди,

Вале адл зотида зоҳир эди.

Ўрун гарчи кофирға дўзахдурур,

Анинг адлдин ўрни барзахдурур.

Агар куфр ризвон сори қўймади,

Вале адл нийрон сори қўймади.

Ул ўтгандин ар минг йил андозадур,

Адолатдин овозаси тозадур

[А.Навоий 1993:126].

Унинг адолат андозаси ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас. Асарда Навоий Нўширавоннинг одиллигини ҳикоя қилар экан, бир нечта ривоятлар келтиради: “Бир кун бир йўлда тушуб, кабоб буюрди. Туз йўк эрди. Яқинроқ бир кент кўрунди. Биров бордиким туз кетургай. Нўширавон муболаға қилдиким, тузни сотқун ол! Мажлис ҳузори айттилар: бу тузға не миқдор баҳо бўлғайки, сотқун олғайлар? Дедиким, мунча бемиқдор нима учун подшоҳ нечук ёмон расм қўйғай, ёмон русум жузвий бўлса, ҳар киши бир нима орттуруб, ани куллий қилурлар. Бадномлиқ ани бунёд қилганға борур” [А.Навоий 2000:241]. Яъни:

Чу шаҳ зулм сори узотти илик,

Очилди ўлуқ зулм уйига эшик
[А.Навоий 1993:128].

Қачонки, султон халқ молидан қўл тортсагина, унинг амалдорлари бу ишга қўл уришга ботина олмайдилар. Ана шунинг оқибатида Нўширавон замонида “Адл жўйборидин мулк боғида фароғат ашжори (ниҳоллари) шодоб бўлди ва инсоф тарбиятидин амният ашжоридин фароғат гуллари очилди ва осойиш мевалари етилди” [А.Навоий 2000:242].

Навоий адолат, инсофни фақат подшоҳлардан талаб қилмайди. Адолат вазирнинг, амирнинг, ҳоким ва қозию муфтийлар, хуллас- ҳамманинг яшаш мезони, ахлоқ гавҳарига айланиши керак. Агар жамият ростлик ва ҳалоллик асосида ривожлансин десак, унда ҳар бир фуқародан буни талаб қилиш жоиздир.

Навоий асарда шундай жумлаларни келтиради: “Ва анинг сойир салотин учун васиятномаси борким, не дастур била салтанат қилғайларким, бу мухтасарда кунжойиш йўқдиким, барчасин битилгай, ики-уч калима била ихтисор қилилди. Ва адл бир кўрғондиким сув солуб йиқилмас ва ўт била куймас, манжаниқ била бузулмас. Ва адл ганжидурким кўпрак олғансайин, кўпрак бўлур ва озроқ харж қилсанг озроқ бўлур” [А.Навоий 2000:244].

Нўширавоннинг султонларга, мамлакат бошлиқларига насиҳати, васияти шуки, подшоҳ ҳар бир бажараётган амалида адолатга таянмоғи, ундан фойдаланмоғи лозимдир. Адолат шундай бир мустаҳкам кўрғондурким, сув олгани билан йиқилмайди, чўкмайди, ўт билан ёнмайди, манжаниқ билан бузилмайди. Адолат – бу ҳақиқатдир. Адолат шундай бойлик, тўпланган ҳазинадирки, кўп олгани билан тугамайди, балки олган сайин кўпаяди. Навоий бу билан мамлакат султони қўллаган биргина адолат миллионлаб одилликларни юзага келтиришга сабаб бўлиши мумкинлигини назарда тутади. Яъни, адолат қанчалик кам ишлатилса, у шунчалик камайиб тугаб боради. Демак, мамлакатдаги тинчлик, осойишталик, эркинлик ва озодлик, шодлик ва бахтиёрлик энг биринчи ўринда давлат бошлиғининг адолатпешалигига боғлиқ бўлар экан. Халқ, раият, мулозиму беклар, мансабдорлар, аввало, подшоҳнинг



сиёсатиға қараб фаолият юргизади. Қачонки, у мамлакатда қонун-қоида ўрнатиб, фақат адолатга суянган ҳолда собитқадамлик билан сиёсат олиб борса, шу билан бирга, ўзи ҳам бу қонун-қоидаларга дилда ва амалда риоя қилсагина, халқ ундан ибрат олади ва унга эргашади ва ўша жойда адолат қарор топади.

Навоий юкорида кўриб ўтилган Ануширвон билан боғлиқ ривоятни келтириш билан ана шу ғояни илгари суради.

“Ҳайрат ул-аброр”да эса Навоий Анушервони одилнинг бошқа бир фазилати - ҳаёсини мадҳ этади.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг олтинчи мақолати адаб васфида бўлиб, унда «Нўширавоннинг ҳаё боғида нарғис кўзидин кўзининг нарғиси уёлиб нарғис кўзлук гулруҳидин канор истамай, канора истагани» (XXXIII) ҳақидаги ҳикоят келтирилади. Шоир Анушервони одилнинг икки фазилати – адолатпарварлиги ва ҳаёсига алоҳида урғу беради. Бу шоирнинг ҳаёлий муболағаси эмас, балки ўзининг тарихий асосларига эга бўлган ҳақиқатдир.

Маълумки, Анушервоннинг отаси Шоҳ Қубод бир муддат маздакийлар таъсирида бўлиб, куёшпарастлар бошлиғи Маздак подшоҳ саройида жуда юксак мавқега эга эди. Бу мавқеидан фойдаланиб, у бир куни Анушервоннинг онаси - Маликага беҳаё кўзларини тикади ва таълимотидаги Куёшнинг саховати ҳақида сўз очади. Шоҳни Куёш сингари сахий бўлишга чорлайди ва Маликани ўзига сўрайди. Шоҳ рози бўлади. Шу дақиқада валиаҳд Анушервон Маздак қошига келиб, унинг оёқларига бош қўяди ва онасини қутқариб олиб чиқиб кетади. Шундан сўнг, тарафдорларини йиғиб, катта кўзғолон қилади, отасини тахтдан йиқитиб, Маздак ва унинг қароқчиларини тигдан ўтказади.

Тарихий манбалардан етиб келган бу воқеа тафсилотларидан, албатта, Навоий хабардор эди. Аммо юксак ахлоқий маданият эгаси бўлган назокатли Навоий неча минг йиллар илгари ўтиб кетган бўлса-да, шоҳ оиласи шаънига тегадиган

сўз айтишни ўзига муносиб кўрмайди. Ота-онаси ҳақидаги нохуш воқеа тафсилоти муносабати билан фарзандни мақташ комил хулққа эга бўлмиш Навоий табиатиға ёт эди. Шу боис, у бу тарихий воқеадан Анушервоннинг адолатпешалиги ва кучли ҳаё соҳиби эканлигини идрок этади. Ана шу юксак инсоний фазилатлар сабабли унинг шоҳлик мартабасига эришганлигини васф этади. Бунинг учун шоир ғоят муболағали, унга қадар шарқ мумтоз шеърляти анъанавий тасвирида мутлақо кўзга ташланмаган бадий лавҳа – эпизод яратади. Яъни, ҳали шоҳлик тахтиға чиқмаган Анушервон “бўлди биррав ишқи била нотавон”. Аммо бир куни

Бир чаман ичра тузубон хилвате,
Гулрух ила қилди аён суҳбате.
Комға майл айлади чун комгор,
Айлади таслим ўзини гулўзор.
Сунғоч илик дилбари мунис сари,
Тушти кўзи бир бута нарғис сари.
Илгини чекти мутағаййир бўлуб,
Деди суманбар мутаҳаййир бўлуб:
“Ким бу не қўл сунмоғу чекмак эди?”
Посуҳини шоҳи муаддаб деди:
“Ким бу висол ичраки воқеъдурур,
Нарғиси шаҳло кўзи монёдурур”.

Айни ҳаё бирла футувват анга,
Бермади ул амрда қувват анга
[А.Навоий 1991:174].

Навоий Анушервон шахсиятида, табиатида бўлган ҳаё фазилатини шу тариқа ғоят нозик сўфиёна ташбеҳлар билан ифода этар экан, тарихий асарларида ҳам таъкидлаганидек, унинг шоҳ бўлишиға айни ҳаёси сабаб бўлди ва у оламни адолат нуриға тўлдирди:

То ани охир бу ариғ нияти,
Бўйла ҳаё шеваси хосияти,
Жумлаи олам аро шоҳ айлади,
Аддини оламға паноҳ айлади

[А.Навоий 1991:174].

Бу Анушервони одил шахсиятининг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги бадий талқини. “Тарихи мулуки Ажам”да эса шоир Маздак ва маздакийлар ҳаракати, Маздакнинг Анушервон томонидан қатл қилинишини очик-ойдин, аниқ фактларға таяниб баён этади.



Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 16-жилд. – Тошкент, Фан, 2000.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 11-жилд. – Тошкент, Фан, 1993.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 7-жилд. – Тошкент, Фан, 1991.

Пардаева И. Анушервон-символ справедливости. Статья посвящена анализу образа Анушервон в творчестве А.Навои.

Pardayeva I. Anushervon symbol of justice. Article is devoted to the analysis of the image of Anushervon in the works of A.Navoi.

**ASARNI BOSHQA MILLIY ZAMINGA KO'CHIRISHDA TARJIMON SHAXSINING ROLI***Ismatova Yulduz, SamDCHTI magistri**Kalit so'zlar: tarjima, shaxs, psixik xususiyatlar, ijtimoiy omillar, "hissiy" o'zgarishlar.*

Tarjima internatsionalizm va xalqlar do'stligi qurolidir. Tarjima orqali xalqlar o'z madaniy boyliklarini oshiradilar. Agar tarjima bo'lmaganda milliy madaniyatlar va insoniyatning buyuk daholari bunyod etgan o'lmas fan va san'at sarchashmalari qurib qolgan bo'lardi. Mana shunday yuksak kuchga ega bo'lmish tarjimani amalga oshiruvchi shaxslar tarjimonlardir. Shunday ekan har qanday amalga oshirilgan tarjima asosida tarjimon shaxsining dunyoqarashi yotadi.

Tarjimon, avvalo, bu shaxs ekan, uning mohiyati o'z tabiati jihatidan ijtimoiy xarakterga ega. Shaxsdagi barcha psixik xususiyatlar, ijodiy faollik, uning rivojlanish manbalari tevarak atrofdagi ijtimoiy muhitda, jamiyatda shakllanadi va rivoj topadi. Natijada esa shaxsning psixik va sotsial o'zgarishlari tarjimaga o'tadi. Mana shu ma'noda muhit, ma'lum maqsadga qaratilgan ta'lim va tarbiya, azaldan berilgan, genetik jihatdan qat'iy belgilangan nimadir namoyon qilish uchun sharoitgina bo'lib qolmay, balki inson psixik xususiyatlarini tarkib toptirgan holda tarjimaga o'z ta'sirini yetazmay qo'ymaydi. Ushbu fikrlar asosida aytish lozimki, tarjimaga qo'l urayotgan shaxs psixik jihatdan yetuklikka erishgan bo'lishi lozim.

Insonning tabiatini o'zgartiradigan, uning shaxsining tarkib topishiga ta'sir qiladigan kuch ijtimoiy omillar yoki boshqacha qilib aytganda, jamiyat ishlab chiqarish kuchlari hamda ishlab chiqarish munosabatlarining o'sishi va o'zgarishidir. Bundan tashqari yana inson shaxsining tarkib topishiga ta'sir qiluvchi kuchli omil inson orttirgan tajribalarning tarbiya vositasi orqali bolalarga berilishidir. Shunday qilib, inson shaxsi juda murakkab psixologik kategoriya bo'lib, u kishining individual hayoti

davomida ma'lum konkret omillarning ta'siri ostida sekin-asta tarkib topadi. Ilmiy manbalarga qaraganda inson shaxsi uchta faktorlar ta'sirida tarkib topadi. Ulardan birinchisi, odam tug'ilib o'sadigan tashqi ijtimoiy muhitning ta'siri bo'lsa, ikkinchisi, odamga uzoq muddat davomida sistemali beriladigan ijtimoiy ta'lim-tarbiyaning ta'siridir va nihoyat, uchinchi odamga nasliy yo'l bilan beradigan irsiy omillarning ta'siridir.

Odamning maqsadga qaratilgan ijtimoiy foydali faoliyati protsessida hayotiy deb ataladigan mexanizmlari va ongli faoliyatining funksional sistemasi protsesslari yuzaga keladi. Ana shular tufayli odam bilimlarni, ko'nikma va malakalarni, kishining sotsial tajribalarini o'zlashtiribgina qolmay balki o'zining idroki, tafakkuri, xayoli, hissiyotlari va irodasini bir so'z bilan aytganda, voqelikka bo'lgan ongli munosabatini hamda o'z harakatlari va xulq-atvorining motivlarini tarkib toptiradi.

Insonning psixik taraqqiyotida va shaxsiy sifatlarining tarkib topishida tashqi, ijtimoiy muhit va tarbiyaning roli hal qiluvchi ahamiyatga egadir. Lekin, inson shaxsining tarkib topishi, yuqorida aytib o'tganimizdek, faqat shu ikkita faktorga emas, balki uchinchi bir faktorga ham bog'liqdir. Bu faktor nasliy yo'l bilan ayrim anatomik va biologik xususiyatlarning ta'siridir. Odamga nasliy yo'l bilan ayrim anatomik va biologik xususiyatlar beriladi. Masalan: tanasining tuzilishi, sochi va ko'zlarining rangi, ovozi, gapirish uslublari, ayrim harakatlari tug'ma ravishda berilishi mumkin. Lekin, shuni hech qachon esdan chiqarmaslik kerakki, odamga hech vaqt uning psixik xususiyatlari, ya'ni uning aqliy tomonlari bilan bog'liq bo'lgan sifatlari nasliy yo'l bilan berilmaydi. Nihoyat, nodir hollarda ayrim qobiliyatlar, masalan,



musiqa, matematika qobiliyatlar nasliy yo'l bilan berilishi mumkin. Bunday imkoniyatlarning amalga oshirilishi, ya'ni ro'yobga chiqishi uchun albatta, ma'lum sharoit bo'lishi kerak.

Hozirgi kunda amalga oshirilgan tarjimalarga qarab shuni aytish mumkinki, xalqimiz orasidan yetishib chiqqan iste'dodli tarjimonlar nasliy yo'l bilan o'tgan iqtidor egasi emas, balki bilim va ko'nikma, malakani o'z ichki kechinmalari bilan birlashtirgan yetuk shaxslardir.

Tarjima qilish uchun so'zlarning asosiy lug'aviy mazmuni-yu, tilning grammatik qoidalarini bilishning o'zi kifoya emas, albatta. Buning uchun tilning tubini his etish lozim va bunday hissiyot egasi tarjimondir. Tilning ana shunday "hissiy" tomonlaridan biri muayyan asarda avtor tilning qaysi qatlamlaridan, qanday, qaysi yo'sinda foydalanganda o'z ifodasini topadi. Bu esa uslub bilan bog'liqdir.

Asl nusxa (original) tarjimaga nisbatan umrboqiyliigi bilan ham farqlanishi, boshqacha aytganda, tarjimaning umri asl nusxanikiga nisbatan qisqa bo'lishi mumkin. Buning bir qancha sabablari bor. Shulardan biri tarjimaning uslub tarafdin "keksayishi" hamda bunday lisoniy jarayonning sodir bo'lishiga til va uslub yuzasidan yoki ular atrofida hukm surgan nazariy aqidalar, shunday nazariy qarashlar asosida qaror topgan muayyan adabiy konsepsiyalar, an'analarning ta'sirini o'rganish juda muhim. Ushbu mas'ulyat ham tarjimon shaxs bo'yini tushadi. Bundan tashqari, har bir konkret tarjima, ta'bir joiz bo'lsa, tarjimonning tarjimini qanday tushinishi mahsulidir. Bu yerda fikr uslub tushunchasiga bosh ma'noni yuklagan holda ifodalanmoqda. Agar bunday nuqtayi nazarni original adabiyotga nisbatan ham tatbiq etiladigan bo'lsa, aytish mumkinki, har bir konkret badiiy asar uni yozgan adibning adabiyotni qanday tushinishi mahsulidir [3].

Tarjima shunchaki lingvistik muammo emas. Agar tarjima faqat lingvistik muammo bo'lganida asarni hamma xorijiy tillarga hamda qardosh xalqlar tillariga tarjima qilish oson kechgan bo'lar edi. Holbuki tarjima estetik problema hamdir. Boshqacha qilib

aytganda, har qanday asarni bir tildan boshqa tilga tarjima qilishda ikki tilni mukammal bilish ham kerak. Ammo shu bilan birga tilni mukammal bilish kifoya emas. Har qanday asarni bir tildan ikkinchi tilga mukammal o'tkazish uchun, bir qancha sof estetik hamda ko'plab ekstralingvistik masalalarni hal qilishga to'g'ri keladi. Tarjimon shaxsining estetik dunyoqarashi shu yo'sinda tarjimada tarkib topadi.

Yuksak darajada mahorat bilan yaratilgan san'at asarlarining har satridan balqib turgan chuqur his, nafasat, musiqiylikni qaysi lug'atdan topish mumkin? Asarda xalqning milliy urf-odatlarini, udumlari, an'analari, xalqchilik ruhi bilan sug'orilgan misralarni, asarning ruhini berish uchun faqat tilni bilish kifoya qilmaydi.

Tarjima – har bir davrning, har bir zaminning o'z mahsuli. Uni har bir avlodning o'zi bajaradi.

Tarjima qilishdan asosiy ko'zlangan maqsad asl nusxani, ya'ni original asar nusxasini egallash, saqlash va albatta, yetkazishdir. Tarjima qilish o'z prototipiga ega bo'lmagan yangi asar yaratishdan iborat emas; balki tarjimaning maqsadi qayta yaratishdir. Tarjima jarayonida bir tilning materiali o'rmini boshqa til materiali egallaydi, binobarin tilga aloqador barcha badiiy vositalarni tarjimonning o'zi o'z ona tilida yangidan yaratadi. Til jabhasida tarjima chinakam original ijod demakdir, ya'ni bunda yangi asar ijodi yuzaga keladi.

Tarjimon voqelikni asarda ko'rsatilgani darajasida bilsagina badiiy chin, haqqoniy tarjima yarata oladi.

Tarjima asari xalqning ko'nglidan joy olishi uchun asar vatan adabiyotining fakti bo'lishi lozim. Shundagina asar muvaffaqiyat qozonadi. Bu esa tarjimon iste'dodi orqali qo'lga kiritiladi. Tarjimon iste'dodining kuchi bilan asar ona tilida qayta tug'iladi.

Tarjimon – illyo'zionist asl nusxa ortidan borib, go'yo kitobxonga uni bevosita ko'rsatmoqchi, o'quvchi qarshisida tarjima emas, balki asl nusxaning o'zi turganiga uni xayoliy yo'l bilan ishontirmoqchi bo'ladi. Original asar muallifi bilan tarjima asari muallifi o'rtasida farq bor. Original asar muallifi o'z asarida tasvirlayotgan voqea –



hodisalarning aynan o'ziday ekanligini ta'minlashda real hayotda chindan ham sodir bo'lgan voqealarni asos qilib oladi. Turgan gap, adib o'z asaridagi voqealar hodisalarini quruq bayon etmaydi. Adib badiiy to'qimalar yordamida voqealar tasvirini zamon va makon ichida – o'zga joy va boshqa vaqtga ko'chirganida ham o'z o'quvchisini bunga ishontiradi.

Tarjimon bo'lsa ikkilamchi voqelik – avtor originali doirasida ish ko'radi. Bunda asl nusxa ortidagi hayotni bilish tarjimonga qo'l kelsa ham, ammo u birlamchi voqelik – asarda tasvirlangan voqealarning "hayotiy asli" asosida o'z tarjimasiga qandaydir o'zgarishlar, tuzatishlar kirita olmaydi. Boshqacha aytganda, tasvirlangan voqealar talqiniga bevosita aralashishga uning haddi sig'maydi.

Asarni o'z tiliga o'girish maqsadida olgan tarjimon asl nusxani angashi lozim. Asl nusxadagi matn so'zma-so'z tarjima qilinsa, bu bosqichda bir qancha tarjima qusurlari ro'y berishi mumkin. Boshqa tildagi so'zni xuddi shunday jaranglaydigan bo'lak so'z bilan qorishtirish, yaqin tillarda soxta ekvivalentlar domiga tushib qolish, ya'ni kontekstni noto'g'ri o'zlashtirish, ayrim xos so'zlarning ma'nosiga tushunib yetmaslik, muallif muddaosini anglab yetmaslik natijasida asl nusxa asarining noqobil tarjimasiga yuzaga kelishi mumkin.

Avval voqelikning muallif talqini mavjud bo'lsa, so'ngra asl nusxaning tarjimon talqini kelib chiqadi. Tarjimon talqinidan kitobxon talqini kelib chiqadi. Tarjimon

uchun asosiy dastmoya – asl nusxaning matni emas, balki unda ifodalangan axborotdir. Tarjimonning maqsadi tarjima tekstini yaratishdan emas, balki asl nusxada aks etgan mazmuni ifodalashdan iboratdir.

Tarjimon asarning milliy o'ziga xosligini qay darajada aks ettirish lozimligini belgilashda, kitob taqdim etish mo'ljallangan kitobxon xorijiy madaniyatni qanchalik bilishiga qarab amal qiladi. Shu bilan birgalikda tarjimon kitobxonni tarbiyalaydi, uni xorijiy madaniyat, xorijiy urf-odatlar bilan tanishtiradi. Mukammal tarjima mohir tarjimonninggina emas, balki barkamol kitobxonni ham talab qiladi. Tarjimon kitobxonning xorijiy madaniyat sohasidagi bilimlarining kengayishiga juda yaxshi ta'sir o'tkazishi mumkin.

Tarjimon shaxsi uchun dunyoqarash va mustaqil fikrlash nazariy bilimlar bilan bir xil darajada bo'lmog'i darkor. E'tiqod va qiziqishlar har birimizdagi dunyoqarashni shakllantiradi. Shaxsning dunyoqarashi – tartibga solingan, yaxlit ongli tizimga aylantirilgan bilim tasavvurlar va g'oyalar majmui bo'lib, u shaxsning ma'lum bir qolipda, o'z saxsiy qiyfasiga ega tarzda jamiyatda munosib o'rin egallashga chorlaydi.

Shularni hisobga olgan holda shuni aytish mumkinki, agar asliyatdagi bir matn turli xil tarjimon shaxslarga taqdim etilsa, amalga oshirilgan tarjima ham xuddi shaxslar kabi turli bo'ladi. Bunga sabab esa yuqorida keltirilgan va tahlil qilingan psixologik sotsial omillardir.

Adabiyotlar:

1. Davletshin M.G., To'ychiyeva S.M. Umumiy psixologiya. -T., 2002 y. 26-51 b.
2. N. Kamolov. Bu qadimiy san'at. "Tarjima san'ati" maqolalar to'plami. G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, -T., 1976 y.
3. G'.Salomov. Tarjima nazariyasi asoslari. -T., 1983 y. 163 –b.
4. G'.Salomov, Tarjima nazariyasiga kirish. -T., 1978 y. 56 –b.
5. G'.Salomov, N. Komilov. Tarjimon mahorati. "Fan" .- T., 1979 y. 9 –b.
6. A.B.Фёдоров. Основы общей теории перевода (Лингвистический очерк). "Висшая школа" - М., 1968.

Ismatova Yu. The role of translator's personality in transferring a literary work into another national sphere. This article describes the role of the interpreter in the translation process as well as the influence of the interpreter as a translator of other texts.

Исмадова Ю. Роль личности переводчика в переводе произведения на другой язык. В статье описывается роль переводчика в процессе перевода, а также влияние интерпретатора как переводчика других текстов.

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta'lim

Ilmiy-uslubiy jurnal

Samarqand

FOREIGN PHILOLOGY

language • literature • education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Нашириёт-тахрир маркази

Муҳаррирлар	–	С. Каримова, З.Хуррамова
Техник муҳаррир	–	Ҳ. Амирдинов
Саҳифаловчилар	–	З.Усманова, Ш.Абдурахимов


Самарқанд давлат чет тиллар институти нашр-матбаа маркази:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93.

Босишга рухсат этилган 25.06.2018.

Адади 200 нусха. Қоғоз бичими А4.

Буюртма № 173. Times гарнитураси.



ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ» ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЖУРНАЛИГА

МАҚОЛАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

- Мақола муаллифи ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати.
- Мақолани чоп этиш ҳақидаги эксперт хулосаси.
- Мутахассислиги бўйича фан доктори ёки профессор томонидан имзоланган тақриз.
- Муаллиф(лар) тўғрисида маълумот (иш жойи, лавозими, яшаш жойи телефони ва электрон почтаси).
- Мақолалар Microsoft Word дастури «Times New Roman» гарнитураси 14 шрифтда, қаторлар ораси икки оралиқ билан ёзилган, икки нусхада (электрон варианты билан бирга) тақдим этилади. Мақолалар чизмаларсиз саккиз саҳифада қисқа хабарлар эса икки саҳифадан ошмаслиги лозим.
- Формулалар компьютерда Word формулалар муҳаррирининг Math Type версиясида ёзилади.Чизмалар ва диаграммалар Давлат стандарт талабларига риоя қилинган ҳолда тайёрланиши лозим.
- Мурожаат қилинган адабиётлар рўйхати мақола охирида қуйидаги тартибда келтирилади: муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи, китоб (журнал)нинг номи, нашриёт ва чоп этилган санаси (китоблар учун), журнал номери, саҳифа (журнал учун). Адабиётлар сони 7 тадан ошмаслиги тавсия этилади.
- Мақоланинг иккинчи нусхасида барча муаллифлар фамилияси, исми ва шарифларини кўрсатилган ҳолда, барча муаллифлар томонидан имзоланиши лозим.
- Мақолани миллий менталитет тил эталони бўйича, синчковлик ва диққат билан ёндашган ҳолда, услубий ва грамматик жиҳатидан юқори даражада талабчанлик билан илмий-услубий мақомида таҳрирланган ҳолда тайёрлаш талаб этилади.
- Зарурат бўлганда таҳририят мақола ва қисқа хабарларни таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.
- Мақола муаллифга қайта ишлаш учун қайтарилса, мақоланинг охириги кўриниши олинган кундан бошлаб таҳририятга тушган ҳисобланади.
- Эълон қилинган материаллар муаллифга қайтарилмайди, тақриз ва изоҳ берилмайди.
- Янги илмий-услубий ва амалий натижаларга эга бўлган ва 50% дан ортиқ қисми илгари эълон қилинмаган ўзбек ёки рус, инглиз тилларида тайёрланган мақола ва қисқа хабарлар ва бошқа соҳа бўйича шакллантирилган эксперт гуруҳларининг экспертизасидан ўтган мақолалар журнал саҳифаларида жойлаштирилади.
- Мақоланинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аннотацияларининг борлиги текширилади.